

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Б.ТЎХЛИЕВ**

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ**  
**БАДИИЙ МАҲОРАТИ**

**Тошкент - 2005**

*Ушбу монография Фан ва технологиялар  
марказининг «Классик мерос ва ёшлар  
тарбияси» лойиҳаси доирасида бажарилган*

Ушбу рисола туркий халғларнинг энг ғадимги ёзма обидаларидан бири – Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарини ўрганишга бағишланган. Унда асарнинг жанр хусусиятлари, асар таркибидаги айрим жанрларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи, уларнинг поэтикасига хос хусусиятлар кўрсатиб берилган. Ишда «Қутадғу билиг»нинг вазн ва ғофия хусусиятлари. Бадий тасвир тамойиллари борасидаги кузатишлар берилган. Мана шулар асосида адибнинг поэтик маҳорати тадқиқ этилган.

Рисола магистратура таълими талабаларига мўлжалланган. Ундан, шунингдек, тадқиқотчи ва аспирантлар, ўқитувчилар, ўқувчи ва талабалар ҳам фойдаланиши мумкин.

**Тағризчилар:**

**Филология фанлари доктори, профессор Х.ҲАМИДОВ**

**Филология фанлари доктори, профессор С. Р.ҲАСАНОВ**

**Масъул муҳаррир**

**Филология фанлари номзоди, Беруний номидаги Республика Давлат  
мукофоти лауреати Ё. ИСҲОҚОВ**

Монография Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

Ҳозирги жамият маданиятининг шаклланиши ва унинг маънавий ҳаётида ўтмиш маданий мероси жуда катта аҳамият касб этади, чунки «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди»<sup>1</sup>

Маълумки, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари туркий халқлар адабиёти тарихида муҳим ўрин эгаллаб, жаҳон адабиётидаги бадиий кашфиётларнинг энг порлоқ намуналаридан ҳисобланади. «Қутадғу билиг» нинг яратилиши туркий халқлар адабиёти тарихида илк классик поэзиянинг камолот даврини ташкил этади. Мазкур асарнинг пайдо бўлиши тасодифий бир ҳол бўлмай, қадимий тарихга эга бўлган туркий халқлар поэзияси тараққиётининг қонуний ҳодисаси сифатида ўзида туркий поэзиянинг барча муваффақиятларини акс эттиради. «Қутадғу билиг» ҳақидаги дастлабки илмий мақола XIX асрнинг биринчи ярмида эълон қилинган эди. «Уйғур ёзувидаги туркий кўлөзма ҳақида қайдлар»<sup>2</sup> деб номланган бу мақола туркий адабиёт ёдгорликларининг энг қизиқарли ва аҳамиятли намунаси бўлмиш «Қутадғу билиг» ҳақида дастлабки тасаввур бера оларди.

Жобер тадқиқоти асар ҳақида қилинган биринчи илмий иш бўлганидан унда бир қатор камчиликлар мавжуд эдики, улар кейинчалик амалга оширилган айрим тадқиқотларда такрорланди<sup>3</sup>.

Ўтган аср чет эл олимлари орасида «Қутадғу билиг» билан энг кўп шуғулланган ва катта ютуқларни қўлга киритган олим венгер шарқшуноси Херман Вамбери бўлди. Унинг эълон қилган асари<sup>4</sup> «Қутадғу билиг»ни бутун Европага танитди ва у ерда бу асарнинг жиддий ўрганилиши учун кенг йўл очиб берди.

<sup>1</sup> Каримов И. Ёзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таъдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ёзбекистон, 1997. – 140-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Насилов Д.М. В.В.Радлов и изучение древнеуйгурских памятников.- // Тюркологии-ческий сборник. 1971. Памяти академика В. Радлова. – М.: Наука, 1972. С. 67-68. Зайончковский А.К. К изучению средневековых памятников тюркской письменности (XI- XVII вв.). - Вопросы языкознания, 1967, №6, с. 80-89.

<sup>3</sup> Јаранг: Flugel G. Die arabischen, persischen und turkischen Hendschriften der Kair Konigli Hofbibliothek zu Wien. Band 3. Wien, 1867. s. 296-297.

Асарни атрофлича ўрганиш ишида туркиялик олимларнинг ҳиссалари ниҳоятда салмоқлидир. Айниқса, Муҳаммад Куприлазода<sup>5</sup>, Ризо Нур<sup>6</sup>, Фаҳри Фундук ўғли<sup>7</sup>, Нотик Оркин<sup>8</sup>, Содик Оран<sup>9</sup>, Р.Р.Арат<sup>10</sup>, А.Дилачар<sup>11</sup> ва бошқаларнинг ишларида «Қутадғу билиг» билан боғлиқ кўпгина масалалар хақида фикр юритилган.

Р.Р.Арат «Қутадғу билиг» нинг Туркиядаги энг кучли билимдонларидан эди. Олим асарни ўрганишга доир кўплаб мақолалар ёзди, Ҳирот (Вена), Коҳира ва Наманган нусхаларининг факсимилеси, танқидий матни ва луғатини<sup>12</sup> эълон қилди.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб «Қутадғу билиг»ни ўрганиш билан рус туркологлари шуғуллана бошлашди. 1861 йили Н.И.Ильминский дoston муқаддимасидан парча ва унинг таржи-масини берди<sup>13</sup>. XIX асрнинг 90-йилларидан бу асарни ўрганишга В.В.Радлов киришди ва олим асар билан деярли 25 йил шуғулланди. В.В.Радловнинг буюк хизмати шундаки, у асарнинг янги ва нисбатан муқаммал нашрини амалга оширди<sup>14</sup>.

«Қутадғу билиг»ни ўрганишда В.В.Бартольднинг алоҳида ўрни бор. У қорахонийлар даври, ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини чуқур ўрганиб, бунда «Қутадғу билиг»нинг ўрни ва аҳами-ятини биринчилардан бўлиб кўрсатиб берди<sup>15</sup>.

---

<sup>4</sup> .Vamberu A. Ujgurische Sprachmonumente und das Kutadgu Bilik. Innsbruck, 1870.

<sup>5</sup> . Куприулазода М.Ф. Турк адабиётинда ошиқ тарзининг манша ва такомили. – Миллий татаб-булар мажмуаси, 1331 (1914); Турк адабиётинда илк мутасаввуфлар, Истанбул, 1919, саҳ. 19-25..

<sup>6</sup> . Ризо Нур. Турк тарихи, жилд II, Истанбул, 1344 (1926), саҳ. 358.

<sup>7</sup> Findikoglu F. XI asrda bir turk mutafakkiri ve ahlagi dusunchalari/ CHP usuinleri. Konferanslar serisi. 2. Kitap 7. 1938.

<sup>8</sup> Orkin N. Kutadgu Bilik hagginda/- Varlik, sayi 177. Ankara, 1940. s.196

<sup>9</sup> Aran S. Turkun altin kitabi Kutadgu Bilig. Istanbul, 1944.

<sup>10</sup> Arat R.R. Kutadgu Bilig. Tipki basim I. Viyana nushasi, Istanbul. 1942; Kutadgu Bilig. Tipki basim II, Fergana nushasi, 1943; Kutadgu Bilig. Tipki basim III, Misir nushasi, 1943.

<sup>11</sup> Dilacar A . Kutadgu Biligin 900 yil donuti (1069-1070) ve Balasagunli Yusuf. -// Turk Dili. Sayi 211.. Nisan, 1969.s. 7-9.

<sup>12</sup> Јаранг: Ислom энциклопедияси, VI жилд, Истанбул, 1952, 1038-1047-бетлар.

<sup>13</sup> Ильминский Н.И. Вступительное чтение в курс турецко-татарского языка с приложениями. - Ученые записки Казанского университета за 1961 г. Г.Казань, 1862.

<sup>14</sup> Радлов В.В. Кутадгу билиг. Факсимиле уйгурской рукописи императорской и королевской придворной библиотеки в Вене. СПб., 1890. Radloff W. Das Kutatku Bilik das Jusuf-Chass-Hadscib aus Balasagun. Theil . St. - Petersburg, 1891, Theil II. 1910.

<sup>15</sup> Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. - Соч - т. II, ч. I - М.: Наука, 1963.; Богра-хан, упомянутый в «Кутадгу билиг». - Соч., т.У. - М.: Наука, 1968.

«Кутадғу билиг»ни ўрганишда С.Е. Маловнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир. Олим асарнинг турли нашр ва қўлёзмаларини, айниқса Наманган нусхасини пухта ўрганиш асосида олимларнинг асар матни юзасидан йўл қўйган қатор камчиликларини тўғрилади. «Кутадғу билиг» нинг айрим қисмларини чоп эттирди, асарни тран-скрипция қилишда тамомила янгича йўл тутди ва бу соҳада жиддий ютуқларга эришди<sup>16</sup>.

Асарни ўрганишда П. М. Мелиоранский<sup>17</sup>, А. Самойлович<sup>18</sup>, К.К.Юдахин<sup>19</sup>, Н.А.Баскаков<sup>20</sup>, Е.Э.Бертельсларнинг<sup>21</sup> ҳам хиз-мати катта. Улар асар матнини тўғри ўқиш, транскрипция ва тавсиф қилиш принциплари ҳамда туркий тиллар таракқиётини ўрганиш борасидаги аҳамияти тўғрисида қимматли фикр билдиришган.

«Кутадғу билиг»ни ўрганишда А.А.Валитованинг алоҳида хизматлари бор. Олима биринчи бўлиб бу асарнинг тарихий-адабий манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб ва шу йўналишдаги ишларни бошлаб берди. А.А.Валитованинг «Кутадғу билиг» ҳақида эълон қилган ишлари фақат асарни ўрганиш соҳасида эмас, умуман туркшунослик фанига қўшилган буюк ҳиссадир<sup>22</sup>.

---

<sup>16</sup> Малов С.Е. «Кутадғу билиг». Факсимиле.- Советское востоковедение, У. 1948, с. 327-328.; Мир Али Шир Навои в истории тюркских литератур и языков Средней и Центральной Азии.- Изв. АН СССР. Отделение литературы и языка, 1947, вып.6, №6, с. 475-480. ;Образцы древнетюркской письменности с предисловием и словарем. Ташкент, 1926.; Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.-Л., 1951.

<sup>17</sup> Мелиоранский П.М. О «Кутадғу билиг» Чингиз-хана.- Записки Восточного Отделения Русского Археологического Общества, 1900, т. XIII, с. 015-023.; Крымский А. Турецкие наречия и литературы.- Энциклопедический словарь Ф.А.Брокгауза и Ефрона. СПб., 1912, с. 159-169.

<sup>18</sup> Самойлович А. Дополнение к предложенным Радловым и Томсеном к переводам одного стиха «Кутадғу билиг».- Доклады Академии Наук, серия В, 1928, №2, с. 23-25.; Из поправок к изданию и переводу «Кутадғу билиг».- Доклады Российской Академии наук, серия В, 1924, октябрь-декабрь, с.148-151.; К истории среднеазиатско-турецкого языка.- Сб.: Мир Али Шир. Л., 1928.; О среднеазиатской надписи на глиняном кувшине из Сарайчика.- Записки Восточного Отделения Русского Археологического Общества. Т. XXI, 1912.; Четверостишие-туйуги Неваи.- Мусульманский мир. Вып. I. Пг, 1917.

<sup>19</sup> Юдахин К.К. Боуз или бу уз?- Эпиграфика Востока, I.- Сб.статей под ред.проф. В.А.Крачковской. М.-Л., 1947.

<sup>20</sup> Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков.-М.: Высшая школа, 1962.; Роль уйгуро-корлукского литературного языка Караханидского государства в развитии литературных языков средневековья.-Советская тюркология, 1970, №4, с.13-19.

<sup>21</sup> Бертельс Е.Э. Изречение Ибрахим ибн Адхама в «Кутадғу билиг». - Суфизм и суфийская литература.-М.: Наука, 1965.; История персидско-таджикской литературы.-М.:Наука, 1960.

<sup>22</sup> Валитова А.А. К вопросу о классовой природе караханидского государства. -// Труды Киргизского филиала АН . Вып. 1. Фрунзе, 1943; Юсуф Баласагунский и его «Кутадғу билиг». -// КСИВ, М.: 1952. С. 56-63. К изданию критического текста и перевода «Кутадғу билиг». -// КСИНА, XVII, 1961. С 77-88.; О некоторых терминах в «Кутадғу билиг»//КСИНА. 63. М., 1963. С. III-121; Отражение в «Кутадғу билиг» легенды об Александре Македонском и нищем шах-заде // КСИНА 65, Сб. памяти Е.Э. Бертельса. М.: Наука. 1964. С.40-52; К вопросу о мировоззрении Юсуфа Баласагунского (политические поучения среднеазиатского мыслителя

«Кутадғу билиг» нинг поэтик хусусиятларини ўрганиш эндигина бошланди. Айтиш мумкинки, асарнинг бу хусусиятларини ўрганиш кўп жихатдан ҳозирги замон тюркологларидан И.В.Стеблева исми билан боғлиқдир. Унинг асар вазни ва қофиясига доир кузатишлари, айниқса, диққатга сазовор бўлиб, ўзининг чуқур илмийлиги, далилларга бойлиги билан ажралиб туради<sup>23</sup>.

Ўзбекистонда бу асарни ўрганиш «Кутадғу билиг» нинг учинчи – Наманган (Тошкент) нухасининг топилиши билан боғлиқдир. Бу ҳақда дастлаб «Туркистон» газетасида хабар эълон қилинади, сўнг Фитрат,<sup>24</sup> шунингдек, А.Саъдийнинг<sup>25</sup> мақолалари босилади. Фитрат-нинг «Ўзбек адабиёти намуналари»да асарнинг шу нухасидан парчалар тегишли изоҳлар билан берилади.<sup>26</sup> Асарни ўрганиш ва уни тарғиб қилишда А.П.Қаюмов,<sup>27</sup> Ҷ.А. Абдурахмонов,<sup>28</sup> Н.М. Маллаев,<sup>29</sup> Қ. Каримов<sup>30</sup>, Қ. Содиков<sup>31</sup> каби олимларимизнинг ҳам тегишли ҳиссалари бор.

---

XI века) // КСИНА . 71. М., 1964. С.99-125; Этнонимы в тюркоязычном памятнике XI в.»Кутадгу билиг». М., 1964. С. 15 (VII Международный конгресс антропологических и этнографических наук. М., 1964 август.); К вопросу о фольклорных мотивах в поэме «Кутадгу билиг» // Советское Востоковедение. 1958, № 5; О некоторых поэтических особенностях «Кутадгу билиг». М.: Наука. 1960. С.12.

<sup>23</sup> Стеблева И.В. Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязычная поэзия // Тюркологический сборник. К 60-летию А.Н.Кононова. М.: Наука.1966. С.246-254; К вопросу о происхождении жанра таюг // Тюркологический сборник. 1970. М. Наука. 1970. С. 135-147; Рифма в тюркоязычной поэзии XI в. // Советская тюркология. 1970. № 1. С.93-99; Поэтика «Кутадгу билиг» // Советская тюркология. 1970 № 4. С. 94-100; Развитие тюркских поэтических форм в XI в.М. Наука. 1971. С. 3-107; Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. М.Наука. 1976. С.139-168

<sup>24</sup> Фитрат. Кутадғу билиг – Маориф ва ўқитғувчи.

<sup>25</sup> Саъдий Абдурашмон. Чигатой ва ўзбек адабиёти ва шоирлари.- // Инкилоб, 1923.

<sup>26</sup> Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Самарқанд - Тошкент, 1927.

<sup>27</sup> Қаюмов А. Эзулик инжулари // Совет Ўзбекистони. 1966. 30 сентябрь; Кутадғу билиг // Гулистон. 1967. 1-сон. 9-11 бетлар.

<sup>28</sup> Абдурахмонов Г. Исследование по старосюркскому синтаксису XI в. М. Наука. 1967; «Кутадгу билиг» асари хақида // Научные труды Ташкентского Государственного университета и Ферганского Госпединститута им. Улугбека к 40-летию Ферганского пединститута им. Улугбека. Вып. 377. Гуманитарные и естественные науки. Ташкент-Фергана. 1970. С. 186-190; К переводу «Кутадгу билиг» на русский язык // Советская тюркология. 1970. № 4. С. 120-126.

<sup>29</sup> Маллаев Н.М. Узбек адабиёти тарихи. Тошкент. 1976.

<sup>30</sup> . Каримов К. Илк бадий дoston. - Тошкент: Фан, 1976; Категория падежа в языке "Кутадгу билиг", АЖД, Ташкент, 1962. Некоторые вопросы композиции, метра и жанра "Кутадгу билиг". - Советская тюркология, 1973, № 2.; Юсуф Хос Ҷожиб ва "Шонома". - Общественные науки в Узбекистане, 1965, № 8; «Кутадгу балаг» нинг топилиши ва ўрганилиши тарихидан. - В кн.: Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. - Тошкент, УзФА нашриёти, 1961; «Кутадгу билиг»нинг тузилиши ва вазни. - В кн.: Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, 2-китоб. -Тошкент: УзФА нашриёти, 1961; Юсуф Хос Ҷожиб. Кутадгу билиг (Саодатга йулловчи билим), транскрипция ва мазирги узбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. - Тошкент: Фан, 1971; Юсуф Хос Ҷожиб. Кутадгу билиг. Нашрга тайёрловчи ва таржимон Қ. Каримов. - Тошкент: Ҷ. Ҷулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1971.

«Қутадғу билиг»ни ўрганишда Қ.Каримовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Олим куп йиллар давомида асар устида илмий тадқиқотлар олиб борди. У кўплаб мақолалар эълон қилди, «Қутадғу билиг»да келишик категорияси» мавзусида номзодлик диссертациясини ёзди. Биринчи марта асарнинг транскрипция ва ҳозирги замон ўзбек адабий тилига тавсифини эълон қилди, «Қутадғу билиг»нинг шарҳли нашрини амалга оширди.

Қ.Каримов жуда тўғри таъкидлаганидай, «Қутадғу билиг» ҳақида қанчалик кўп илмий ишлар қилинган бўлишига қарамай, ҳали турли масалалар соҳасида кўпгина англашилмовчиликлар бор». Асарнинг баъзи томонлари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келяпти. Шунингдек, амалга оширилган ишларнинг асосий қисми умумфилологик ёки текстологик характерда бўлиб, асарнинг поэтик хусусиятларини ўрганишга бағишланганлари жуда саноклидир.

Асарнинг филологик жиҳатдан ўрганилишида Қ. Содиқов ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқда. У асарнинг уйғур ёзувидаги нусхаси устида айниқса жиддий тадқиқотларни олиб борди. Шунингдек, асарнинг фонетикаси, лексикаси устидаги тадқиқотлари илм аҳлининг эътирофига сазовор бўлди.

«Қутадғу билиг» ҳақидаги илмий адабиётнинг қисқача обзоридан кўриниб турганидек, мазкур асарни ўрганиш билан боғлиқ яна кўпгина ишларнинг амалга оширилиши тақозо этилади. Хусусан, асар поэтикаси адабиётшунослик йўналишида махсус ва чуқур тадқиқ этилган эмас. Мана шулардан келиб чиқиб биз қуйидаги масалаларни ўз олдимишга мақсад қилиб олдик:

- «Қутадғу билиг» даги мавжуд жанрларнинг асосий хусусиятларини ўрганиш, шу асосда туркий халқлар ёзма поэзиясидаги айрим жанрлар генезисини тадқиқ этиш;

---

<sup>31</sup> . Содиқов Қ. Туркий матнавислик тарихидан. -// А.Ҳаюмов, М.Исроілов, А.Отахҗаев, Ҳ.Содиқов. Ҳадимги ёзма ёдгорликлар. “Авесто”, “Занд” китоблари. СуЁд фалсафий-ахлоқийёзма ёдгорликлари. Туркий матнавислик тарихи. – Тошкент, Ёзувчи, 2000,117-204 б.; «Қутадғу билиг»нинг тил хусусиятлари. -// Ўлмас обидалар. Т.: Фан, 1990, 229-306-бетлар.; Графика-фонетические особенности тюркских уйгурописьменных памятников XI-XV вв. АДД, - Т.: 1992.

- Юқоридагилар асосида Юсуф Хос хожибнинг бадиий маҳорати ва туркий халқлар адабиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиш.

Мазкур тадқиқот учун Қ.Каримов томонидан 1971 йилда қилинган матн асосий манба сифатида танлаб олинган. Ўрни билан «Қутадғу билиг»нинг бошқа, жумладан, чет эл нашрларидан ҳам фойдаланилган. Мисоллар асосан транслитерация тарзида келтирилган.

Тақозо қилинган ҳолатларда айрим адабий-бадиий ҳодисаларнинг моҳиятини тўлароқ очиш мақсадида мисоллар араб графикаси (асарнинг Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида 1809 инвентарь рақами остида сақланаётган нусха) асосида берилди.

## **«ҚУТАДҒУ БИЛИГ» ВА ТУРКИЙ ПОЭЗИЯДАГИ АЙРИМ ЖАНРЛАР ГЕНЕЗИСИГА ДОИР**

«Қутадғу билиг» туркий тилдаги поэтик жанрларнинг шаклланиши ва эволюциясини кузатиш учун муҳим манбадир. Туркий тилдаги шеърий шакллар, уларнинг ўзаро муносабати, умуман, туркий тилдаги адабиётнинг XI асрдаги ҳолати ва унинг олдинги даврлар, шунингдек, қўшни халқлар адабиёти билан алоқаси XI аср адабий этикетига муносабати каби масалаларни «Қутадғу билиг» орқали ёритмоқ мумкин. Бу масалаларнинг бирортаси ҳам чуқур таҳлил этилган эмас.

Туркий тилли адабиётдаги шеърий шаклларларнинг поэтикаси ва ривожланиш қонуниятлари ҳам етарли даражада ўрганилмаган.

«Қутадғу билиг»жанр нуқтаи назаридан мураккаб асар. Унинг жанр хусусиятлари ҳақида йўл-йўлакай бўлса-да, фикрлар билдирилган. Бу ҳақда жуда қисқа мулоҳазалар билан бир қаторда, айрим тадқиқотчиларнинг кенгрок тарзда фикр юритганларини кузатиш мумкин.

«Қутадғу билиг» ҳақида сўз юритилган асарларда унинг мавзу қамрови ва ифода тарзи ҳақида фикрлар баён қилинган.

Масалан, Нажиб Осимбек: «Қутадғу билиг» мавзу эътиборила «Сиёсатнома»нинг айнидир. Турк авзоининг машҳури ўлан ўн бирли вазнда ва тарзи маснавийда ёзилмиш ўлан бу асари нафис бешинчи асри ҳижрийдаги турк жамоатининг ҳақиқий бир тасвирини, афкори маънавия ва сиёсиясини гўстариюр»<sup>1</sup>, деса, Ҳ.Тавфиқ, М.Эҳсон, Ҳ.Олийлар ўзларининг «Турк адабиёти намуналари»да унинг маснавий шаклда ёзилганлигини қайд қилиш билан чекланишади<sup>2</sup>. Шу хил фикрларни бошқа кўп тадқиқотларда ҳам кўриш мумкин.<sup>3</sup>

Тадқиқотчиларнинг деярли барчаси асарнинг дидактик характерда эканлигини таъкидлашади.

«Қутадғу билиг», - деб ёзади А.А.Валитова, - ҳақиқатда ҳам ёрқин ифодаланган ахлоқий асар бўлиб, ҳукмдор бўлишга тайёрланаётган ёш ворисга панд-ўғитлар тариқасида ёзилган»<sup>4</sup>. И.Баролина эса бу асар ўзида ахлоқий ўғитлар занжирини мужассамлаштириб, фалсафий, ижтимоий ҳамда ахлоқий муаммоларнинг катта доирасини қамраб олганини қайд этади.<sup>5</sup>

Академик А.Н. Кононов: «Қутадғу билиг» дидактик асардир. Бу жанрнинг илдизлари узок ўтмиш даврларга бориб такалади. Бу жанр қадимги мисрликлар ва ҳиндларга маълум эди. Сўнграқ эса Уйғониш даврида, яъни, «Қутадғу билиг» яратилганидан қарийб беш аср кейин, бу жанр европаликларга ҳам маълум бўлди ва улар ҳудди ўша «Қутадғу билиг»дагидек дидактик ғояларни ифодалашда ўз ҳаётларини акс эттирувчи «кўзгулар» шаклидан фойдаланадилар»,<sup>6</sup> - деб кўрсатса, И.В.Стеблева мазкур «достон туркий тилдаги классик адабиёт тарихида биринчи марта туркий тилли поэзиянинг кейинги тараққиётида мустақиллик касб этган бир қатор араб ва

<sup>1</sup> Нажиб Осимбек. Турк тарихи, Истанбул, 1330, 1 жилд, 259-бет.

<sup>2</sup> Ҳ.Тавфиқ, М.Эҳсон, Ҳ.Олий. Турк адабиёти намуналари, Истанбул,1926. 24-бет.

<sup>3</sup> Саъдий А. Курсатилган мақола. 179-183 бетлар; Фитрат. «Қутадғу билиг»...

<sup>4</sup> Валитова А.А. К вопросу о классовой природе Караханидского государства... С. 129.

<sup>5</sup> Баролина И. Поэма «Қутадғу билиг» // Юсуф Хас Хаджиб. Наука быть счастливым. Пер. Н. Гребнева. Ташкент. 1963. С. 102.

<sup>6</sup> Кононов А.Н. Слово о Юсуфе из Баласагуна и его поэме «Қутадғу билиг» - // Советская тюркология. 1970. № 4. С. 11-12. Стеблева И.В. Поэтика «Қутадғу билиг»... С.100.

форс поэзияси жанрларини мужассамлантирган»,<sup>7</sup> - дейди. Асар жанри ҳақида «Қутадғу билиг»нинг етук тадқиқотчиларидан Қ.Каримов ёзади:

«Қутадғу билиг» достони Шарқ адабиётидаги эпик асарлар учун қабул қилинган маснавий (қофияланган байтлар) шаклида ёзилган.

Асарда маснавий билан бир қаторда қасида жанрида ёзилган боблар ҳам мавжуд. Достоннинг 71, 72 ва 78 боблари (улар 44, 40, 37 байтдан иборат) ғазал шаклида ёзилган, яъни дастлабки байт билан кейинги барча байтларнинг жуфт мисралари қофияланиб келган.

Достоннинг ҳар бир боби ниҳоясидаги тўртликларни (улар икки юз атрофида) гарчи рубоий учун қабул қилинган ҳазажда эмас, мутақориб шеърий вазнида ёзилган бўлишига қарамай, мазмунига кўра ҳам, шаклига кўра ҳам рубоий жанрига нисбат бериш мумкин».<sup>8</sup>

Хуллас, асарнинг жанр жиҳатдан мураккаблиги деярли барча тадқиқотларда эътироф этилган. «Қутадғу билиг» таркибидаги айрим ўринлар уни бошқа жанрларга ҳам яқинлаштиради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи бу ҳақда асарнинг насрий муқаддимасида «Адлқа Кунтуғди элиг ат бериб падшаҳ ўрнига тутмиш, давлатқа Айтулди ат бериб, вазир ўрнига тутмиш, ақлқа Ўғдулмиш ат бериб, вазирнинг ўғли еринда тутмиш турур, қанаатқа Ўзғурмиш ат бериб қариндаши теб аймиш турур. Тақи анлар ара

м у н а з а р а (таъкид бизники – Т.Б.) савали-жаваби кечартег сўзламиш турур»,<sup>9</sup> дейди. Шеърий муқаддимада эса асарнинг «туркча кўшиқлар»дан иборат эканлигига ишора бор:

Бу туркча кўшуқлар тузаттим сенга

Ўқурда унитма, дуа қил менга.

Шунингдек, асар матни орасида «шеър» атамасининг жуда кўп қўлланганини ҳам кўриш мумкин.

<sup>7</sup> Ўша ерда.

<sup>8</sup> Каримов К. Некоторые вопросы композиции, метра и жанра «Қутадғу билиг» - // Советская тюркология. 1973. № 2. С. 103.

<sup>9</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг» ... 48-49-бетлар.

Демак, «Қутадғу билиг»нинг жанрига оид кузатиш ва қайдларда у турлича номланади (*қўшиқ, мунозара, шеър, достон...*) «Қутадғу билиг» билан боғлиқ, бу ходисанинг сабаби, бизнингча, унинг жанр жиҳатидан, аниқроғи жанрлар тизимига кўра, синкретик характерда эканлигида.

Бу ходиса типологик жиҳатдан қадимги рус адабиётидаги жанрлар тақдирига ўхшаб кетади. Чунки уларда ҳам кўпинча бир асарнинг ўзи турли жанрларга алоқадорлигини кўриш мумкин. Бунинг сабабини акад. Д.С.Лихачев шундай кўрсатган:

«Қадим рус адабиётидаги айрим жанрларнинг қориштирилиши ва ноаниқ ажратилишининг бош сабаби шундан иборатки, жанрни ажратиш асоси учун, бошқа белгилар билан бир қаторда ифоданинг адабий хусусиятлари эмас, балки асар бағишланган предмет, мавзунинг ўзигина хизмат қилар эди. ҳақиқатда эса қадимги Русда жанрни аниқлаш ифодалаш предметини аниқлаш билан қўшилиб кетар эди: «видение», «житие», «хождение», «деяния»<sup>10</sup>.

«Қутадғу билиг» жанрига доир фикрларга ҳам шу жиҳатдан ёндашиши керак. Достонга бир бутунликда қараганда ана шундай, аммо унда бир неча (қасида, тўртлик, маснавий) жанрларнинг аралаш ҳолда қўлланганини қандай изоҳлаш керак? Бу ходисанинг реал асослари нимадан иборат?

Бу масаланинг ҳал этилиши, умуман, ХІ асрдаги туркий адабиёт муаммолари нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга.

Маълумки, жанр – тарихий категория. У сўз санъатининг маълум тараққиёт босқичида юзага келади ва доимо ўзгариб, такомиллашиб, ҳар бир давр талаб ва руҳига мослашиб боради.<sup>11</sup> Шунинг учун уларнинг кейинги даврлардаги намуналари билан дастлабки шакли ўртасида маълум тафовутлар бўлиши табиийдир. Бир асар доирасида турли жанрларнинг ёки жанр белгиларининг бўлиши ҳам сўз санъати тарихида ягона ҳодиса эмас.

<sup>10</sup> Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы... С.41.

<sup>11</sup> Поляков М. Вопросы поэтики и художественной семантики. М. Сов.писатель. 1978. С. 228-230.; Храпченко Б.М. Художественное творчество, действительность, человек. М. Сов. Писатель. 1978. С.354-358; Адабиёт назарияси, II том. // Адабий-тарихий жараён. УзССР ФА академиги М.К.Нурмухамедов таърири остида. Тошкент: Фан. 1979. 305-308-бетлар.

Жумладан, кадимги рус адабиётида ҳам бу ҳодиса кузатилади.<sup>12</sup> Жанрлараро бундай алоқа ва хусусиятлар ўрта асрлар адабиётларида типологик характерга эга.

Жанрларнинг баъзилари келиб чиқиши, шаклланишига кўра бир илдизга бориб тақалади. Сўз санъатининг маълум босқичдаги тараққиёти натижасида жанрлар ўртасидаги айирмалар ё кучайиб кетади ва янги жанрлар юзага кела бошлайди ёки айрим жанрлар ўзаро «келишиб олиб» янгисини юзага келтиради; бу ҳодиса ёки жараён давомида айрим жанрлар ўз «умрини» тугатиши ҳам мумкин. Бирок, буларнинг ҳаммаси жамиятнинг, айти пайтда бадий тафаккур тараққиётининг маълум даврлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келади.

Жанрларнинг синкретик ҳолатда бўлишини ўрта асрлар араб адабиётида ҳам кўриш мумкин.<sup>13</sup> Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, жанрларнинг синкретиклиги ёки уларнинг мустақил шаклланиши сўз санъати тараққиётининг маълум босқичларига боғлиқ ва унга мувофиқ келади.

«Қутадғу билиг»да турли жанрларнинг ёки жанр белгиларининг мужассамланганини ҳам, бизнингча, туркий тилдаги адабиётнинг XI асрдаги ҳолати билан изоҳлаш керак. Туркий тилдаги адабиётнинг XI асрдаги тараққиёт қонуниятларининг деярли ўрганилмаганлиги эса масаланинг ҳал қилинишини бир оз қийинлаштиради.

XI аср туркий тилли адабиётда жанрлар дифференциацияси эндигина бошланаётган эди. Бу жараённинг бутун кўлами «Қутадғу билиг»да ўз ифодасини топган. Бу ерда туркий тилли халқлар ёзма адабиётининг анъаналари билан фольклор анъаналарининг, бу йўналишдаги адабиётларда мавжуд жанрларнинг ўзаро бир-бирларига таъсирини ҳам назарда тутиш керак. Бунинг устига форс-тожик ва араб адабиётининг таъсири ҳам назарда тутиладиган бўлса, туркий тилдаги адабиётнинг шу даврдаги жанрлари, хусусан, «Қутадғу билиг»да мавжуд жанрларнинг синкретик ҳолатини

---

<sup>12</sup> Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы... С.49-50.

<sup>13</sup> Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв.): Наука. 1974.

тасаввур этиш, бизнингча, бир мунча енгиллашади. Асардаги бу ҳолатни С.Г.Кляшторний жуда тўғри характерлаб берган:

«Қутадғу билиг»да бир қанча адабий анъаналар чатишиб кетган. Достон бандларида гоҳ қадимги туркий марсияларнинг ҳаяжонли садолари янграйди, гоҳ форсий «панднома»ларга хос дидактика эшитилади, гоҳ сахро кўшиқларининг аск-садоси кулоққа чалинади, гоҳ суфийларнинг мистик символикаси сезилади»<sup>14</sup>.

«Қутадғу билиг»да дидактик руҳ ниҳоятда кучлидир. Бу шоирнинг нияти ва ўз асари олдига қўйган мақсадидан келиб чиқади.<sup>15</sup>

Асардаги бу хусусиятга айрим тадқиқотчилар камчилик сифатида карашади. Бу фақат «Қутадғу билиг»дагина эмас, балки дидактик руҳдаги кўпгина асарларга карашда кўринадиган умумий хусусиятдир. Бундай карашларга В.Б.Куделин Юнус Эмро ижоди мисолида яхши зарба берган.<sup>16</sup>

Шунингдек, айрим тадқиқотчилар «Қутадғу билиг»да дидактиканинг кучлилигини кўпроқ форс-тожик адабиёти билан боғлашадики, бундай қараш бир ёқламаликдан холи эмас. Чунки «исломгача Ўрта Осиё халқлари (фақат форс-тожик эмас, балки туркий халқлар ҳам назарда тутиляпти – Т.Б.) оғзаки ижодида *эпик жанр ҳам, лирик жанр ҳам, дидактик жанр ҳам* (таъкид бизники Т.Б.) бўлган».<sup>17</sup>

Филология фанлари доктори, профессор А. Ҳайитметов «Девону луғат ит-турк» тўртликларидаги дидактикани қайд қилар экан, жумладан ёзади: «Бу тўртликлардан кўринишича, қадим туркий халқлар поэзиясида дидактика жуда катта ўрин тутган. Бу уруғчилик жамияти хусусияти билан, унда оталарнинг мавқеи баланд бўлганлиги билан боғланса керак. Кейинроқ, уруғчилик емирила бошлаши билан бундай поэзиянинг мавқеи ҳам камая борган. Бу традициядан хабардор ижод аҳллари эса бу масалада орқага кетишдан нолиб, шу хил тўртликларни тўқишган. XI-XII асрлардан бошлаб эса, бу традициялар янада ривожланиб, энди форс-тожик поэзиясидаги

<sup>14</sup> Кляшторный С.Г. Эпоха «Кутадгу билиг» // Советская тюркология. 1970. № 4. С. 82.

<sup>15</sup> Бу мақда қаранг: Валитова А.С. Юсуф Баласағунский и его «Кутадгу билиг» ... С.59-60.

<sup>16</sup> Куделин В.Б. Поэзия Юнуса Эмре. М.: Наука. 1980. С. 88-89.

дидактик традицияларга ҳам асослана бошлаган. Хуллас, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий, Махтумқули каби забардаст шоирларнинг ижодидаги дидактика ўз илдизлари билан қадим туркий традицияларга боғланади ва бу жанрнинг айрим ҳолларда феодал шароитда биринчи планда ривожланиши тасодифий эмас».<sup>18</sup>

Демак, Юсуф Хос Ҳожиб дидактикаси мана шу адабий этикетнинг индивидуал кўринишидир.

Хуллас, «Қутадғу билиг»ни жанрлар жиҳатдан тадқиқ этиш умуман туркий адабиётдаги жанрлар тарихини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан бизнинг бу ишимиз туркий тилдаги бу адабиётнинг XI асрдаги жанрлар тизими, уларнинг шаклланиш ва тараққиёт қонуниятларини ўрганишга қаратилган катта ишнинг муқаддимасигина бўлиши мумкин.

### ***МАСНАВИЙ***

Маснавий ҳақидаги назарий маълумотларда, асосан, унинг шаклий-поэтик хусусиятлари қайд этилган. Маснавий (ар. иккилик) деганда, асосан, шеърининг шаклининг қофияланиш принципи (а-а, б-б, в-в...) тушунилган.

Маснавий ҳақида доктор Заҳрои Хонлари ёзади: «Форс шеърининг ўзига хос шаклларида бири маснавий бўлиб, араб тилида ҳам форсларга тақлидан яратилган ва уни муздаваж дейдилар. Маснавий ҳар икки мисраси бир хил ва мустақил қофияга эга бўлган шеърдир». Олим маснавийнинг қўлланиш доирасига ҳам ишора қилади: «Форс тилидаги жанговар ва маиший-маърифий манзумалар ёзишда (Мавлавийнинг маълум «Маснавийси», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Ҳамса»си каби) маснавий шаклидан фойдаланилади»<sup>1</sup>.

Маснавийнинг бу хилдаги таърифи унинг айрим хусусиятларини белгилаш имконини беради:

*Маснавий алоҳида, ўзига хос шеърининг шаклларида бири.*

---

<sup>17</sup> Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Тошкент. Фан. 1970. 50-бет.

<sup>18</sup> Ҳша асар. 51-бет.

<sup>1</sup> Дуктур Заҳрои Хонлари. Роҷнамои адабиёти форсӣ. Урдубеҳишт, 1341, саҳ. .339. Қаранг:

*Маснавийдаги байт мисралари ўзаро қофиядош бўлади.*

*Ҳар бир байт қофия нуқтаи назаридан мустақилдир.*

*У ҳажм ва мавзу жиҳатидан чегараланган эмас.*

Маснавий ҳақида фикр юритган классик поэтика мутахассисларининг кўпида мазкур шаклнинг бу хусусиятлари қайд этилган<sup>2</sup>.

Туркий тилли халқлар поэзияси тарихи ҳам унинг турли намуналарини ўзида жамлаган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»идан бошланган бу шакл Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул- ҳақойиқ», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Навоийнинг «Хамса»ларида давом эттирилди ва туркий халқлар адабиётининг энг асосий шеърий шаклларида бири бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий:

Лекин ул барчадин доғи хуби

Бордурур маснавийнинг услуби.

Маснавийким бурун дедим они,

Сўзда келди васеъ майдони.

Вусъатида юз ўлса маъракагир

Кўргузур санъатин бори бир-бир<sup>2</sup>, - деб ёзган эди.

Форс-тожик ва туркий адабиётидаги фактлар маснавийнинг дастлабки тараққиёт босқичларида диний-дидактик характерга эга бўлганлигини кўрсатади, «Қутадғу билиг» ҳам бу хусусиятдан четда эмас.<sup>3</sup>

Жанрнинг муҳим бир хусусиятини Н.И. Пригарина қайд этади: «Маснавийда баъзи қизиқарли, «бадий» бошланма устунлик қилиши мумкин, бунда биринчи планга фабула, сюжет, персонажлар ҳаракати ва бошқалар

---

Шамсуддин Муаммад Кайс ар-Розий. Ал муъжам фи маъоири ашъор –ул Ажам. Саҳ. 308. Камолдиддин Воиз Кошифий. Бадоеъ ал-афкор фи санаеъ ул- ашъор. (Новые мысли о поэтическом искусстве). Издание текста, предисловие, примечания и указатели Р. Мусуль-манкулова. М.: Наука, 1977, с4. Мухаммад ғиёсиддин бин Жалолоддин бин Шарофаддин, Гиёс ал-луғат, Канпур, 1323,саҳ, 452, Яна каранг; Фарманги забони тожики, М.: 1969, саҳ. 649.;

О. Носи-ров, С.Ж. Жамолов, М.Зиёвиддининов. Ёзбек классик шеърини жанрлари. Тошкент, 1979, 125-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий Хамса, Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент, 459-бет,

<sup>3</sup> Маснавийнинг бу хусусияти урду адабиётида ҳам қайд этилган, каранг: Н.И.Пригарина. Поэтика творчества Мухаммада Икбала. М. «Наука», 1978. С.11.

<sup>4</sup> Н.И.Пригарина. Указ. соч. стр.11-12. Н.А. Пригарина. «Восем раев» Амира Хосрава Дехлави. (К вопросу о композиции поэмы). - // Литературы Индии. - М.: «Наука», 1979. с.89-91.

чиқади (қаранг: Аттөрнинг «Мантиқ ут-тайр»и), баъзан ваъз ёки озод, «табиий» композиция билан эркин насихатомуз суҳбатлар услуби етакчилик қилади, бунинг натижасида сюжетсиз қурилиш ҳосил бўлади<sup>4</sup> (қаранг: Санойининг «Ҳақиқат ал-ҳақойиқ» асари)».

Бу жиҳатдан «Қутадғу билиг»ни ҳам, гарчи унда схематик сюжет линияси бўлса-да, кейинги туркумга киритиш мумкин. Катта ҳажмли маснавийларда (булар дoston деб юритилади) бир қатор анъанавий талаблар мавжуд. Асар композицияси ҳам ана шу анъанавий талаблар доирасида бўлиши деярли ҳамма вақт шарт ҳисобланган.

«Қутадғу билиг»нинг тўғридан-тўғри Кунтуғди элиг ҳақидаги хабаридан бошланмай, дастлаб, унвон, худога ҳамд, Муҳаммад ва унинг давомчиларига наът, китобнинг ёзилиши ва номи ҳақидаги боблар билан бошланиши шу анъананинг натижасидир. Буни Шарқ дostonчилигига хос бўлган ўзига хос «кириш» дейиш мумкин. Бу фикрни урду дostonлари поэтикасини ўрганган А.А.Дехтяр ҳам тасдиқлайди<sup>5</sup>. Шунинг учун ҳам «Қутадғу билиг» муқаддимасидаги боблар композициясига диққат қилиш унинг XI аср адабий этикетига мувофиқ яратилганини тасдиқлайди:

«Асар Шарқ китоб тузилиши усулига кўра тартиб<sup>6</sup> берилган бўлиб, даставвал, унвон (басмала), сўнг қисқа насрий муқаддима бўлади, бунда тангрига ҳамд, ялавоч (пайғамбар)га наът айтилади, сўнг китобнинг қиммати, номи, хонга тортиқ қилиниши, муаллифнинг тақдирланиши борасида баён берилади. Насрий муқаддимадан сўнг 77 байтдан иборат шеърий муқаддима бор. Ундан кейин 73 боб номининг фехрасти (мундарижаси) берилади.» Сўнг яна унвон билан мавзуга ўтилади, 73 фаслнинг дастлабки ўн бири дебеча бўлиб, ҳамд, наът, қорахонга мадҳдан, сабаби таълиф, етти кавокиб ва ўн икки бурж, тил фойдаси, муаллиф узри, эзгулик, билим ҳамда заковат манфаати, китобга ном берилиши, қарилликка ўқинишдан иборат. Ўн иккинчи фаслдан бошлаб бевосита воқеалар баёнига ўтилади. Кунтуғди исмли Элиг подшо

<sup>5</sup> А.А.Дехтяр. Проблемы поэтики дастанов урду. – М.: Наука, 1979.

<sup>6</sup> Қ. Каримов. Илк бадий дoston. Тошкент. «ФАН». 1976. 17-18 бетлар. Бу мақда яна қаранг: К. Каримов. Некоторые вопросы композиции, метра и жанра «Қутадғу билиг». - Советская тюркология, 1973. №2. стр. 100-101.

бўлиб, у адолатда донг таратган эди. Элигнинг шухрати бутун оламга ёйилади. У ишларини ҳиммат ва саховат билан юритар, мамлакатда фаровонлик ва осойишталик ҳукм сураар эди. Бунга қарамай у тадбиркор ва оқил, ҳозиржавоб ва ишбилармон ёрдамчиларга муҳтожлик сезади. Худди шу пайтда Ойтўлди исмли донишманд йигит элиг хизматиға киришни орзулаб пойтахтга келади. У мусофирликда кўп азият чекади, қийналади, хушмуомила ва тадбиркорлиги учун тезда таниш-билиш орттиради. У Кўсамиш исмли йигит билан дўстлашиб пойтахтга келишидан мақсадини баён этади. Кўсамиш Элигнинг Хос ҳожиби билан учрашади ва уни Ойтўлди билан таништиради.

Йигитдаги қобилият ва заковатни кўрган хожиб уни Кунтуғди суҳбатига йўллади. Ойтўлдининг ўзини тутиши, феъл-атвори, сўз-фикрини кўрган Элиг уни ёқтириб қолади ва сарой хизматиға олади. Хизматдаги оғишмаслиги, садоқати туфайли Ойтўлдининг мартабаси кундан-кунга орта боради. Ниҳоят у вазирликка тайинланади.

Саройда узоқ муддат вазирлик қилган Ойтўлдининг ақл-идроки, хизматдаги маъсулияти, ҳар ишнинг кўзини билиши элигни шодлантиради, бироқ у ўзининг туғилган ватани ва оиласини кўмсаб кетишга руҳсат сўрайди. Ўз юртига қайтгандан кейин бир муддат ўтгач вафот этади. Ойтўлди вафоти олдидан ўғли Ўгдулмишга Куттуғди элиг хизматиға киришни *қумару* (васият) қилади. У отасининг панд-насихатларига амал қилиб элиг хизматиға киради. Ўзининг сермазмун фаолияти ва донишмандлиги билан элигнинг давлатни ташкил этиш ва бошқариш ишларига ёрдамлашади. Бундан элиг жуда хурсанд булади.

Элиг билан Ўгдулмиш ўртасида қатор савол-жавоблар, мунозаралар бўлиб ўтади. Бу савол-жавоб ва мунозараларда давлат, уни бошқариш, бошқаришнинг турли шакл ва усуллари, жамият, жамият билан боғлиқ ахлоқий-маънавий ва бошқа масалалар кўтарилади.

Кунтуғди олим ва доно кишилардан беқиёс даражада катта наф кўрилиши мумкинлигига шахсан ишонч ҳосил қилганлиги учун Ўгдулмишнинг қариндоши-донишманд Ўзғурмишни ҳам пойтахтга таклиф

этади. Ўзғурмиш зоҳидликни афзал билиб тарки дунё қилган, одамлар орасидан чиқиб кетиб хилват бир гўшада – ғор ичида яшаётган эди. У таклифни қабул қилмайди. Элиг юборган хатлар ва Ўгдулмишнинг олиб борган оқилона суҳбатлари натижасидагина у пойтахтга келади.

Ўзғурмиш элиг билан давлат ишлари, ахлоқ-одоб қоидалари хақида суҳбат ва мунозаралар қилади, Элигга кўплаб панд ва насихатлар беради, сўнг яна ўз маконига кетади ва у ерда қаттиқ бетоб бўлиб қолади. Унинг хузурига етиб келган Ўгдулмиш қаттиқ қайғуради, Ўзғурмиш вафот этади. Ўгдулмиш билан Кунтуғди унинг васиятларича иш тутадилар.

«Қутадғу билиг»да баён этилган воқеаларнинг қисқача мазмуни шундан иборат. Бу воқеалар жуда схематик тарзда ифодаланганидан қўйилган масалаларни ёритишда ҳал қилувчи ролни ўйнамайди. Кейинчалик достончилик анъанасида бўлгани каби қўйилган масалани ёритиш учун воқеалар баёни, қахрамонлар саргузашти биринчи планга чиққан эмас.

Маълумки, достончилик анъанасида эпик ва лирик тасвир ёнма-ён келади, кўпинча уларнинг биринчиси бош ўрин тутайди. «Қутадғу билиг»да эса воқеаларнинг эпик баёни қўйилган масалаларнинг бир-биридан ажраб қолмаслиги, уларни ўзаро боғлаб туриш учунгина келтирилади, холос. Бу хусусият «Қутадғу билиг»дан сал кейинроқ яратилган Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари учун ҳам хос. Унда ҳатто схематик бўлса-да бирор сюжетнинг, воқеаларнинг эпик тарздаги баённинг ўзи ҳам йуқ.

Бобларнинг ўзаро чегараси эса қўйилган масала билан алоқадор. Ҳар бир боб муайян масала борасида баҳс юритади. Бир баҳс қўйилган масала ниҳоясига етгач, бошқасига ўтилади.

Ҳар бир боб маълум маънода мустақил матндир, чунки. «бош ва охириги сигналлар ўртасида жойлашган матн автоном бутунлик тарзида изоҳланмоғи керак».<sup>7</sup> Мана шу «автоном бутунлик»нинг бош ва охириги қисмларида матннинг бошлангани ва ниҳоясига етганини кўрсатувчи сигналлар бўлади-ки,

---

<sup>7</sup> Т.Джобжинская. Делимитация литературного текста.-Реферативный журнал общественные науки за рубежом. 1976. № 2. серия 7. Литературоведение. стр. 88.

(эртақлардаги зачин ва концовка тарзида). Джобжинская уларни делимитаторлар деб атаган.<sup>8</sup>

Шарқ поэтикасида делимитаторларнинг икки кўриниши мавжуд бўлиб, улар мустақил номларга ҳам эга. Матн бошланишидаги делимитаторлар «бароати истихлол», ниҳояси эса «бароати мақта» (бунинг «хусни мақта», «хусни интиҳо», «хусни хотима» деган номлари ҳам бор) деб юритилади.<sup>9</sup>

«Қутадғу билиг» боблари кузатилганида уларда ҳам делимитаторларнинг ҳар икки кўриниши мавжудлигини қайд этиш мумкин. Делимитаторларнинг ёрқин кўриниши жиҳатдан, айниқса, дастлабки боблар характерлидир.

#### 1. Матн бошланишидаги делимитаторлар («бароати истихлол»):

Етти сайёра ва ўн икки бурж ҳақидаги бобда:

Баят ати бирла сўзуг башладим,

Тўрутган, игидкан, кечурган идим. (120)

Худонинг номи билан сўзни бошладим,

Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир.

Муаллиф узрида:

Тилаким сўз эрди, э билга бугу,

Кедин келдачика ўзим сўзлагу. (189)

Тилагим сўз эди, эй билағон доно,

Кейин келувчи(лар) учун ўзим айтадиган (сўзлар эди)

Бу жиҳатдан турли касб-ҳунар эгалари, амалдорлар тавсифига оид боблар ҳам характерлидир.

#### II Матн охиридаги делимитаторлар (хусни мақта).

Пайғамбарга наътда:

Илаҳа, кўдазгил менинг кўнглими,

Севук савчи бирла қўпур қўпғуми.

---

<sup>8</sup>. Ҳша ерда.

Қияматта кўргит тўлин-тек юзин,

Алиг туттачи қил, илаҳа, ўзин.

Ё рабб, менинг кўнглимни ўзинг эҳтиёт тут,

(Қиёматда) мени севикли паёмбар билан турғаз,

Қиёматда тўлин ой каби юзини кўрсат,

Илоҳо, ўзини қўл(дан) тутувчи қил.

«Китобга ном берилиши ва ўз қарилиги айтади» бобида:

Ҳабиб савчи йўли мени еттачи,

Ул-ўк савчи бўлсу алиг туттачи.

Мени етакловчи – севимли паёмбар йўли,

Ўша паёмбарнинг ўзигина менга (иноят)

қўлини узатувчи бўлсин.

Маълумки, «Қутадғу билиг»да асарнинг бошидан охиригача давом этадиган мукамал сюжет линияси йўқ. Схематик характердаги сюжет эскизлари эса, табиийки, бобларнинг ўзаро мантиқий алоқасини етарли даражада таъминлай олмайди. Делимитаторларнинг энг муҳим аҳамияти худди шу ўринда тўлик намоён бўлади, яъни улар бобларни, бўлимларни бир-бири билан боғловчи, улар орасидаги узаро алоқани кўрсатувчи шаклий кўрсаткичгина эмас, мантиқий алоқадорликнинг ҳам белгисидир. Шу ўринда асарнинг маънавий қисмига хос бўлган айрим такрорлар ҳақида тўхташ ўринлидир.

Асар тўрт ғажрамоннинг савол-жавоблари, ўзаро мунозаралари асосига қурилган. Мана шу савол – жавоблар, мунозаралар ифодаланган ўринларда кўпинча бир хил ғолипдаги гаплар, суз бирикмалари кузатилади. Буни, дастлаб, элигнинг Ой- тулди билан савол-жавобидан кузатамиз.

Элиг айди: ким сен, неку-ул атинг.

---

<sup>9</sup> Қаранг: Атоулло Ҳусайний. Бадоеъ ус-саноеъ... саҳ. 183-184, 186-187.

Қаюдин келур сен, неку ул йатинг? (563)

Элиг суради: Ким сен, отинг нима?

Қаердан келаётирсан, Ғариблигинг нима туфайли

Бу Айтулди айди, эй элиг ғути,

Тапуг бирла хуш булди куллик ати. (575)

Ойтўлди айтди: Эй бахтли элиг,

Куллик оти бу хизмат билан ярашиғ бҲлади. (831)

Элиг айди: уғтум: мен эмди сўзунг,

Севинчим тила, каз кҲдазгил ўзунг.

Элиг айтди: энди мен сўзларингни тушундим,

Сен доим менинг севинчимни тила, ўзингни эҳтиет ғил

Бу АйтҲлди айтди, эшиттим муни,

Тағи бир сузум бар, аю бер ани. (839)

Ойтулди айтди: Буларни эшитдим,

Яна бир сузим бор, уни ҳам айтиб бер.

Бу тарздаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу хил такрорлар бошға ғахрамонлар нутғига ҳам хосдир. Унда фағат элиг нутғида «яна», «тақи бир», жавоб бераётган шахс нутғида эса «янут берди» сузлари иштирок этади. Шунингдек, асарда, гарчи уларни суз формулалари деб атаб бўлмаса-да, унга яқин ҳодисалар бор:

Бўр ичма, фасаддин йирағ тур тез-а,

Бу ғач нанг юрир тутчи беглик буза. (1419)

Ичимлик ичма, фисғу фасоддан узоғ тур, (улардан) қочгин.

Бу бир ғатор нарсалар доимо бегликни бузиб юради.

Бўр ичмас керак бег, фасад ғилмаса,

Бу икки ғилиғдин ғачар ғут баса. (2057)

Бег ичимлик ичмайдиган, фасод ғилмайдиган бҲлиши керак

Бу икки ғилмишдан зинҳор ғут ғочади.

Айни бир фикрнинг икки ўринда такрорланиши, бунинг устига бу фикрни руёбга чиқараётган сузларнинг ҳам деярли бир хиллигига ғандай омиллар таъсир ғилади, бунинг сабаби нимада?

Бизнингча, бунинг шундай сабаблари мавжуд:

1. *Тасвирланаётган вазиятнинг бир хиллиги.* Масалан, Ой- тўлдининг элигга насиҳатнома ёзиб ғолдиришидаги хат ёзишга тайёрланиш ва ёзиш жараёни шундай тасвирланади :

Битигунла алди бу каҒаз, битиг,

Баят ати бирла битиди битиг,

Баят ати бирда сўзун бошлади,

Тўрутган, игиткан, кечурган теди. 1327-1328

Сиёҳдон билан (ёзув) қоғози(ни) олди,

Худо номи билан (яъни бисмилло деб) хат ёзишга  
киришди.

СҲзини худо номи билан (яъни бисмиллони ёзиш билан  
бошлади).

Яратган, парваришлаган, авф этган эга(м)дир.

Элигнинг ЎзҒурмишга ёзган мактубида ҳам шунга яғин мисраларни кўриш мумкин:

Даъват ғулди, ғағаз, битиди битиг.

Битиг бирла этти ишинга этиг.

Баят ати бирла сўзуг бошлади:

Турутган, игитган, кечурган теди. (3148-3149)

Давот ва қоғоз сўради, мактуб ёзди.

Мактуб билан ишига замин ҳозирлади.

Худо оти билан сўзни бошлади.

Яратган, парвариш ғилган, кечирган деди

Элигининг иккинчи мактубида ҳам бу тасвир такрорланади:

Даъват қулди ғагаз яна бу элиг,

Қалам алди, алгин битиди битиг.

Баят ати бирла сузуг башлади.

ТХрутган, кечурган, игиткан теди. (3812-3813)

Элиг яна сиёҳ ва қоғоз (беришларини) буюрди,

Қалам олди, (ўз) ғўли билан мактуб ёзди.

Худо оти билан (яъни бисмилло билан) сўзни бошлади.

Яратган, кечирган, парваришлаган эгам(дир) деди.

*2.Тасвирдан кутилган маъсаднинг ягинлиги.* Айрим элементларнинг ўринли такрори албатта тасвирнинг эмоционал тасвир кучини оширади, маълум фикрнинг алоҳида урғу билан таъкидланишини таъминлайди:

Бўр ичма, ўтунка ғатилма юри.

Ўзунг эзгу бўлға, эсанин юри.

Бу экки ғилиғдин идуғ ғут ғачар.

Ул эрга чиҒайлиғ йўлини ачар. (1283-1284)

Ичимлик ичма, тубанларга аралашмай юр.

Эмин юр, ўзинг эзгу бўласан.

Бу икки хулғдан муғаддас ғут ғочади,

У киши учун ғашшоғлик эшигини очади.

Бўр ичма, фасадға ғатилма, йира.

Зина ғилма, фасиғ атанма тура.

Бу экки ғилиғдин идуқ ғут ғачар,

Ул эрка чигаЙлиқ йўлини ачар. (1319-1320)

Ичимлик ичма, ярамасларга ғушилма, узоғлаш,

Зино ғилма, фосиф номини олма, зинхор эҳтиёт тур

Бу икки ғилиғдан табаррук ғут ғочади,

У (нарса) кишига гадолик йўлини очади.

Ая бег, эраж қулма, эмгак кўтур.

Эраж бирла эмгак адақшу ятур. (2897)

Аё бег, рохат истама, машағғат чек,

Рохат билан машаққат изма-из ётади.

Менга тегса эмгак эраж ма тегир,

Эраж бирла эмгак янашу юрир. (3101)

Менга машағғат етса, рохат ҳам етади,

Рохат билан машағғат ёндашиб юради.

Назаримизда, кейинги икки ҳолат шоирнинг гоёвий-бадий мағсади билан алоғадор бўлса, олдингиси поэтик тасвирдаги анъанавийлик билан алоғадор. Гарчи ғўлимизда бу хил ҳолатларнинг бадий ифодасини аниқ кўрсатадиган фактлар булмаса-да, тасвирнинг бундай «стандарт», «ғолипдан чиғган» тарзи ғадим туркий анъаналарга ишора беради. Бу аслида адабиётшуносликда адабий этикет, «умумий ўрин» (общая места) ва бошға атамалар билан номланиб келаётган ҳодиса билан алоғадор бўлиб, уларнинг амал ғилиши кўпроғ фолклор поэтикаси билан боғланади. Бироғ бу шунчалик кенг мавзуки, у алоҳида ва жиддий тадғиғот мавзуси бўлмоғи керак.

*3. Ниҳоят бундай ҳолатлар асардаги фолклор анъаналари билан боғланиб кетишини таъкидлаш жоиз.* Фолкълордаги муштарак ўрин (общие места) ҳодисаси яхши маълум. «Қутадғу билиг»даги мазкур такрорлар кўпинча шундай муштарак ўринларнинг кўринишидан бошға нарса эмас. Аммо биз «Қутадғу билиг» ва туркий ҳалғлар фолклори» мавзуси алоҳида ва жиддий йўналишларни тағозо этишини назарда тутиб, юқоридаги айрим мисолларнинг ўзи билан чегараланамиз.

«Қутадғу билиг» маснавийларининг ўзига хослигини белгилаш учун унинг байт қурилишига эътибор қилиш муҳимдир, чунки байт араб-форс поэтикасига мувофиқ шаклий жиҳатдан ҳам, мазмунига кўра ҳам тугалланган шеърий нутқ бирлиги ҳисобланади.<sup>10</sup> Шунга кўра шоирлар ҳам, классик поэтика мутахассислари ҳам байт қурилишига алоҳида эътибор билан қарашган, ҳатто байт қурилиши билан алоқадор поэтик санъатлар ҳам мавжудки, улар байтнинг ритмик-синтактик қурилишини ҳам бошқариб туради. Бу ерда «тасреъ» ҳақида тўхташ ўринлидир.

Бу санъат моҳияти байт мисраларининг ўзаро ритмик-семантик муносабати билан изоҳланади ва улар турлича кўринишларга эга бўлиши мумкин.<sup>11</sup>

1. Биринчи мисра мазмун ифодасига кўра мустағил бўлади. Кейинги мисра қўшилганда ҳам улар ўртасида мантиқий тобелик сезилмайди, уларнинг ҳар бири ўзича мустағил мазмун ифода қилади:

Неча қилғу ишлар бўр ичса қалур,

Неча қилмағу иш эурса келур. (2067)

Қанчадан-қанча қилиниши лозим ишлар май ичгач, қолиб кетади.

Қанчадан-қанча ножўя ишлар қайф қилгач содир бўлади.

Маснавий байтларининг асосий қисми шу усулда яратилган, зеро байт мисраларининг бундай тузилиши жуда қадрланган ва у *тасреи комил*, яъни етук тасре деб номланган.

2. Биринчи мисра мазмунан мустағил бўлади, бироқ унга кейинги мисра қўшилиши билан унинг тобелиги сезилади, бунда кейинги мисра мазмунан мустағил бўла олмайди:

Яғи қачса таб қил эзарма йирағ,

Қали яндрю янса, қачумасазағ. (2354)

Агар ёв қочса, бас қил, изидан узоғ борма,

<sup>10</sup> Қаранг.; М- Н, Османов. Синтаксическая структура бейта /на примере «Дивана» Хафиза/. - Проблемы восточного стихосложения. М.: «Наука». 1973. стр. 60-67.

<sup>11</sup> Бу мақда қаранг: Атоулло Ҳусайний, Бадоеъ ус-саноеъ... саҳ.44-47

(Чунки) орғага ғайтсанг, оёғ ғоча олмайди  
(яъни оёғ чарчайди).

3. Биринчи мисра мазмунан мустағил бўлмаслиги мумкин:

Баға кўрдум эмди бу ишта менга  
Салахи курунмаз, эй эрсиг тўнга. 3624  
Боғиб кўрдим, энди бу ишда менинг учун  
(ҳеч ғандай) салоҳият кўринмаётир, эй мард баходир

4. Биринчи мисра мазмунан муаллағ ҳолда бўлади, яъни у нисбий тугал фикрни ифодалашига ғарамай кейинги мисранинг бош ғисми унга боғлиғ бўлади:

Туман ту ағилар, ажун тангсуғи,  
Уларда бўлур, эй билиглиғ ағи. 4320  
Турли-туман ғимматбаҳо нарсалар, дунёнинг тансиғ  
(нарсалари)

Уларда бўлади, эй билимли, сахий.

Байтнинг бундай структураси форс-тожик адабиётида номўътабар ҳисобланган, шунга кўра уни *таълиғ* (боғлиғлик, алоғадорлик) дейилади.

5. Мисранинг мазмуний мустағиллиги шу даража бўладики, уларнинг ўрни алмаштирилган тағдирда ҳам маънога ҳеч халал етмайди;

Не эзгу иш эрди ўлум бўлмаса.

Не кўрклуғ иш эрди киши ўлмаса.

Ўлим бўлмаса ғандай эзгу иш бўлар эди

Киши ўлмаса ғандай чиройли иш бўлар эди.

Кўринадики, маснавий байтлари мисраларнинг ўзаро ғандай структура ташкил ғилишларидан ғатъий назар, ритмик-синтактик ва мазмун хусусиятларига кўра умумий яхлитликни, нисбий тугалланганликни ифодалайди. Шунга ғарамай, айрим ҳолатларда байтнинг ритмик-синтактик жиҳатдан ёки мазмунан тугалланмай, унинг давоми кейинги байтларга ўтган ҳолатлар ҳам, гарчи улар жуда оз бўлса-да, учрайди. Бизнингча, бунга, кўпроғ

поэтик мазмуннинг ўта ҳаяжон, шоирона тўлғинланиш натижасида туғилиши сабаб бўлади

Яғиз ер бағир бўлмағинча ғизил,

Я ўт, я чечак унмагинча яшил,

Тирилсину туркан ғути минг ғутун,

Тирилсину кўрмаз ғарақи ўтун.

Бўз ер мисдаин ғизил бўлмагунча

Ёки яшил ўт ё гул(лар) унмагунча

Турклар қути минг бахт(лар) билан яшасин.

Кўра олмайдиганларнинг кўзи ўт билан тешилсин.

Умуман «Қутадғу билиг» XI асргача яратилган туркий тилдаги маснавий тарағғиётини энг юғори нуқтага олиб чиғди. У ўзида сюжетлиликни мужассамлантирган энг муҳим шеърий шакл бўлиб, XI асрда дидактик йўналишда ривожланди. Унинг шаклланиши, ривожланиши, амал ғилиш фонуниятлари маълум даражада форс-тожик адабиёти билан боғлиғ бўлиб<sup>12</sup>, Юсуф Хос Ҳожиб бир томондан шу адабиётга, иккинчи томондан эса ўзигача мвжуд бўлган миллий анъаналарга таянгани шубҳасиздир. XI асргача бўлган адабий анъаналар асосида мазкур шеърий шаклни такомиллаштирган Юсуф Хос Ҳожиб тажрибаси кейинги аср шоирлари томонидан муваффағиятли давом эттирилди.

Асар маснавийлари ўзидаги ғасида ва тўртликлардан фарғ ғилган ҳолда эпик характерга эга. Бироғ, асар маснавийларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, у ўз ичига кўплаб тўртликларни, шунингдек, ғасидаларни ҳам ғамраб олади. Айрим лирик парчалар, хусусан, табиат кўринишлари тасвирининг усталик билан киритилганлиги ҳам эътиборлидир. Маснавий орасига бошға жанр намуналарининг киритилиши Юсуф Хос Ҳожиб

---

<sup>12</sup> Маснавий мақида қаранг: А.Мирзаев. Рудаки. Жизнь и творчество. М.: Наука, 1968.

кашфиётидир. Бу кашфиёт XII асрда Аҳмад Югнакий, кейинроғ, Фузулий ва бошға шоирлар ижодида ғайта кўринади<sup>13</sup>.

## Т Ў Р Т Л И К

«Кутадғу билиг»да кўплаб тўртликлар ҳам мавжуд. Уларнинг сонини олимлар турлича кўрсатишади. Масалан. Фитрат уларни 182 тадан ортиғ<sup>1</sup>, И.В.Стебелева 200 тадан ортиғ<sup>2</sup>, дегани ҳолда Х.Усмонов эллиқдан ортиғ<sup>3</sup> дейди. А.Н.Самойлович бўлса уларни Радлов нашридан 202 та санаганлигини ёзади<sup>4</sup>. Қ. Каримов бир ўринда уларни 180 га яғин<sup>5</sup> дейди, шунингдек, Ҷафур Ҷулом номидаги нашриёт томонидан чиғарилган китобида 176 тўртликни беради<sup>6</sup> Олимнинг «ФАН» нашриёти томонидан чиғарилган китобида эса Юсуф Хос Ҳожибнинг 205 та тўртлиги бор<sup>7</sup>. Агар бу нашрдан тушиб ғолган 109 байтли матндаги 5 тўртликни ҳам бунга ғўйсак, уларнинг умумий сони 210 та бўлади.

Шу ўринда «Кутадғу билиг» тўртликларининг муалифи масаласига ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келадики, тадғиғотчилар орасида бу масалада бирлик йўғ. Мазкур масала соҳасида олимларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Тўртликларни бошға муаллифларга мансуб деювчилар. Бу фикрни дастлаб, Фитрат айтган эди. Х.Усмоновда ҳам шу томонга мойиллик кучли.

<sup>13</sup> Фузулий ижодидаги бу хусусияти мақида қаранг: С.Х.Алиев. Формы классической азербайджанской поэзии. АҚД. Баку, 1966. стр.25.

<sup>1</sup> Фитрат «Кутадғу билиг» - Маотиф ва ўқитғувчи, 1925, 2-сон, 72-бет.

<sup>2</sup> И.В.Стебелева .Поэтика «Кутадғу билиг». –Советская тюркология, 1970, № 4, с. 95.

<sup>3</sup> Х.Госман. Шигыр тозелеше, Казань, Татарстан китап нашриёти, 1975, 111-бет

<sup>4</sup> А.Н. Самойлович. Изпоправок к изданию и переводу « Кутадга билиг».- Доклады Россий-ской Академии Наук,1924,Октябрь-декабрь Л.1924.с.151

<sup>5</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. (Саодатга йўлловчи билим). Ҳозирга ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов .Тошкент, Ҷ.Ҷулом номидаги бадий адабиёти нашриёти , 1971. 12-бет. Яна қаранг. Илк бадий достон.- Т.: ФАН, 1976. 19-бет.

<sup>6</sup> Ҳша китоб, 24-141- бетлар.

<sup>7</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг . Транскрипция ва хозирги узбек тилига тавсиф. (Саодатга йўлловчи билим). Нашрга тайёрловчи К.Каримов.Тошкент, «ФАН». 1971

Иккинчи гуруҳдагилар эса тўртликларнинг асосий ғисми шоирнинг ўзига тегишли эканлигини уғтиради.

«Китоб муаллифининг бу рубоийларидан ҳар бирини ёзганда,-деб кўрсатади Фитрат.- «тингла эмди шоир нима деган», «Шоир бу масалага ўхшатиб шу сўзни айтадир» деганини эътиборга олганда бу рубоийларнинг бошға шоир томонидан айтилгани, Юсуф Хос Ҳожибнинг эса бу шоирнинг рубоийларидан ўз китобларига керак бўлганларини олгани хотирга келадир. Бироғ рубоийларнинг вазнлари «Қутадғу билиг» вазнидадур, услубида ҳам ҳеч айирма кўринмайдур. Шунинг учун бу рубоийларни ҳам Юсуф Хос Ҳожибнинг ўз асарлари демак муносиб кўринадур. Шундай бўлгач, шоир бу рубоийларни кетурганда нега «шоир сўзини тингла» деган?

Бу сўроғга шу йўлда жавоб бериш мумкин; Юсуф Хос Ҳожиб замонида Хитой адабиётида, форс адабиётида ҳикматли сўзлар кўп бўлган. Шоир шулардан фойдаланган, шуларни ўз китобининг вазн ҳам услубига айлантириб, китобини шулар билан безатган.

Китобнинг муғаддиммасида шоир томонидан «Бу китобни Чин-Мочин ҳақимларининг масалалари, шеърлари билан безатдим» деган сўзни бизнинг шу фикримиз билан изоҳ этмак мумкиндир».

А.А. Валитова эса «Қутадғу билиг» тўртликларининг баъзилари фольклорга алоқадорлигига ишора ғилади.

Қ.Каримов «бу тўртликларнинг «Қутадғу билиг» нинг муаллифига тегишли, бир ғисми эса бошға муаллифлар ҳамда халғ оғзаки ижодидан ўзлаштирилган» деган фикрни ғувватлайди.

Бизнингча, улар тамомила «Қутадғу билиг» нинг муаллифига тегишлидир, чунки тўртликлар ўзларининг вазни, мавзу ва услуб хусусиятлари, бадий тасвир принципларига кўра асарнинг бошға ғисмларидан мутлағо фарғ ғилмайди.

Тўртликлар Шарғда хусусан, ўрта Осиё халғлари орасида ғадимдан кенг тарғалган. Тўртликларнинг тарихий тарағғёти дунёга машхур бўлган рубоий жанрини юзага келтирган. «Қутадғу билиг» тўртликларини рубоий дейиш

мумкинми? Умуман, асар тўртликларининг рубоий жанри ва ҳалф тўртликлари билан ғандай муносабати бор?

Маълумки, «рубоий дкб Ажам шоирлари тўрт мисраси ғофияланган, учинчи мисранинг ғофияланиши шарт бўлмаган ҳамда ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам вазнида ёзилган шеърни айтадилар.<sup>8</sup>

«Кутадғу билиг» тўртликлари юғоридаги талабларга асосан жавоб бера олади. Уларнинг мавзу кенглиги рубоий мундарижасига тамомила мос. Бироғ бу талаблардан чекинадиган томон ҳам борки, бу вазн масаласидир. Шунинг ўзи уни рубоийлардан фарғлайди, чунки Алишер Навоий таъкидлагандек, рубоий вазниким, ани дубайтий ва тарона ҳам дерлар, ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахрабиддин истихрож ғилибдурлар ва ул вазнедур асру хуш оянда ва бағоят рабоянда...<sup>9</sup>

Шунга кўра «Кутадғу билиг» тўртликлари рубоий даражасига етмаган, бироғ уларнинг жанр хусусиятларини ўрганиш, бу тўртликларнинг турк тилдаги рубоийларнинг шаклланишида муҳим босғич бўлганлигини таъкидлаб туради.

Юсуф тўртликларини композицион-семантик хусусиятларига кўра бир неча турга ажратиш мумкин. Улар ғуйидагилардир;

1. 2836 Уғушлуғ, вафалиғ, киши тузуни

Юлуғлар кишика ғамуғ ўзини.

Ариғсиз, жафалиғ, ғилинчи ўтун

Қали айди эрсар ғияр сўзини.

Заковатли, вафоли, киши(лар)нинг яхшиси,

Одамга бутун жонини фидо ғилади.

Нопок, жафокор, ғилмишлари тубан(киши).

Агар ваъда берган бўлса ҳам, сўзидан ғайтади.

Кўриниб турибдики, тўртлик композицион жиҳатдан икки ғисмга бўлинган. Биринчи ғисмида эзгулик йўлида жон фидо ғилувчилар улуғланади.

---

<sup>8</sup> Ҷиёсиддин бинни Муаммад биннм Жалолиддин. Ҷиёс ул-луғот, Лақнава. 1330, сах. 296.

Иккинчи ғисмида тамомила ғарама-ғарши ғутбадаги нопок, жафокор шухслар ғораланади. Агар бу композицион ғисмларни алоҳида-алоҳида тасаввур этадиган бўлсак, уларда оддий бир хусусият, ғуруғ хабаргина ғолади холос, уларнинг яхлитлиги эса поэтик фикрнинг ҳам яхлитлигини таъминлаган. Бундан ташқари қисмларнинг мана шу тартиби китобхонни мисраларни киёслаб кўришга ва бу икки қисм ўртасидаги маънавий зиддиятни сеза олишга имкон беради. Бу эса тўртликнинг эмоционал томони, яъни келтирилаётган фикрнинг таъсирини кучайтирувчи муҳим омилдир.

Асардаги тўртликларнинг кўпи худди шу йўл билан юзага келган. Бу усулнинг афзаллик томони фикрнинг ихчам, лўнда ва таъсирчан ифодаланишини таъминлайди. Лўндалик ва ихчамлик эса лирик жанрларнинг, жумладан, тўртликларнинг муҳим хусусиятларидир. Лирик жанрларнинг юқоридаги хусусиятларини Т.Сулъман шундай таърифлайди:

«Фикр лўндалиги лирик шеъриятнинг ўз жанр хусусияти тақозо қиладиган, ҳеч бир ташқи эмас, ички эҳтиёжи талабидир»<sup>10</sup>.

II .523 Кўнгул кимни севса мун эрдам бўлур

Қамуғ татрусини ўнг қуқузи тўлур.

Кўнгул кимни севса қамуғи севуг,

Кўрур кўзка урса кўрунмаз бўлур.

Кўнгил кимни севиб қолса, унинг нуқсонлари ҳам афзал  
кўринади.

Барча терсликлари ўнг (кўриниб), раҳналари (яъни  
камчиликлари) тўлади.

Кўнгил кимни севиб қолса, унинг бутун борлиғи севимли  
кўринади,

Кўриниб турган кўз олдида урса, кўрмагандай бўлади  
(яъни унинг айблари кўринмайди).

<sup>9</sup> Алишер Навоий .Мезон ул-авзон.Асарлар, 14-том, Тошкент, 1967

<sup>10</sup> Сильман Т. Заметки о лирике.М.: Сов.Писатель, 1977.с.6.

Бу ерда ҳам тўртлик аслида ўзаро тенг қисмларга – байтларга бўлинади, бироқ бу бўлиниш мазмуний зиддият натижаси эмас. Биринчи мисрада ўртага қўйилган фикр иккинчи мисрада ўзининг поэтик ривожини топган. Иккинчи мисра олдинги мисрадаги фикрни давом эттиради, айти пайтда уни мустаҳкамлайди. Шу билан маълум поэтик фикр ўз ниҳоясига етади.

Кейинги байтда ҳам композицион жиҳатдан олдинги байтдаги принциплари айнан қўлланади, бироқ фикр сўнгги мисрада олдингига нисбатан юқорироқ поғонага олиб чиқилади, байтлараро маънавий параллелликни юзага келтиради (Уларни синтактик параллелизм ҳам бошқариб туради). Ҳам синтактик, ҳам маънавий параллелликнинг бу бирикишидан поэтик фикр такрорланмас бир жарангга эришадики, тўртликнинг бутун таъсир кучи мана шунга боғлиқ.

Ш. Тўртлик композицияси мисраларнинг ўзаро муносабатлари натижасида шаклланади. Қуйида яна бир композицион шаклни кўриш мумкин:

1678 Билигсизга давлат ярашса келиб,

Билигликка артуқ ярашур тегиб.

1679 Билигсиз била турса давлат қали

Билиглик била турға тенг туш кўриб.

Агар нодонга келган давлат унга ярашса

Донога келган давлат унга ниҳоятда ярашади

Агар (давлат) нодонга келиб қарор топса,

У (давлат ) доно учун мос ва мувофиқ бўлиб қарор

топади.

Мазкур тўртлик ҳам аввалги тўртликлар каби композицион жиҳатдан икки қисмга ажралади. Ҳатто мисраларнинг ўзаро маънавий зиддиятга асосланиши уни дастлабки тўртлик билан яқинлаштиради. Бироқ бу ердаги маънавий зиддият мисралар-ародир. Олдин билимсиз ва билимлининг давлатга эга бўлганидаги муносабатлари тўғрисида гап боради. Улар ўзаро

зиддиятда олинаркан, кейингисининг олдингисидан гўзаллиги (артук ярашур) уктирилади. Бу фикр кейинги байтда янада ривожлантирилади.

Давлат нодон билан фақат биргаликни ташкил қилади холос, аммо у доно билан ҳақиқий гўзаллик касб этади (тенг туш кўриб туради). Бу ерда ток мисралар маълум фикрни ўртага қўяди. Жуфт мисралар эса уларнинг зидди учун келтирилади. Мана шу усул орқали шоир ўз фикрини очиқроқ баён эта олади, яъни билимсизликни қоралаб, донолик, билимдонликни улуғлайди.

Баъзан тўртликларида бошқачароқ композицияни кўриш мумкин:

Эди ма батиг хандаса сақиши,

Анин тезгинур, кўр, ҳакимлар баши.

Акинтег барир бу ети қат кўкуг,

Адиртти сачим тег бирар сақиши

    Ҳандаси ҳисоби жуда ҳам чуқурдир,

    Ҳакимларнинг боши шу билан айланади (банд бўлади)

    Бу етти қават кўкни селдек босади,

    (унинг ) ҳар бир амали жала томчиси каби фарқланади).

Олдинги тўтликларда поэтик фикр мисралар (байтлар)нинг ўзаро қарама-қаршилигидан ёхуд фикрнинг ички, динамик, тадрижий ривожини натижасида юзага келаётган эди. Хулоса эса шеърнинг ниҳояси билан алоқадор тарзда охирида келтирилди ёки назарда тутилди. Хулосаси (*ҳандаси ҳисоби жуда чуқурдир*) биринчи мисрада берилган бу мисол композицияси ҳам асар тўртликларида кўп қўлланади:

2449 Ҳажибликка ашну бу ўн нанг керак,

    Ети кўз, қулоқ сақ, кўнгул кенг керак.

2450 Юзи кўрки, буд, тил, уқуш, ўг, билиг,

    Қилинчи буларқа тугал тенг крак.

    Ҳожибликка (энг) аввал ушбу ўн нарса лозим,

    Юз чиройи, қомати, тили, зехни, ақли ва билими

(тугал бўлиши),

Қилмишлари буларга тўла тенг бўлиши керак.

Биз юқоридаги усулни *деталлаштириши* деб аташни маъқул кўрардик. Чунки мисоллардан кўринадики, олдин маълум поэтик фикр яхлитлигича келтирилган, сўнгра эса у алоҳида-алоҳида қисмларга бўлиб ташланган, яъни деталлаштирилган.

Деталлаштиришни қуйидаги тўртликда бошқачароқ шаклда учратиш мумкин:

1322 Бўр ичма зинака яғума ҳазар,

Бу экки чиғайлик тўнин кедар.

Бу бўрдин кўпар минг язуққа юрак,

Зинадин қочар қут юзунгга судар.

Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма, ҳазар қил

Бу икки нарса гадолик тўнин кийгизади.

Ичимликлардан юрак (ботирлашиб) минг-минг

гуноҳларга кўзғалади.

Зинодан қут қочади, юзинга тупиради.

Тўртликнинг биринчи мисраси икки хавфдан огоҳлантиса, иккинчи мисра униг зарарли оқибатга олиб келишига ишора қилапти. Кейинги икки мисра олдинги икки салбий хусусиятни алоҳида-алоҳида шарҳлашга қаратилгандир.

1546 Атанг пандини сен қатиғ тут, қатиғ,

Қутадға кунунг бўлға кундин татиғ,

Атангни, анангни севундир туши,

Янут берға тапғинг туман минг асиғ.

Отангнинг пандини сен қаттиқ тут, қаттиқ,

Сени бахтга элтади, кунинг кундан-кунга ширин  
бўлади.

Отангни, онангни доим хурсанд қил,  
Хизматларинг эвазига туман минг ҳисса фойда  
оласан

Юсуф бу тўртликларда фикрни занжирли равишда ривож-лантирган. Биринчи мисрадаги фикр кейингисида тўлдирилади. Учинчи мисрадаги фикр эса, янада юқорироқ ва пухтароқ фикрни айтишни ҳозирлик кўради, яъни у кейинги босқичга сакраш учун ўзига хос трамплин вазифасини бажаради. Бу хусусиятлар асар тўртликларини баъзи бир тип рубоийларга яқинлаштиради, чунки «рубоийдаги ҳар бир мисра ўзича алоҳида маъноли бўлиб, улар умумғоя нуқтаи назаридан поэтик уйғунликка эга. Композицион жиҳатдан эса мисралар нисбатан мустақиликка эга бўлади»<sup>10</sup>

Айни пайтда И.С.Брагинскийнинг рубоийга берган таърифи («ааба» шаклидаги рубоийларнинг айрим типлари учун –Т.Б) «Қутадғу билиг » тўртликлари композицияси учун ҳам жуда мувофиқ келди. У ёзади:

«Рубоий сўзнинг том маъноси билан лирик миниатюра бўлиб, дастлабки икки мисрада «тугун», учинчи, кўпинча, қофияланмаган мисрада «кульминация», (бир ишора, фикрлашдаги тўхташ) ва рубоий маъносини очувчи, унинг «мағзини» ташкил этувчи охириги тўртинчи мисрада «ечим» ифодаланган бўлади»<sup>11</sup>. Юқоридаги тўртликлар, гарчи улар вазн нуқтаи назаридан рубоийдан фарқланса-да, шу жанрнинг туркий адабиётда шаклланишида ўзига хос бир босқич (юқорида кўрсатганимиздай фақат вазн йўқ) бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлаб туради.

«Қутадғу билиг» тўртликларида халқ тўртликларининг кучли таъсири кўринади. Буни, хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғат ит-турк» асарида келтирилган тўртликлар билан муқояса қилиш натижасида кўриш мумкин. Маҳмуд Қошғарийдаги тўртликларнинг кўпи халқ оғзаки ижодининг намунаси бўлиб, асосан бармоқ вазнидадир. (бу ҳақда куйироқда

<sup>10</sup> И. Ҳаққулов, Рубоийда композиция ва қофия –//Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, 3-сон, 52-бет.

яна тўхтаб ўтилади), қофияланиш принципларига кўра мурабба, кўпинча ёзма адабиётдаги рубоий шаклини эслатувчи а-а-б-а, а-а-а-а шаклига эга, шунингдек бошқа кўринишлар ҳам мавжуд. Агар бу шаклларнинг жуда устунлигини эътиборга олсак «Қутадғу билиг» тўртликларининг замини туркий халқлар оғзаки ижодида эканлигига шубҳа қолмайди. Фақат шаклий хусусиятларгина эмас, тўртликларнинг ғоявий йўналиши, мазмун хусусиятлари, бадииятида ҳам шундай яқинлик кузатилади. Чунки тўртлик шакли туркий халқлар поэзиясидаги энг қадимий шакилларидадир. Бу ҳақда Е.Э.Бертельс шундай ёзади:

«Қасида ва ғазалларидаги ягона қофиялик албатта, араблардан, бироқ жуфт қофия арабларга мутлақо маълум эмас эди. Уларга рубоий ҳам номаълум бўлган. Аммо рубоий жуда қадим замонларданок Ўрта ва Марказий Осиёдаги турли туркий халқлар фольклорида энг ёқимли шакилларида бири бўлган. Шунингдек, араб термини билан аталадиган мурабба, яъни ҳар бир мисраси а-а-а-б; в-в-в--б, г-г-г--б в.б. кўринишида қофияланувчи банд шакли жуда кўп туркий халқлар фольклорида учрайдиган тўртликлардан бошқа нарса эмаслигини тан олмаслик мумкин эмас»<sup>12</sup>.

Бу фикр, яъни тўртликларнинг туркий тилли халқлар адабиётида қадимий анъанага эгаллиги В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовлар томонидан ҳам қайд этилган эди:

«Халқ достонларида, шеърлар айрим истиснолар билан композицион жиҳатдан банд шаклга эга. Рубоий (ава қофиялари билан) типидagi тўртликлар устун бўлиб, учинчи мисра (в) қофияланмайди ёхуд оч қофияланган бўлади. Бу хил тўртликлар классик форс поэзиясининг кейинчалик кўрсатган таъсиридан қатъий назар, туркий тилли халқларда жуда қадим маҳаллий традицияга эга. Маҳмуд Қошғарий «Девон» идаги қаҳрамонлик эпосидан келтирилган парчалар X-XI асрлардаёқ туркий

---

<sup>11</sup> И.С.Брагинский. Очерки из истории таджикской литературы. – Сталинабад, 1956. С. 181.

<sup>12</sup> Е.Э.Бертельс. История персидско-таджикской литературы. М., 1960. С.88.

халқлар эпик ижодида тўртликлар тамомила одатдаги ҳолга айланиб қолганидан гувоҳлик беради»<sup>13</sup>.

Демак, «Қутадғу билиг» даги тўртликлар ўз тарихий илдизлари билан қадимги туркий халқлар адабиётига, хусусан ўзида халқ оғзаки ижодининг, шунингдек, ёзма адабиётнинг ҳам энг яхши намуналарини жамлаган «Девони луғот ит-турк» қа бориб тақалади. «Девони луғот ит-турк» даги шеърӣй парчалар кўпгина олимлар диққатини ўзига тортган эди. Хусусан, уларнинг вазни чуқур текширилган. Кўпчилик олимларнинг эътирофича, улар асосан бармоқ вазнида ёзилган. Тадқиқодчи Т. Ганжий улар орасида арузда ҳам ёзилган айрим парчалар мавжудлигини кўрсатса, олима И.В. Стаблева уларнинг деярли барчасини аруз вазнига ҳам уйғун дейди<sup>14</sup> Н.Маллаев эса уларда аруз ва бармоқ намуналари мавжудлиги ҳолда кейингисининг устун мавқеда эканлигини таъкидлайди: «...айрим шеърларнинг ёзма адабиётга (у ҳолларда Маҳмуд Қошғарий кўпинча «шоир сўзи будир» деб таъкидлайди, айни чоғда бу сўзларда «донолар бундай дейди», деган маъно ётишини ҳам унутмайлик) мансублиги ва арузда битилганини (аруз туркий поэзиясига сингишиб кетаётган эди) эътиборга олиш билан бирга, назаримизда, кўпчилик шеърлар оғзаки поэзияга мансуб бўлиб, туркий халқлар шеърӣятининг туғма вазни-бармоқда эканини таъкидлаш лозим»<sup>15</sup>.

Уларнинг бадий хусусиятларига келганда шуни айтиш лозимки, «Девону луғот ит-турк» шеърлари «равонлиги, мусиқийлиги ва жўшқинлиги»<sup>16</sup> билан ажралиб туради. Бу ерда яна бир нарсани ёдда тутиш керакки, айрим олимлар тўғри кўрсатганидай «Девону луғот ит-турк» фақат оғзаки ижод намунаси эмас, балки айни пайтда унда ёзма адабиёт намуналари ҳам мавжуддир. Шунга кўра Э.Рустамов: «Таъкидлаш жоизки, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғот ит-турк»ида келтирилган кўпгина

<sup>13</sup>. В.М.Жирмунский. Х.Зарифов. Узбекский народный героический эпос. ОГИЗ, М.,1947. С.440-441.

<sup>14</sup>. «Девону луғот ит-турк» вазни мақидаги обзорни қаранг: И.В.Стеблева. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке, М., 1971.С.8-9,23-56. Н.Маллаев. Ёзбек адабиёти тарихи. Т.,1976. 63-64-бетлар.

<sup>15</sup>. Н.Маллаев. Қурсатилган асар, 63-64-бетлар.

<sup>16</sup>. А. Қаюмов. Қўрсатилган асар.

шеърлий парчалар етарлий маълумотга ҳамда шеърлар тўқишда катта малакага эга бўлган шахслар томонидан ёзилган»<sup>17</sup> - деб кўрсатган эди.

«Қутадғу билиг» ва «Девону луғот ит-турк»даги тўртликлар ўзаро солиштириладиган бўлса, улардаги қатор ўхшашликларни, шунингдек баъзи айирмаларни кўриш мумкин. Бу икки асар орасида фақат ғоявий-бадий, композицион ва услубий тамойилларгина эмас, ҳатто матний мувофиқликлар ҳам мавжуд<sup>18</sup>. Улар орасидаги фарқлар эса, асосан, қуйидагилардан иборат:

1.«Девону луғот ит-турк» ўзида аруз элементларини сингдиргани ҳолда асосан, туркий халқлар учун қадимий ҳисобланган бармоқда ёзилган. «Қутадғу билиг» тўртликлари эса асарнинг бошқа қисмларидаги бўлгани каби арузнинг мутақориб вазнида, асосан мутақориби мусаммани маҳзуф, баъзан мутақориби мусаммани мақсур кўринишида ёзилган.

2. «Девону луғот ит-турк» даги тўртликлар ўзидаги мазмунга кўра ғоят хилма-хилдир. Унда табиат тасвиридан бошлаб, урф-одатлар, йил фасллари, турли байрам ва хурсандчиликлар ўз ифодасини топган. Уларда дидактик характердаги тўртликлар билан бирга «нодидактик» тўртликлар ҳам кўплаб учрайди. «Қутадғу билиг» тўртликлари эса ўз мавзуйига кўра, асосан фалсафий-дидактик характерга эгадир.

Тўртликларнинг яна бир хусусияти уларнинг қофия тизимида кўринади. Гап шундаки, тўртлик қофияларида тажниснинг алоҳида эътибор билан қўлланиши кўзга ташланади. Шу ўринда уларнинг туюқ жанри билан муносабати ҳақида кичик бир мулоҳазамазни айтиш билан чекланамиз.

Маълумки, туюқнинг бир тури тажнис билан алоқадордир.

Шунга кўра, Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги тўртлиги характерли:

1959 Қаю эрда бўлса уқуш бирла ўг

Ани эр атағил неча ўгса ўг.

1960 Уқуш, ўг, билиг кимда бўлса тугал

Явуз эрса каз те, кичиг эрса ўг.

Тўртлик Қ.Каримов томонидан шундай тавсиф қилинган:

---

<sup>17</sup> Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. М.: 1959, С. 140-141.

Қайси бир кишида заковат ва ақл бўлса,  
Уни киши деб атагин, қанча мақтасанг мақта.  
Заковат, ақл, билим кимда етук бўлса,  
Ёмон бўлса (ҳам) яхши де, кичиг бўлса (ҳам) мақта<sup>19</sup>.

Шу ўринда охирги мисрадаги «ўг» нинг «мақта» деб ўгирилиши ўринли эмас. А.Н. Самойлович унинг «катта ёшли киши» маъносида эканлигини кўрсатган эдики, биз ҳам унга қўшиламыз: «Того мужа, у которого окажется понятливость и ум, именуй мужем и, сколько бы не хвалить, хвали! У кого понятливость, ум, мудрость будут совершенны, того будь он злым, зови добрым, будь он малым, (зовы) взрослым».<sup>20</sup>

Туюқ Алишер Навоий ва Бобирлар кўрсатмасига кўра арузнинг рамали мусаддаси мақсур вазнида ёзилиши керак, ваҳоланки юқоридаги тўртлик мутақорибда битилган. Бироқ жанр тарихий категориядир. Демак, у маълум бир тизимга киргунича ўз тараққиёт этапларида турли ўзгаришларга учраши, айрим хусусиятлари барқарорлашиши ва баъзилари тамомила йўқолиб, янги хусусиятлар билан алмашиши ҳам мумкин. Шунга кўра бу жанрнинг шаклланишида (дастлабки босқичда) вазн иккинчи даражали бўлган, асосан оҳанг етакчилик қилган деб тахмин қилсак бўлади (бизнингча, мутақориб мусаммани мақсур ва рамали мусаддаси мақсур вазнларининг умумий бўғин тузилишидаги яқинлик - уларнинг ҳар иккиси ҳам 11 бўғиндан иборат - ҳам бу фикрни қувватлайди).

Бунинг устига жанрнинг фақат туркий тилга хослиги унинг вазнини назарда тутишни тақозо қилади. Унинг қадим илдизлари эса халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Арузнинг ўзлаштирилган вазн эканлигини назарда тутсак, туюқнинг дастлабки вазни аруз бўлмаганлиги, рамали мусаддаси

---

<sup>18</sup> Бу мақда қаранг: Развитие тюркских поэтических форм в XI веке.- М.: Наука, 1963. С.103-106.

<sup>19</sup> Юсуф Хос Ҷожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим), транскрипция ва мазмунини ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. - Тошкент: Фан, 1971,337-бет.

<sup>20</sup> Самойлович А. Из поправок к изданию и переводу «Кутадғу билиг».- Доклады Российской Академии наук, серия В, 1924, октябрь-декабрь, с.151.

максур эса жанр қонуниятларининг стандартлашган, маълум мезонга кирган шакли эканлиги маълум бўлади.

Шунга кўра, юқоридаги тўртликни туркий ёзма адабиётда яратилган дастлабки туюқлардан бири деб дадил айтиш мумкин.

Маълумки, туюққа таъриф берган Алишер Навоий шундай ёзган эди: «Бириси туюғдирким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси максурдур»<sup>21</sup>. У туюқнинг «турк шуаросининг хоссаси» лигини ҳам уқтирган эди.

Демак, «Қутадғу билиг» да юқоридаги туюқнинг мавжудлиги факти бу жанрнинг шаклланишидаги дастлабки босқичидаёқ унда тажнис қўллаш тенденцияси кучли бўлган деган хулосага келиш имконини беради.

«Қутадғу билиг» тўртликларининг бош хусусияти, юқорида айтганимиздай, уларнинг дидактик характери дур. Бироқ, Юсуф дидактикаси панд-насихат, ўғитларнинг яланғоч ифодаси эмас, Шоир дидактикасида чуқур гуманизм ҳамма вақт кўзга ташланиб туради. Унинг тўртликларида башариятнинг бутун тарихи давомида интилган ижобий хусусиятларни кўкларга кўтариш, инсонийликни, инсоний фазилатларни тарғиб қилишни кўриш мумкин:

5605 Кишилар ара кўр киши ул бўлур,

Анингдин кишилар асиғлар булур.

Асиғсиз кишилар кишида кўри,

Асиғлиғ киши асғи элка тўлур.

Кўр, одамлар орасида одам шу бўлади (ки),

Ундан одамлар манфаатлар топади.

Манфаатсиз одам (лар) орасида зарардир,

Манфаатли одам манфаати элга тўлади.

---

<sup>21</sup> Навоий Алишер. Мезон ул-авзон. Нашрга тайёрловчи Иззат Султон. Асарлар. 14-том,- Т.: Фан, 1967, 179-бет. Бу мақда яна қаранг: Самойлович А. Четверостишия-туюғи Неваи. -// Мусульманский мир. Вып. I. Пг. 1917. с. 14.; Стеблева И.В. К вопросу о происхождении жанра туюг.- Тюркологический сборник 1970.- М.: Наука, 1970, с. 135-147. Валихўжаев Б. Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туюк.-// Адабий

Кишиларни яхшиликка, одиллик ва ҳалолликка, бошқалар учун ҳам жон куйдиришга даъват этувчи тўртликларни кўплаб келтириш мумкин:

Умуман, одоб ва ахлоқ Юсуф Хос Ҳожиб даврида айрича аҳамият касб этганлигини юқорида айтдик. Инсон ва унинг моҳияти масаласи, Қорахонийлар даврида турли табакалар ва тоифалар зиммасида бўлиши керак бўлган ахлоқий, маънавий хусусиятларни тарбиялаш «Қутадғу билиг» олдига қўйилган вазифалардан бири эди. Умуман, «Қутадғу билиг» даги панд, ўғит, дидактизм қадимий анъаналар заминида, бироқ янги тарихий шароит тақозосига кўра юзага келди ва у ўзида бу анъаналарни янада такомиллаштириб, дидактика қобиғида бошқа ҳаётий масалаларни ҳам сингдиради.

Барча буюк даҳолар, тарихда ўзининг изини, шон-шуҳратини қолдирган мутафаккирларни бир-бирларига яқинлаштирувчи буюк бир хусусият бор. Бу инсон тақдирига куюниш, уни ардоқлаб, эъзозлаш, мана шу инсон учун хизмат қилишдан иборатдир. Бу хусусият шоирларда кўпроқ умуминсоний ғояларни куйлаш орқали рўёбга чиқади. Мана шундай умуминсоний ғоялардан бири адолатдир. Шоир ижодида адолатнинг ўзига хос тарздаги тарғибини ва у учун курашни кўриш мумкин. Бироқ, Юсуф Хос Ҳожиб адолатнинг ўз-ўзича юзага келмаслигини ҳам билади. Ўзаро қарама-қарши синфларга бўлинган жамиятда адолатнинг қай даражада бўлишига қуйидаги мисралар фавқулодда ишорадир:

3036 Кимнинг бўлса давлат узади алиг

Қамуғ татрусси ўнг ,сўзи ўг, билиг,

3037 Ажун файласуфи нанги бўлмаса

Неча тилдан эрса кишалди тилиг.

Кимнинг давлати бўлса, қўли узун бўлади,

Ҳамма тескариси ўнг, сўзи ақл билим (бўлади).

Дунё файласуфи мол-дунёси бўлмаса,  
Неча сўзамол бўлса(хам) тилини тияди.

Тўртликларда ишқ-муҳаббат, севги ва садоқат, вафо мавзулари ҳам тараннум этилган. Бу жихатлари билан тўртликлар маснавий ва касидалардан фарқ қилади.

Ўрта асрлар лирикаси кўздан кечирилса, севги-муҳаббат мавзуи кучли эҳтирос билан тасвирланганини кўриш мумкин. Уларда кўпроқ ошиқнинг мардлиги, шижоати ва жасорати, вафодорлиги, маъшуканинг эса хуснда баркамоллиги, назокат ва нафосати, дилкаш ва дилбарлиги, аҳдида қатъийлиги (ёки аксинча) ва беғубор муҳаббати тасвирланади. Уларнинг қалб изтиробларига айрича аҳамият берилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг ишқий мавзудаги тўртликларида ошиқ ва маъшуканинг эмас, балки ошиқлик ва маъшукликнинг ўзи ҳақида гапирилади:

1867 Севикли кишининг юзи белгулуг

Тили очса маъни сўзи белгулуг

Севар севмасин ўз билайин теса

Сенга тетру бақса кўзи белгулуг

Севикли кишининг юзи белги беради,

Агар тил очса, гапининг маъниси ва сўзи белги беради.

Агар ўзинг севиш ё севмаслигини билайин десанг,

Сенга тик (қараб) боққанда, кўзи белги беради.

Қуйидаги тўртликда эса висол дақиқасидаги шодликнинг ёрқин тасвири кўринади:

3260 Қамуғ ғайиб ўзлар кўрушса ўзун,

Сақинч бўлди қисға, севинчлар узун.

3261 Не кўрклуғ бўлур, киши адрилиб

Саломат қавушса эки ўз-ўзун.

Ҳамма ғойиб (яъни айрилган) кишилар ўзаро кўришишса,

Алам қисқа, севинч узун бўлади.

Қандай ажойиб бўлади, кўр, киши айрилиб,

Икковлон ўзаро саломат топишса.

Тўртликларни асар композициясидан мустақкам ўрин олган ўзига хос лирик киритма дейиш мумкин. Чунки улар асардаги маълум фикр занжирига ўзларининг қуйма ҳолатлари билан яқун ясайди, ўша фикрларнинг асосий мағзини ўзида сингдирган бўлади. Лирик киритмаларнинг асар композициясидаги роли жуда катта. Улар фикр оқимида кичик бир паузани эсга солади, чунки мана шу киритма маълум фикрга яқун ясайди, кейинги фикрнинг бошланишига туртки бериб юборади, айти пайтда икки фикрни бир-бирдан ажратиб ҳам кўрсатади.

Тўртликлар кўпинча маснавийдаги айрим фикрларни такрорлайди, бироқ бу такрорлар тўртликда анча кенгайган ҳамда такомиллашган шакли билан диққатга сазовордир. Буни айрим мисоллардан кўриш мумкин:

Маснавийда:

2800 Қаю нангга идса тириглиг киши,

Севуг бўлди ул нанг севуг жан туши.

Тўртликда:

2870 Қаю нангга кирса киши эмгаки

Севуг бўлди ул нанг севуг жан кўки

2871 Киши эмгаг идса тириглиг идиб

Ани севгу, юдгу, юдурса юки.

Маснавийда:

1123 Ажунда ўлумда қатиғрақ қаю,

Туғиғли киши ўлди мундағ аю.

Тўртликда:

1125 Неку бар ажунда ўлумдин қатиғ

Ўлумуг сақинса кетар минг татиғ

1126 Ўлум бир тенгиз ул учи йўқ туби

Бақа кўрса ўтру туби йўқ батиг.

Бу хил мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси шоирнинг юксак истеъдод соҳиби эканлигини кўрсатади, чунки маснавийда маълум фикр қайд этилади, ўртага чиқарилади, тўртликда эса ўша фикр кенгайтирилади, чуқурлаштирилади, керак ўринларга маълум аниқликлар киритилади. Бошқачароқ қилиб айтганда, улар маснавийдаги фикрларга исбот вазифасини ўтайди. Бу фикрни тўртликлардан олдинги байтларда штамп тарзида такрорланувчи «неку тер эшитгил, билиглиг сўзи», «мунгар менгзар эмди бу билга сўзи»... каби жумлалар ҳам тасдиқлайди.

## Қ А С И Д А

Қасида арабча «қасд» сўздан олинган бўлиб, мақсад, ният, бирор жой, нарса ё мақсадга қасд қилиш деган маънони англатади. Адабий термин сифатида эса лирик турга мансуб шеърини жанрлардан бирини билдиради. Қасида ҳажман чегараланмаган бўлиб, 15-20 байтдан 100 ва ундан ҳам ортиқроғ байтга эга бўлиши мумкин. У тематик жиҳатдан ҳам Ғоят кенг ғамровга эга<sup>1</sup>.

Маҳмуд ҚошҒарий «Ғўшиғ» термини ҳақида сўз юритиб, уни «шеър», «қасида», «Ғўшиғ» деб изоҳлайди<sup>2</sup>, демак бу термин остида қасида жанрини ҳам назарда тутаяди.

«Қўшиғ» термини Юсуф Хос Ҳожибнинг Ҳзида ҳам учрайди;

<sup>1</sup> Бу мақда қаранг: Ханна аль-Фахури . История арабской литературы . т.1.М.,1969.

<sup>2</sup> Маҳмуд ҚошҒарий. Девону луғат ит-турк, 1 Том, 357-бет.

Бу туркча ҒҲшуғлар тузаттим сенга,  
Ўқурда унутма, дуа ғил менга.  
Сенга бу туркча ҒҲшиғларни тартиб бердим,  
Ўғирда унутма, менинг ҳағимга дуо ғил.

Шоир «ҒҲшиғлар» деганда умуман шеърятни, деярли ҳамма шеърӣй шаклларни назарда тутганга Ҳхшайди. Асарда «шеър», «байт» терминлари ҳам бор, бироғ «ғасида» термини ғҲлланган эмас. Шунга ғарамай, асарда учта ғасида мавжуд бҲлиб, уларнинг барчасида ҳам ғасиданинг асосий ва охириги ғисмларида анъанага риоя ғилинади. Бошға композицион ғисмларда анъанавийликдан чекинилади.

Юсуф ғасидаларининг бирортасида ҳам ташбиб (насиб) йҲғ, яъни улар *ғасидаи мужарраддир*.<sup>3</sup>

Асар ғасидаларидаги композицион Ҳзига хослик ва унинг образлар системасига диғғат ғилиш шуни кҲрсатадики, шоир ғасидаларига форс-тожик ва ғисман араб адабиётининг таъсири кучли бҲлган, бироғ, у туркий тилли халғлар фольклоридан ҳамда бадиияти анъаналаридан пухта озиғлангандир.

Юсуф ғасидаларининг Ҳзига хос хусусияти шундаки, уларнинг воғеликни тасвирлашида маълум реаллик бор, ваҳоланки, кейинроғ бу жанрда мавҳум ғарашлар ва поэтик образларда аллегорик маънолар бериш асосий Ҳрин тутган эди.

Шу Ҳринда Юсуф Хос Ҳжиб ғасидаларининг мазкур жанрнинг туркий тилли адабиётда ривожланишида алоҳида босғич бҲлганлигини таъкидлаш Ҳринлидир. Юсуф Хос Ҳжиб ғасидалари туркий ғасиданинг Ҳзига хос хусусиятларини кҲрсатувчи дастлабки босғич ва намуна сифатида беғиёс аҳамиятга молик.

Шоир ғасидалари шу жанрга ғҲйиладиган традицион талаблардан бир оз чекинади. Бу ерда дастлаб уларнинг автобиографик характерини ғайд ғилиш лозим. Бу жиҳатдан унинг «Йигитликка ачиниб ғарилигини айтади» сарлавҳали ғасидаси характерлидир. У ғуйидаги матлаъ билан бошланади;

ЮриҒли булиттек йигитликни идтим,  
Туби ел кечартег тириглик тугаттим.  
Кезувчи булутдек йигитликни кетказдим,  
Ўткинчи бҒрон, елдек тирикликни тугатдим.

Маълумки, ғасидаи холияда, анъанага кҒра, Ғз рухий ҳолатини ифодалаш, тақдирдан, ҳаётдан шикоят ғилиш Ғоялари асосий Ғрин тутуди. Бу нарса Юсуф ғасидаларида ҳам биринчи планда туради.

У йигитликнинг Ғтиб кетганига ғаттиғ ғайҒуради, ғариликдан шикоят ғилади. Қасида Ғзининг Ғоявий йҒналишига кҒра Рудакийнинг машҳур «Қарилик ҳағидаги ғасида»сини эсга солади. Бу фикр Ғз-Ғзидан шундай саволни келтириб чиғаради: Юсуф Хос Ғожиб Рудакий асарлари билан таниш эдими?

Эндиликда Юсуф Хос Ғожибнинг форс-тожик адабиёти билан пухта таниш эканлиги яхши маълум.<sup>4</sup> «ҚутадҒу билиг»нинг Ғзида бунга айрим ишораларни кҒрамиз. Юсуф:

Арабча, тажикча китаблар Ғкуш,  
Бизнинг тилимизча бу юмҒи уқуш,-  
Арабча, тожикча бундай китоблар талайдир,  
Бизнинг тилимизда эса бу жамланган заковатдир,-

дер экан, бу шоирнинг араб ва форс-тожик адабиётидан яхши хабардорлигини англатувчи ҳодиса сифатида ғабул этилмоҒи лозим.

Шоирнинг, айниҒса, «Шоҳнома» билан пухта танишлиги икки Ғринда аниғроғ кҒринади»: прозаик муғаддимада «ЭранлиҒлар «Шаҳномаи туркий» тедилар» деган жумлани Ғғиймиз. Бу фикр шеърий муғаддимада ҳам ғайтарилади;

ЭранлиҒлар Шаҳнома тер мунгар,  
ТуранлиҒлар «ҚутадҒу билиг» теб уғар.

<sup>3</sup> Бу хил қасидалар XI-XII асрлар форс-тожик адабиётда ҳам кенг қўллаган эди. Қаранг: А. Абдуллоев. Қасоиди Ғофиз,- Жашинномаи Ғофиз. Душанбе, «Дониш»,. 1971 .саҳ. 65.

<sup>4</sup> Бу мақда қаранг: А.А.Валитова Юсуф Баласагунский и его «Қутадгу билиг»- // КСИВ, М. 1952, С 61.

Эронликлар буни «Шохнома» дейдилар,

Туронликлар «ҚутадҒу билиг» деб англайдилар.

Бошға бир Ҳринда эса тожик донишмандларининг ҳикматли сҲзларига ишора ғилувчи ғуйидаги байт кҲзга ташланади;

Неку тер, эшитгил, тажик билгаси,

Тажик билгаларин жавиғар ғуси.

Тожик донишманди нима дейди, эшитгил,

Тожик донишмандларининг овозаси таралади.

Шунингдек, ғуйидаги мисралар ҳам Юсуф Хос Ҳожибнинг форс-тожик адабиёти билан яхши танишлигидан гувоҳлик беради;

Тажиклар аюр ани Афрасияб,

Бу Афрасияб Ҳтти эллар талаб.

Тожиклар уни Афросиёб деб атайдилар,

Бу Афросиёб элларни Ҳз тасарруфига олиб тутди.

Тажиклар битигда битимиш муни,

Битигда йҲғ эрса ким уғҒай ани

Тожиклар уни китобда ёзиб ғолдирганлар,

Китобда бҲлмаса уни ким биларди.

Бу фактлар Юсуф Хос Ҳожиб форс-тожик адабиётининг XI асргача яратилган маданий мероси билан пухта ва мукамал таниш бҲлган деб хулоса чиғаришга ундаб туради. Булар шоирнинг Рудакий ижодидан беҳабар бҲлмаган деган тахмин ғилишга асос беради.

Маълумки, Рудакийнинг қарилик ҳақидаги машҳур қасидаси мавжуд. Ана шу мавзуда Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ниҳоятда гўзал бир қасида яратган. Ҳар икки шоир ғасидаларининг матла ва мағталарини келтирамиз.

Рудакий:

Тишим бари тҲкилиб кетди, дури Ғалтон эди,

Уларни тиш дема, балки чароҒи тобон эди.....

Замона айнади, мен ҳам тамоман Ҳзгардим,

Асомни ғҲлға бер энди, у бошға даврон эди<sup>5</sup>.

Юсуф Хос Ҳожиб:

Юриғли булиттек йигитликни идтим,

Туби ел кечартег тириглик тугаттим.....

Сен – ҲҒсен язуғ ярлиғаҒли идим бир,

Суюрға мени сен, язуғим унуттим.

Кезувчи булутдек йигитликни кетказдим,

Ўткинчи бҲрон, елдек тирикликни тугатдим.....

Гуноҳларни кечирувчи яғони эгам фағат сендирсан,

Сен менга марҳамат ғил, гуноҳларимни унутдим.

Икки адиб ғасидаларида бир ғатор умумийликни кҲриш мумкин:

1. Рудакийнинг ҳам, Юсуфнинг ҳам ғарилик ҳағидаги ғасидалари шаклий жиҳатдан насибга эга эмас. Улар тҲҒридан-тҲҒри асосий ғисмдан бошланади.
2. Ҳар икки ғасида ҳам мавзу жиҳатдан ғасидаи ҳолия бҲлиб, Ҳз замони, даври ва ижтимоий-шахсий ҳаёт шароитидан шикоят мотивида ёзилган.
3. Уларнинг иккисида ҳам ғарилик Ҳтиб кетган давр билан ғиёсланади.
4. Қасидаларнинг иккиси ҳам автобиографик характерга эга.

Айтиш керакки, ҳар икки адиб ғасидаларидаги бу яғинликлар X-XI асрлар ғасидачилигидаги умумий ғонуниятлар натижасида юзага келган бҲлиши ҳам мумкин. Улар орасида жиддий айирмалар ҳам кҲпроғ шу фикрни ғувватлайди;

1. Рудакий ғасидаси 34, Юсуф Хос Ҳожибники эса 44 байтдан иборат.
2. Рудакий ғасидасида таҳаллус ғҲллангани ҳолда, Юсуф ғасида-ларида таҳаллус ғҲйилмаган.
3. Қасидалар вазн, ғофия ва бадиий тасвир принципларига кҲра ҳам Ҳзаро фарғланади;

а) Рудакий ғасидаси арузнинг ҳазаж баҳрида, Юсуф Хос Ҳожибники эса мутағорибда ёзилган.

---

<sup>5</sup> Рудакий. Нашрга тайёрловчи Ш.Шомуамедов. Т.: 1957. 31-33-бетлар

б) Рудакий ғасидасидаги ғофиялар радиф билан ғҲлланган, Юсуф эса уларни радифсиз ишлатади.

4. Рудакий ғасидасида ишғий-интим кайфият етакчилик ғилади, йигитлик даври «махбуба» орғали эсланади холос. Юсуф Хос Ҳожиб ғасидаси эса ижтимоий-фалсафий йҲналишга эга.

5. Қасидалар олдиға ғҲйилган мағсад уларнинг бадий хусусият-лариға ҳам таъсирини кҲрсатган. Рудакийда изоҳлаш асосий Ҳрин тутуди, Юсуф Хос Ҳожибда эса тарихий-афсонавий ғаҳрамонларға мурожаат ғилиш (талмех), ғарши ғҲйиш усулларидан (бу усуллар бутун асар учун ҳам хос бҲлган хусусиятлардандир) фойдаланиш кучли.

Юсуф Хос Ҳожибнинг бу ғасидаси автобиографик ғобиғда ифодаланган бҲлса-да, унинг асосий моҳиятини фалсафий йҲналиш ташкил этади. Худди шу Ҳринда араб ва форс-тожик адибларининг фалсафий ғарашлари таъсирини кҲриш мумкин. Бу таъсир кҲпроғ ғасидаларнинг дидактик йҲналаши билан белгиланади.

Юсуф дидактикаси, бир томондан, миллий анъана заминида юзаға келган бҲлса, иккинчи томондан, ғҲшни халғлар, айниғса, форс-тожик адабиётига таянади. Бироғ, у Ҳзининг дидактик ғасида-ларида Ҳз салафларининг гуманистик Ғоя ва фикрларини оддийгина давом эттирмасдан, уларни янада ривожлантирди ва чуғурлаштирди. Юсуфнинг бу соҳадаги буюк хизмати ҳам мана шундадир. Ўз даври учун илҒор ҳисобланган ижтимоий норозилик, ахлоғий ва инсоний идеаллар, шунингдек, бошға кҲплаб илҒор мотивлар маълум даражада Юсуф Хос Ҳожиб ғасидаларида Ҳз ифодасини топган.

Юғоридаги ғасиданинг асосий мавзуи лирик ғаҳрамон, шоир-нинг Ҳз ҳаёт воғеаларини тасвирлаш билан алоқадор, шунингдек, унда ахлоғий масалалар кҲтарилган. Кейинги ҳолат Юсуф ғасида-ларининг Ҳзига хос хусусиятларидан бирини – уларнинг дидактик йҲналишини ҳам белгилайди.

Юсуф ғасидаларининг марказида шоирнинг Ҳзи донишманд инсон ғиёғасида гавдаланади, унинг лирик «мен»и ғасиданинг асосий мазмунини

белгилайди. Шоир лирик ғахрамонини «шоир ғалбининг ойнаси» дейиш мумкин.

Маълумки, лирикада барча воғеалар ва кечинмалар шоир шахсияти орғали ифодаланеди. Шоир образи лирик ғахрамон образига тенглаштирилади. Бироғ, лирик ғахрамон шоир шахсияти билан белгиланадиган алохида шахсина эмас, балки, дастлаб, тегишли давр кишисининг психология ва характерини акс эттирган ижтимоий шахс хамдир. Шунга кХра хам Юсуф ғасидаларида лирик ғахрамоннинг – Хз даври идеологияси билан боҒланган инсоннинг ички дунёси ва юксак туйҒулари ифодаланган. Юсуф ғасидаларидаги лирик ғахрамон адолатсизликдан ташвишда, ҳаётнинг нотўҒри ғурилганидан норози инсондир. Бу хусусиятлар, айниҒса, шоирнинг «Ўдлак артағини, дХстлар жафасини айтур» («Замона бузуғлигини, дХстлар жафосини айтади»)<sup>6</sup> деб сарлавҳа ғҒйилган ғасидада яғғолроғ кХринади;

Турайи, барайи, ажунуҒ кезайи,  
Вафалиг ким эркин, ажунда тилайи.  
Киши ғизлиғи бХлди ғандин тилагу,  
Тилаб булҒу эрсам, тилайи, булайи.  
ҚамуҒ арзу булдум, киши булмадим мен,  
Қали булсам арзун, юзингга бағайи.  
Вафа қаҳти бХлди, жафа тХлди дуня,  
Вафа кимда эрки, мен азрағ кулайи.  
Турайин, борайин, оламини кезайин,  
Вафоли ким экан оламда ғидирайин.  
Одам ғимматчилиги бошланди, (чин одамни) қаердан  
қидириш мумкин. Қидириб  
топадиган бХлсам, ғидирайин, кХрайин. Ғамма орзу(лар)ни  
топдим, чин одамни топмадим мен, Агарда топсам орзу (ҳавас)

<sup>6</sup> Юсуф Хос Ғожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим), транскрипция ва мוזирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. - Тошкент: Фан, 1971. 940-946-бетлар.

билан юзига боғайин, Вафо ғаҳат бҲлди, дунё жафо билан  
тҲлди, Вафо кимда экан, мен озроғ сҲрайин.

Юғорида шоир ғасидаларидаги асосий Ғоя мазмун Ҳз давридан, «бевафо дҲст-ёрлар»дан шикоят тарзида ифодаланганини кҲрдик. Бироғ, унинг ижоди ички ғарама-ғаршиликлардан ва маълум чекинишлардан холи эмас. Юсуф Ҳз даврининг фарзанди эди. Унинг ижодидаги зиддият ва чекланганлик Ҳзи замондош бҲлган ижтимоий тузумдаги тартибсизлик ва бошбошдоғликнинг акс этишидир.

Юсуф ғасидалари Ҳзининг чуғур мазмуни билангина эмас, балки етук поэтик шакли билан ҳам ажралиб туради. Шоир ғасидаларидаги ҳар бир байт Ҳзининг маълум бир функцияси билан ғасида композициясида алоҳида, муҳим Ҳрин тутади. Масалан, «Йигитликка ачиниб, ғарилик ҳағида айтади» ғасидасида шоир дастлабки байт – «матлаъ»да йигитлик айёмининг Ҳтиб кетганлигини ғайд ғилар экан, навбатдаги байтларда бу фикр Ҳзининг поэтик ривожини топади, энди унга афсус, надомат, ғайҒу оҳанглари сингдирилади, 9-байтдан бошлаб эса йигитлик билан ғарилик Ҳзаро ғиёсланади. Навбатдаги тҲрт байтнинг барчасида ҳам бу икки давр ғиёсланса-да, улар шу байтлар силсиласида алоҳида жозиба касб этади, уларда йигитлик ва кексаликнинг Ҳзига хос янги ғирралари жуда маҳорат билан очиб берилади.

Бунга ишонч ҳосил ғилиш учун, йигитлик ва ғариликка доир Ҳҳшатиш ва сифатлашларни кҲздан кечиришнинг Ҳзиёғ кифоя. Шоир йигитлик ҳағида гапирар экан, уни кезувчи булутга, йигитликдаги юзни арҒувонга, бошдаги сочларни ифорга, ғоматни эса ғайин ва ҲҒға ташбиҳ беради. Йигитликни «тириглик татҒи», «ғамуҒ кҲрк», «севуг жон севунчи» деб атади. Қарилик тасвирида эса сочларни кофурга, умрнинг Ҳтганини хазонга, ғоматни эса ёйга Ҳҳшатилганини кҲриш мумкин. Қасидалардаги Ҳҳшатишлар лирик ғаҳрамон хусусиятларини, унинг руҳий кечинмалари – Ҳй ва ҳисларини жуда аниғ, айна пайтда таъсирчан ифодалашда муҳим функцияни бажарган. Шоир йигитликнинг беҳуда Ҳтганлиги ҳағида ёзаркан, Ҳҳшатишлардан мана шу ҳолатни тасвирлаш учун усталик билан фойдаланади.

Эсиркаб ачирман сенга эй йигитлик,  
ҚамуҒ кХркуми сен йираттинг, йираттим.  
Тамам арҒувантег ғизил менгзим эрди,  
Бу кун заъфарон урҒин энгда тариттим.  
ЙипарсиҒ ғара башға кафур эшудум,  
ТХлунтег талу юз ғаюға элаттим.

Йаруғ йазтег эрдим туман ту чечаклиг,  
Хазанму тушуттим, ғамуҒни ғуриттим.  
Қайинтег бХдум эрди ХҒтег кХни, туз,  
Ятег эгри бХлди, эгилдим, тХнгиттим.

Афсус чекиб ачинаман сенга, эй, йигитлик,  
Хамма кХркимни сен узоғлаштирдинг, узоғлаттим.  
Қизил юзим мутлоғ арҒувондек эди,  
Бу кун унга заъфарон уруҒини сепдим.  
Ипорли ғора бошга кофур (оғ) буркадим,  
ТХлин ойдек кулча юзни ғаёғға элтдим.  
Турли-туман гулга тХла ёраҒ баҳордек эдим,  
Хазон тХкдимми барчани ғуриттим.  
Қайиндек бХйим ХҒдек тХҒри, рост эди,  
(Энди) ёйдек эгри бХлди, эгилдим, мункайдим.

Қасида давомида Ххшатишлар юғори босғичга кХтарилади. Лирик ғахрамон энди Хзини турли тарихий ва афсонавий ғахрамонларга Ххшатади:

Тутайин я Кисра, я Қайсарча бХлдум,  
Я Шаддаду Аддек тағи учмағ эттим.  
Ажун бутру туттум Скандар тутарча,  
Тугал Нуҳ яшин мен яшадим, яшаттим.  
Ўзум Хайдар эрса яшинтег ғиличлиҒ,  
Я Рустамлаю мен ажунда жавиғтим.  
Я Иса бХлуб кХкка аҒдим тағи мен,  
Я Нушинравантег тХру туз йуриттим.

Я ганжим тугал бҲлди Қарун нанги-тег,

Я Асхаби Раъстег темур кенд тҲғиттим.

Тахмин ғилайин(ки), ё Хисравдек, ё Қайсардек бҲлдим,

Ё Шаддод ва Оддек яна жаннат (боҒи эрам) курдим.

Искандар ғҲлга киритгани каби бутун оламни

ғҲлга киритдим,

Нух ёшини тугал яшадим, ёш кечирдим.

Ўзим яшиндек ғиличли Ҳайдар бҲлдим,

Ёки мен Рустамдайин оламга донг таратдим.

Ё Исо бҲлиб мен яна осмонга кҲтарилдим,

Ё НҲширавондек одил сиёсат юритдим.

Ё Қорун молу дунёсидек ганжим тугал бҲлди,

Ё Асхаби Раъсдек темур шаҳар барпо ғилдим.

Қасида шу жанрга ғҲйиладиган анъанавий талаб – дуо билан тугайди:

Я рабб, ҲзҒуру бер мени, эй идим сен,

Сура идмаҒил, мен кҲнгулни ариттим.

Сен – Ҳғ сен язуғ ярлиғаҒли идим бир,

Суюрға мени сен, язуғим унуттим.

Ё рабб, хушёр тута бер, эй эгам, сен мени

(Четга) суриб, ташлаб ғҲйма, мен кҲнгилни покладим.

Гуноҳ(лар)ни кечиргувчи ягона эгам фағат сендирсан,

Сен менга марҳамат ғил, гуноҳларимни унутдим.

Шоирнинг маҳорати шундаки, у кекса шахс образини, унинг Ҳй ва хаёлларини инсоннинг ташғи кҲринишлари орғали очади. Йигитлик ва кексаликдаги зоҳирий белгилар шу даражада усталик билан танланганки, бу белгилар орғали шоир ғалбини ҳаяжонга келтираётган туйҒуларни тушуниш учун калит ҳам топилгандай бҲлади.

Дастлаб юз тасвири бериларкан, йигитлик даври учун ғизил ва кексалик даври учун заъфарон ранглари ажратилади. Худди шу тасвирда Шарғ

халғлари ғадимги анъаналарининг ёрғин таъсирини кХриш мумкин, чунки Шарғ халғлари адабиётида қизил юз ёшликнинг, гўзалликнинг, сариқ юз эса кексаликнинг, айни пайтда дард ва аламга, қайғу ва ғамга мубталоликнинг рамзидир.

Кейинги байтда икки давр бошдги сочлар орқали қиёсланади. навбатдаги байт эса бу икки даврни бутун кўлами билан тасвирлашга қаратилган. Шунга кўра шоир ўз мақсадини тўлиқроқ ифодалаш учун адабиётда ўзаро зид кўйиладиган икки фасилдан: йигитлик учун баҳор ва кексалик учун куздан фойдаланади. Парчанинг охирги байтида қад тасвири берилади. Бу ерда йигитликдаги қоматнинг тўғрилиги, тиклиги ўққа, кесайган чоғи эса ёйга нисбат берилади. Ўқ ва ёйнинг анъанавий образлардан эканлигини қайд қилишга алоҳида эҳтёж бўлмаса керак. Ҳар ҳолда биз бу образларни «Девону луғот ит-турк» саҳифаларида ҳам анча унумли истеъмолда эканлигини кузатишимиз мумкин.

Бу ерда кўриниб турганидай, шоирнинг асосий мақсади йигитлик ва қариликнинг зоҳирий белгиларни қайд қилиш эмас, албатта. Шоирнинг буюклиги шундаки, у мана шу ташқи белгиларга жуда катта ғоявий-бадий “юк” кўя билди. Юқорида айтганимиз сариқ юз лирик қаҳрамон қалбидаги ўта нозик туйғуларни: қаттиқ эзилиш, кучли изтироб, алам ва қайғуларга гирифторлигини англатса, охирги байтдаги ёй образи лирик қаҳрамоннинг машаққатли ҳаётига ишорадир.

Ҳар учала қасидани ҳам шу тарзда текшириб ундаги ҳар бир байтнинг юқоридагидай катта эмоционал кучга эга эканлигини- қасида композициясида ўзига хос ўрин тутишини яққол сезиш мумкин.

«КутадҒу билиг» қасидалари ҳақида фикр юритилганида асарнинг Бугроҳон мадҳига доир қисми ҳам диққатни тортади. Маснавий тарзида ёзилган бу парчада фақат қофияланиш усулларигина (а-а, б-б, в-в...) қасидадан фарқ қилади холос. Бошқа томонлар формал-поэтик жиҳатдан ҳам, мавзу доирасига кўра ҳам шу жанр талабларига жавоб бера олади. Шундай экан, бу ҳодисани қандай изоҳлаш керак?

Юсуф Хос Ҳожибнинг қасида жанри бобида етук санъаткорлардан эканлигини юқорида кўрдик. Шунга кўра, мазкур фактни биз шундай изоҳлашимиз мумкин:

Биринчидан, бу ҳодиса шу жанрнинг туркий тилли адабиётда шаклланиш ва ривожланишдаги ўзига хосликни, унинг қадимий илдизларидаги қонуниятларни кўрсатади.

Иккинчидан, бу ҳолат Юсуф Хос Ҳожиб ижодида мазкур жанрнинг поэтик шаклини ўзгартиришга бўлган уриниш деб баҳоланиши мумкин.

Шу ўринда бу ҳодисанинг форс-тожик адабиётида ҳам мавжудлигини эслаш ўринлидир. Жумладан, Носир Хисрав қасидаларининг кўпи маснавий тарзида ёзилгандир<sup>7</sup>. Кейинроқ, XVI асрида форс-тожик адабиётининг йирик намоёндаси Камолиддин Биноий ижодида ҳам бу ҳодисани қайд этишимиз мумкин<sup>8</sup>.

Умуман, мазкур парчани тўлиқ қасида дейиш мумкин. Унда анъанавий насиб ҳам бор. 58 байтли бу қасида шундай бошланади:

Туғардин эса келди ўнгдун эли

Ажун этгука ачти уштмах, йўли.

Шарқдан аввал баҳор насими эсиб келди,

Оламни безаш учун жаннат йўлини очти.

Қасидани композицион жиҳатдан қуйидаги бўлақларга ажратиш мумкин:

1. Баҳор тасвири (1-17 байтлар)
2. Буғраҳон мадҳи (18-45 байтлар)
3. Шоирнинг туҳфаси (46-50 байтлар)
4. Қасди мақсад – тилак-дуо (51-58 байтлар).

Мазкур қасиданинг композицион ва ғоявий- бадиий хусусиятларни ўрганиш шуни кўрсатадики, у форс-тожик адабиётида, хусусан, X-XI асрларда яратилган қасидаларга жуда яқин туради. Қасида насибида қушлар номини

<sup>7</sup> Қаранг: Насриддинов А. Тамоюлоти халқи дар назми асриҳои VI – XII. Душанбе, Дониш, 1970, с.167.

<sup>8</sup> Қаранг. Мирзоев А. Камал ад-Дин Бинаи. М.: Наука, 1976.С. 402.

келтириш, уларни санаш анъанавий характерга эга<sup>9</sup>. Бирок анъанага кўра кушларнинг умумий саноғи уч-тўрттадан ошмайди. Бу жихатдан Юсуф қасидаси улардан анча олдинда туради, чунки ундаги етти байтда(71-77) ўндан ортиқ кушларнинг номи тилга олинади:

71 Қаз, ўрдак, қуғу, қил қалиғлиғ туди,  
Қақилаю қайнар юқару қуди.

72 Кўкис турна кўкда унин янғқулар,  
Тизилмиш тетиртег учар, елгурар.

73 Уларқуш унин тузди, ундар эшин,  
Силиг қиз ўқиртег кўнгил бермишин.

74 Унин утти каклик, кулар қатғура,  
Қизил ағзи қантег, қаши қап-қара.

75 Қара чумғуқ, утти сута тумшуқи,  
Уни ўғлағу қиз унитег тақи.

76 Чечалиқдан санвач утар минг унин,  
Ўқир сури Ибри тунин ҳам кунин

77 Илик-кулмиз ўйнар чечаклар уза,  
Суғун-муйғақ ўйнар юрир таб кеза.

Ўоз, ўрдак, оққуш, қил қуйруқлар осмонни тўлдирди,  
(Улар) қағиллашиб юқори ва қуйини тўлдириб учмоқда.

Бирови учмоқда, кўргин, бири қўнмоқда,

---

<sup>9</sup> Бу мақда қаранг: Бертельс Е.Э. К вопросу о традиции в героическом эпосе тюркских народов.-// Советское

Бирови чопмоқда, кўргин, бири сув ичмоқда<sup>10</sup>.

Кўкиш турна кўкда овоз чиқариб сайрамоқда,  
Тизилган туя карвонидек учмоқда, қанот қоқмоқда.

Улар<sup>11</sup> овозини созлади, ўз эшини чақирмоқда,  
Гўё гўзал қиз ўз кўнгил берганини чорлагани каби.

Каклик ёқимли овоз билан сайради, қаҳ-қаҳлаб кулмоқда,  
(Унинг) қизил оғзи қон каби, қоши эса қоп-қорадир.

Қора зоғ тумшугини кўпиртириб қағиллади,  
(Унинг) овози дод солиб йилаётган (эрка) қиз овози  
кабидир.

Гулзорда булбул минг овоз билан сайрамоқда,  
Туну-кун (тинмасдан) сури ибри<sup>12</sup> чалмоқда.

Илик-кулмиз<sup>13</sup> чечаклар устида ўйнамоқда,  
Сиғин-муйғоқ<sup>14</sup> боғ кезиб ўйнамоқда.

Бу ерда анъанавий талаб билан Юсуф Хос Хожиб услубига хос бўлган хусусиятнинг табиий равишда омехталашиб кетганини таъкидлаш ўринлидир. Юсуф Хос Хожиб маснавий ва тўртликларида маълум бир “бадий объект” тасвирида шу объектни Юсуф Хос деталлаштириб тасвирлашга интилиш кучлилигини айтган эдик. Бу ерда ўн қуш ва ҳайвонларнинг кетма-кет саналиши ҳам биз “деталлаштириш” деб аталган усулнинг табиий оқибатидир

---

востоковедение. IV, М.-Л.: 1947, с.77.

<sup>10</sup> Бу байт Наманган нуссасида мавжуд эмас.

<sup>11</sup> Улар – тоғ куркасининг бир тури, Уларкуш.

<sup>12</sup> сури ибри – Иброний (Исрофил) сурнайи, кўч. хуш овоз.

<sup>13</sup> илик-кулмиз – эркак ва урғочи жайрон.

ёки бошқача қилиб айтганда, Юсуф Хос Ҳожиб шу ўринда ҳам, гарчи бу ерда анъанвий талабларга бўйсуниб шарт бўлса-да, ўзининг ёрқин услубини сақлаб қола билган.

Қасида насибидаги табиат тасвирининг берилиши ҳам анъанвий талаблар натижасидир<sup>15</sup>. Араб классик шеърятини тадқиқ қилган Б.Я.Шидфар қасида жанри ҳақида фикр юритиб шундай ёзган: ”Қадимги араб поэзиясида пейзаж ҳамда у билан бир бутунликни ташкил қилувчи ҳамда у билан бирга қасиданинг ўрта, марказий қисмининг таркибий бўлаги сифатида келувчи сахро ҳайвонот оламининг тасвири катта роль ўйнайди”<sup>16</sup>. Шунингдек, IX-X асрлар форс-тожик қасиданавислари ҳам қасидада табиат тасвирига алоҳида аҳамият беришган<sup>17</sup>.

Демак, Юсуф ўз қасидасида табиат тасвири ва қушларнинг номини келтириш билан бу анъанани туркий халқлар анъанаси билан омикталаштиради ҳам. Тасвирдаги реалистик лавҳаларнинг кучлилиги эса Юсуфнинг ўз салфларидан илгарилаб кетишини таъминлади.

Шоир Буғроҳон мадҳига ўтишдан олдин табиатни бор гўзаллиги, чиройи, таровати билан тасвирлайди. Унинг энг нафис, айна пайтда дилкаш томонларига диққатни тортади. Уларнинг кўтаринки руҳдаги тасвири Буғроҳон шахсиятини таърифлашга бўйсундирилади. Уларда шоирнинг бизни қуршаб турган турли ҳодиса ва предметларни кузатишдаги чуқур қобилияти ва зийраклиги ўз аксини топган. Бу ердаги табиат тасвири ва Буғроҳон мадҳининг бир-бирига боғлиқлиги масаласини Б.Я.Шидфарнинг араб қасидалари ҳақидаги қуйдаги фикри билан изоҳлаш, бизнингча, ўринли бўлади:

”Бир томондан, қутилмаганда бир сюжетдан бошқасига ўтиш тингловчига бўладиги эмоциональ таъсирни кучайтиради.

Бошқа томондан эса бу ўтиш, эҳтимол бу тамомила онгсиз тарзда юз берар, шоирда ҳам, тингловчида ҳам туғиловчи тасаввурнинг нозик ўйини

---

<sup>14</sup> сиғун-муйғак - эркак ва урғочи буғу

<sup>15</sup> Қаранг: Мирзоев А. Абу Абдулло Рудаки. Сталинобод, Нашриёти Давлатии Тожикистон, 1958, с.247.

<sup>16</sup> . Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (VI - VII вв.). - М.: Наука, 1974.

<sup>17</sup> Османов М.Н. Стиль персо-таджикской поэзии IX-X вв. М.: Наука, 1974. с.24.

асосида тайёрланади, шунга кўра у кўп ҳам кутилмаган эмасдир. Улар орасида сюжетларни яхлит бир бутунликка бирлаштирувчи етарлича яқин муносабат амал қилади”<sup>18</sup>.

Навбатдаги байтларда (18-45) Буғраҳон эзгу ва адолатли киши сифатида шарафланади. Унинг кўплаб ижобий хусусиятлари санаб ўтилади. Бирок булар Буғраҳонинг тарихий-конкрет шахс сифатидаги эмас, балки адабий қахрамон сифатидаги тасвирдир. Жанрга кўйиладиган асосий талаблардан бири ҳам шудир<sup>19</sup>. Бу ердаги тасвир восталарининг ҳаммаси мамдуҳ - Буғраҳонинг ақлу заковати, адлу кароматини таърифлашга бўйсундирилган. Бу хусусият араб, форс-тожик адабиётларидаги қасидаларда ҳам кучлидир<sup>20</sup>.

Мақтов объектидаги турли ижобий хислатларни идеал даражада бўрттириб тасвирлаш қадимги туркий ёдномаларда, хусусан, Ўрхун-Энасой ёдгорликларида, шунингдек, машҳур ”Девони луғот –ит турк”да ҳам асосий ўрин тутди.

Қахрамондаги ижобий хусусиятларни бўрттириб, идеаллаштириб тасвирлаш туркий халқлар эпоси учун ҳам хос хусусиятдир<sup>21</sup>.

Алоҳида тақидлаш лозимки, туркий адабиётдаги мадҳ ва мадҳгўйлик масаласи чуқур текширилган эмас. Шу жиҳатдан бўлса керак, мадҳ кўпинча шоир ижодининг салбий томони сифатида баҳоланади. Шунга кўра бу масалани алоҳида ва жиддий тадқиқ қилиш катта назарий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Мадҳ концепцияси Култигин ёдгорлигида, айниқса, бўртиб кўринади. У кўп жиҳатдан кейинчалик классик поэзияда кенг тарқалган қасидаи фахрияни эслатади. Аммо бу ерда гап матннинг

---

<sup>18</sup> Шидфар. Кўрсатилган асар. 32-бет.

<sup>19</sup> Қарангн: Шарифов Х. Функцияни марифатини қасида дар адабиёти точик.- В кн.: Ёдбуди устод Рудаки. - Душанбе: Дониш, 1978.

<sup>20</sup> <sup>18</sup> Шидфар. Кўрсатилган асар. 214-бет; Бертельс Е.Э. Кўрсатилган асар, 75-78-бетлар.

<sup>21</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М.: ОГИЗ, 1947. с.308.

шаклий хусусиятлари тўғрисида эмас, маъно томонлари хақида кетаётганлигини унутмаслик керак. Ёдгорликнинг қасидаи фахрияга яқинлашадиган томонлари, бизнингча, қўйдагилардан иборат:

1. Баённинг биринчи шахс - муаллиф тилидан олиб борилиши.
2. Воқеа-ходисалар ва айрим кечинмаларнинг бевосита сўзловчи (муаллиф)га алоқадорлиги.
3. Тасвирнинг кўтаринки рух билан суғорилганлиги.

Худди мана шу хусусиятлар «ҚутадҒу билиг»нинг Буғраҳон мадҳига доир қисмида ўзининг бутун тўлалиги билан намоён бўлади. Жумладан, Култигин ёдгорлигидаги қуйидаги парчада Буғраҳон шахсияти тасвирининг айрим қирраларига ўхшашликни кўриш мумкин:

18. Bil (g) a qagan armis
19. alp qagan armis.
20. Bujruqy jama buduni jama tuz armis.
21. alp armis arinc.
22. Baglari jama buduny jama tuz armis.
23. Any ucun ilig anca tutmus arinc.
24. Ilig tutup torug itmis.
25. Ozinca kargak bolmus<sup>22</sup>.

18. (Улар)доно ҳоқон экан,
19. Баходир ҳоқон экан.
20. Вазирлари ҳам донно(ва)
21. Ботир бўлган бўлиши керак.
22. Беклари ҳам, халқи ҳам тўғри экан.
23. Шунинг учун давлатни шу хиода тутган экан.
24. Давлатни тутиб, расм-русумни адо этган
25. ўзи шу тарзда (амал қилиб)вафот қилган.

Шунингдек, қадимги шеърятда мадҳ элементларининг борлигини Маҳмуд Қошғарий ҳам таъкидлайди. У қўшиқ терминини шеър, қасида, қўшиқ деб

изоҳлайди. Шу термин изоҳи учун келтирилган мисолида ҳам мадҳ элементи кузатилади:

Туркан қатун қутіна

Тегур мандин қўшуғ

Ајгил сізнін табуғчі

Отнур јангі табуғ.

«Малика шоҳ хотинига мендан мақтов, қасида (қўшиқ) еткур ва ходимингиз янги хизмат билан йўлланади деб айт»<sup>23</sup>.

Бу фактлар шуни кўрсатадики, туркий адабиёт айрим тадқиқот-чилар кўрсатганидай, форс- тожик ва араб адабиёти таъсирида ўзининг қадимги анъаналаридан бутунлай алоқани узгани йўқ. Масалан, Ф.Габриэли шундай ёзган эди: «... исломлаштирилган турклар бирданига тўлиқ шаклланган ва нафис икки мусулмон адабиётининг, айниқса форс адабиётининг таъсири остига тушиб қолди ҳамда араб ва форслардан фарқ қилган ҳолда ўз адабиётларидаги исломгача бўлган тарихдан тамомила узилиб қолди»<sup>24</sup>.

Албатта, бу фикр тамомила бир ёқламадир. XI асрнинг энг йирик намунаси бўлган «ҚутадҒу билиг»нинг ўзидагина қадимги туркий адабиётнинг кучли анъанаси мавжуд ва бу анъана таъсири яққол сезилиб туради. Буни юқорида келтирган фактларимиз ҳам тасдиқлайди. Бунга қўшимча қилиб туркий адабиётнинг йирик мутахасиси Куприлзоданинг қуйидаги фикрни ҳам келтириш мумкин.

«Яна Эрон маснавийларина тақлидан китобда Буғраҳон ҳақида мухталиф мулкаларнинг бирор шахс ҳолинда жонландираларак ўртая чиқарилмаси, керак мажозат ва истиоратдаги содалик ва хусусият Эрон адабиётида ҳеч мавжуд ўлмаян бир ишдир. Бу жиҳатларда қисман Чин таъсири ва қисман халқ адабиётиндан (таъкид бизники-Т.Б.) қолан боқиялар даҳо қутла кўза чорпиюр.

<sup>22</sup> Стеблева И.В. Поэзия тюрков VI-VIII веков. М.: Наука, 1965. с.74-75.

<sup>23</sup> Маҷмуд Қошғарий. Девону луғот ит-турк. I жилд. 357-бет. Э.Рустамов ҳам «қўшиқ»нинг мадҳия, қасида маъносида қўлланганини таъкидлаб, «Девону луғот ит-турк»дан бир неча мисол келтирган.

<sup>24</sup> Габриэли Ф. Основные тенденции развития в литературах ислама.- В кн.: Арабская средневековая культура и литература. Сб. статей зарубежных ученых. - М.: Наука, 1978. с.28.

Буғрохон ҳақиндаги қасида ажам намуналариндан зиёда эски халқ адабиёти маҳсулларина даҳо яқиндур»<sup>25</sup>.

Шундай қилиб, Юсуф Хос Ҳожиб туркий тилли халқлар адабиёти тарихида форс, араб, шунингдек, туркий тилли халқлар маданияти билан алоқада бўлган шоирларнинг энг биринчиларидан эди. Уч халқ анъаналари билан мустаҳкам, табиий алоқадорлик унга ўз шеъриятида узига хос синтезни амалга ошириш учун қўл келди. Умуман, шоир:

Араб-форс адабиётида қонунлашган қасида жанрининг туркий моделини яратди. Юсуф Хос Ҳожибнинг буюк хизматларидан бири ҳам шундаки, у бу жанрнинг туркий адабиётдаги дастлабки, аммо етук намуналарини ярата олди.

Шоир қасидалари орқали жуда нозик дидли, юксак инсоний туйғулар-гуманизм, эркпарварликни куйловчи ажойиб лирика устаси эканлигини намоён эта олди.

Қасидалар шоирнинг фақат мазкур жанр устасигина эмас, балки унинг кашфиётчиликка бўлган буюк уриниши ва унинг бу соҳадаги катта ютуқларини ҳам кўрсатади.

Хуллас, «ҚутадҒу билиг» даги жанрлар тизимининг мавжуд ҳолати ҳақидаги кузатишлар қуйидаги хулосаларни беради:

XI аср туркий тилдаги ёзма адабиётнинг йирик намунаси бўлмиш «ҚутадҒу билиг» жанрлар тизимига кўра анча мураккаб асардир. Ундаги жанрлар тизимининг умумий ҳолати XI асрдаги туркий ёзма адабиётда жанрлараро «табақаланиш» анча жадаллашганини, бу жараён «ҚутадҒу билиг»дагина ёрқин тус олганини кўрсатади.

«ҚутадҒу билиг»даги мавжуд жанрларнинг илдизи жуда «шаҳобчали»дир. Уларда бир томондан миллий анъана (ҳам огзаки, ҳам ёзма), иккинчи томондан, бошқа халқлар адабиётининг (асосан форс-тожик, шунингдек араб в.б.) таъсири кўринади. Тўртлик жанрининг шаклланиши ва ривожини миллий анъана билан боғлиқ бўлса, маснавий ва қасидаларда (уларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятларида, шунингдек тасвир принципларида) кўпроқ форс-тожик

<sup>25</sup> Купрулизода М.Ф. Турк адабиётинда илк мутасаввуфлар...27-бет.

адабиётининг роли кўринади. Бинобарин, «ҚутадҒу билиг» ана шу икки анъананинг жуда мураккаб қонуниятларини ўзида мужассамлаштирган асар деб айтиш мумкин. Демак, «ҚутадҒу билиг» худди мана шу йўналишларнинг ўзаро бириккан жойида майдонга келди.

«ҚутадҒу билиг» туркий тилдаги адабиётнинг кейинги босқичларида мустақиллик касб этган кўпгина жанрларнинг шаклланиш жараёнида алоҳида ва муҳим босқич бўлди. Айниқса, маснавий, қасида, тўртликлар «ҚутадҒу билиг»данок мустақиллик даъвосини қўя олади. Мунозара, туюқ, рубоий каби жанрларнинг туркий ёзма адабиётдаги ривожига ҳам худди мана шу «ҚутадҒу билиг» дан бошланадики, буларнинг ҳаммаси асарнинг туркий халқлар адабиёти тарихида қанчалик катта роль ўйнаганлигига жиддий далилдир.

## **II-БОБ**

### **«Қутадғу билиг»нинг вазни масаласига доир**

Араб, форс-тожик ва туркий халқлар назмида арузнинг пайдо бўлиши ва унинг кейинги тақдирига доир турли мунозаралар адабиётшунос олимлар ўртасида кўпдан бўён давом этади.

Гарчи ўрта асрларда араб поэзиясида арузнинг пайдо бўлиши ва маълум тарихий сабабларга кўра унинг кенгроқ, ёйилиб, араб бўлмаган халқлар (форс, тожик, ўзбек, озар, уйғур, туркман ва б.) шеърлятида катта нуфузга эга бўлиши ўша давр арузшунослари томонидан махсус рисоаларда баён этилган бўлса ҳам, уларнинг барчаси деярли бир анъана асосида яратилиб, кўпроқ тавсифий характерга эга.

Арузга танкидий нуқтаи назардан ёндошиб, унинг «кийин тушуниш» сабабларини изохлашга интилиш адабиётшуносликда кейинги даврларда юзага келди ва аруз янги давр адабиётшунослик илми нуқтаи назаридан баҳолана бошлади.

Мазкур ишларда асосий эътибор арузнинг вазн сифатидаги моҳиятига алоҳида эътибор берилади. Уларнинг айримларида эса туркий арузнинг хусусиятлари кўрсатилади. Шунга қарамай туркий арузнинг пайдо бўлиши, унинг такомилли ва ўзига хос хусусиятлари чуқур илмийликка асосланган махсус кузатишни талаб қилмоқда. Бу жиҳатдан қадимги ёзма ёдгорликларни пухта ўрганиш жиддий хулосалар чиқаришда муҳим ўрин тутди. XI аср ёзма адабиётининг энг муаззам ва ҳозирги ягона обидаси бўлмиш «Қутадғу билиг» вазнини ўрганиш бу соҳада жиддий қадам бўлиши мумкин.

«Қутадғу билиг» арузнинг мутақориб баҳрида ёзилган. Аммо асарнинг ўрганган кўпгина олимлар унинг вазнига турлича қарашди. Уларнинг баъзилари асар бармоқ вазнида, айримлари арузда дейишади, яна баъзилари борки, улар асарнинг аруз вазнида ёзилганлигини этироф этсалар ҳам, асар муаллифи «вазнда айрим камчиликларга йўл қўйилган» деб ҳисоблайдилар.

Қаюм Каримов жуда тўғри кўрсатганидай, «Қутадғу билиг»нинг «Девони луғат ит-турк» билан бир даврда яратилгани ва ундаги мисраларнинг «Девони луғат ит-турк»да келтирилган шеърларга ўхшаш II бўғинли бўлиши

айрим тадқиқотчиларнинг ана шундай янглиш фикрларга келишига сабаб бўлган.

Асарда шундай парчалар учрайдики, у арузнинг ҳам, бармоқнинг ҳам талабларига баб-баравар жавоб бера олади. Шундай парчалардан айримларини келтирамиз:

66. Қуримиш / йиғачлар / туланди / яшил,  
Безанди / япун, ал /, сарик кўк, / қизил.

Япроғини тўккан дарахтлар (яна) яшил кийинди,  
Ол, сарик, кўк, қизил ранг билан безанди.

96 Қаюси / Тўғардин / тутар минг / тануқ,  
Қаюси / Батардин / тапуғчи / ануқ.

Баъзилари Шарқдан минг-минг ҳадялар тутмоқда,  
Баъзилари Ғарбдан (келиб) холис хизматда турмоқда.

1170 Эшитти / ўғул, кўр, / атаси / сўзин,  
Тил ачти / атака, / эвурди / юзин.

Ўғул отасининг сўзини эшитди, кўр,  
Сўзга тил очди, отаси томонга юз ўгирди.

2089 Исинур / эт, эр тарк/ бағирсақ, / бўлур,  
Бағирсақ / кишилар/ тапуғсақ,/ бўлур.

Унга баданнинг (яъни кишиларнинг) муҳаббати ортади, сўнг эса кишилар унга садоқатли бўлади. Садоқатли кишилар эса хизматга шай бўлади.

Тарифчи / турур, кўр, / тақи бир / қуту,  
Кераклиг / кишилар / турар бу / буту.

Тағин бир тоифаси деконлардир,  
Булар мутлақо керакли кишилардир.

Келтирилган мисолларнинг барчаси ҳам аруз, ҳам бармоқ вазнига ҳеч кейинчиликсиз татбиқ этилиши мумкин. Улар арузнинг фаувлун, фаувлун, фаувлун, фаувл (мутақориб), бармоқнинг эса 3-3-3-2 = ёки 6-5=11 вазнига мос келаверади.

Асарда булардан ташқари 11 бўғинли бармоқнинг бошқа ўринишларига ҳам мос кела оладиган парчалар кўплаб учрайди:

453 Йузи / кўрклиг эрди, / кўруб кўз / қамар,  
Сўзи / юмшоқ / эрди, /тили туз / тамар. <sup>2-2-2-3-2</sup>

Юзи (шу даражада) кўркли эди(ки), кўриб кўз қамашарди,  
Сўз(лар)и юмшоқ эди, тилидан ҳақиқат ёғарди.

1367 Неча (қачса) ахир (ўлим) тутғуси, <sup>2-2-2-2-3</sup>  
Неча (қалса) ахир (ўлим) етгуси.

(Киши) қанча қочмасин, ўлим охир тутади,  
(У) қанчалик (ўлмай) қолмасин, ўлим охир етади.

2595. Яна нарду (шатранж) билур) эрса қаз, <sup>4-2-2-3</sup>  
Ҳарифлари (андин) ўлар) эрса қаз.

Яна нард ва шатранжни яхши биладиган бўлса,  
Рақиблари ундан жуда букилса (мот қолса).

3550 Анингда нуруки (тириглик) баса <sup>6-3-2</sup>

Тиригликка бутма (сўз айдим) кеса

Ундан бўлак тирикликни асло

Тириклик (деб) ишонма, кесиб сўз айтдим.

«Қутадғу билиг»дан бундай намуналарни кўплаб келтириш мумкин, татар олими Хатиб Усмонов шундай ҳолатларнинг кўплигига таяниб «Қутадғу билиг» кўп ўлчамли асар деган хулосага келган эди.

Демак, тадқиқотчилар ўртасида юзага келган карама-қарши фикрлар асар вази табиатини етарли ўрганмаслик натижасидир.

Аслида асар арузнинг мутақориб баҳрида ёзилган. Қуйидаги байтларни кўрайлик:

2547 Су башчи туза турса йўртуғ қурин,

Иригларни йиғса, етурса сўнгин.

Лашкар боши соқчи сафларини тузиб тартиб берса,

Абжирларни йиғса, (соқчи саф) сўнгидан етказса

3934 Якут берди Ўгдулмиш, айти: тугал

Кўни сўзладинг сўз, ая эзгу фал.

Жавоб берди Ўгдулмиш, айтиди: Тугал

Сўзни тўғри сўзладинг, эй эзгу фол ( яъни башорат қилувчи ).

4884 Янут берди Ўзғурмиш , айти: бу сўз

Уқушқа яқин ул, ая кўнгли туз

Жавоб берди Ўзғурмиш, айтиди: бу сўз(лар)

Заковатга яқиндир, эй кўнгли тўғри.

Мана шу келтирилган байтларнинг ҳеч қайсисини бармоқнинг бирор ўлчовига солиш мумкинмикан? Албатта, йўқ, демак, «Қутадғу билиг»ни

Бармоқ вазнида деган тадқиқотчилар тамомила ноҳақдирлар.

Шу ўринда яна бир нарсани эсда тутиш лозимга ўхшайди. Асар вазни ҳақида мулоҳаза юритган Кўприлизода шундай ёзади: «Вазн масаласина галанда бу манзума баъзи Оврупа мунаққидларининг янглиш иддиоларина рағман ҳижойий бир вазнла дугул, дўғрудан дўғруя «Шоҳнома» вазнила ёзилмиш ва Эроннинг бутун бу қабил асарларида ўлдуғи киби, маснавий шакли ихтиёр эдилмишдур. У замонаки туркча кенди бунясина ёбонжи ўлан аруз вазнида табиий бирдан бирга имтизож идмаяжаги учун назм чўқ сақт ва кусурлидур ва ишта бир чўқларнинг уни ҳижо вазнила ёзилмиш ад итмаларининг башлича сабаблариндин бирида будур... фақат билхосса «вазнда» Эрон адабиётининг қутли таъсири кендини кўрсатмоқдадур » .

Кўприлизода бу билан «Қутадғу билиг»ни ҳижо вазнида ёзилган деювчиларга қарши турган ва бунинг сабабини ҳам, бизнингча, тўғри кўрсатиб берган.

Бу ерда энг аввало назарий жиҳатдан ҳалигача чалкашлик туғдираётган бир ҳодисага тўхтаб ўтиш жоиздир. Маълумки, кўпгина адабиётшунослар арузнинг туркий тилда пайдо бўлишини тамомила араб ҳамда форс-тожик шеърятти билан боғлашади.

Масалага бундай ёндашиш ўзини тўла оқламайди, чунки «Қадимги Ўрхун Енисей ёдгорликларини (Ү-ҮШ асрлар), Махмуд Қошғарийнинг «Девон»ида (XI аср) мавжуд бўлган мақол ва қўшиқларни, нисбатан кейинроқ қайд этилган қозоқ, татар, чуваш ва бошқа туркий тилли халқлар топишмоқлари, мақол ва қўшиқларини кўриб чиқилишида ҳар икки итмик типлар (аруз ва бармоқ)нинг барча энг муҳим хусусиятларини бирлаштирадиган матинларнинг жуда кўплаб намуналарига дуч келамиз».

Аруз ва бармоқдаги «энг муҳим хусусиятларнинг» бир шеърда синкретик ҳолда кўриниши арузнинг туркий тил заминида қадимдан ички имконият сифатида мавжудлигини кўрсатади. Туркий шеърият тараққиётининг дастлабки босқичида бу ички имконият реалликка айлана олмай келган, улар бир-биридан ажратилмаган, асрлар давомида эса икки шеърий тизим юзага келган. Худди шу ўринда араб ва форс-тожик адабиёти, уларни поэзияси, бу жараёнга катализаторлик ролини ўйнаган, яъни икки шеърий тизимнинг ажралиб чиқиш жараёнини тезлаштирган. Бизнингча, вазн масаласида араб ва форс-тожик адабиётининг таъсири деганда худди шу нарсани тушуниш керак.

Зеро, «ҳар қандай таъсир тарихан қонуний ва ижтимоий сабабига эга бўлади: унинг мумкин бўлиши учун катта ёки кичик ўхшаш ва муайян шаклга тушган йўналишлар (ғоя ва кайфият, мавзу ва образлар) шу мамлакатда, шу ижтимоий синф идеологларида мавжуд бўлиши керак. А.Н. Веселовский ижтимоий тафаккурнинг ўхшаш тараққиёти оқибати натижасида юзага келган бундай ҳолатларда «Рўпара келувчи оқим» (встречное течение) ҳақида гапирган эди. Ўзлаштириш, - А.Н.Веселовский тўғри таъкидлаганидай,-қабул қилувчидан бўш ерни эмас, дуч келувчи оқим, тафаккурнинг ўзаро яқин йўналишини, фантазиянинг ўхшаш образларини тақозо этади. Шундай қилиб «ўзлаштириш» (яъни ўзаро таъсир - Т.Б) назарияси «асос» ва аксинча назарияни туғдиради».

Шунингдек, атамалар борасида ҳам турк адабиёти юқоридаги адабиётларга мурожаат этган. Эҳтимол, туркий шеърият атамаларининг арабча номлар билан юритилиш ҳам тадқиқотчиларнинг бор оз чалкашликка бошлагандир. Бу ҳақда Х.Усмонов бизнингча, тўлиғича ҳақлидир: «Туркий шеъриятнинг ўзаро муштарак қурилиши аста-секин ва узлуксиз шаклланди ҳамда асрлар давомида, эҳтимолки, минглаб йиллар давомида ажпалмас синкретик бутунликда яшаб келди. Туркий шеърият қурилишини назарий жаҳатдан асослаш эҳтиёжи туғилганида эса турк филологилари, табиийки, аллақачон ишлаб чиқилган араб шеърияти назариясига мурожаат қилдилар. Бу

йўналишдаги биринчи қадамни туркий назмни араб оҳанглирида тадқиқ қилган Алишер Навоий қўйди. Кейинроқ Навоий тажрибасига бошқа ғоялар ҳам қўшилди. Энди туркий аруз умуман араб схемалари асосида вужудга келганлиги ҳақида гапира бошладилар. Бу эса туркий арузнинг халқона манбаларини аниқлашга қаратилган тадқиқ этиш фикри йўлини кўп асрлар мобайнида ҳеч бир тешик-туйнук қолдирмай беркитиб қўйди».

Қадимда, аниқроғи «Қутадғу билиг»дан олдин туркий аруз намуналари бор эдими? Албатта бўлган. Бунга Х.Усмоновнинг юқоридаги фикрларидан ташқари қуйидагилар ҳам далил бўла олади: 1) «Қутадғу билиг» сингари арузнинг мураккаб талабларига мукамал тарзда жавоб бера оладиган асарнинг маълум бир адабий анаънаси юзага келиши мутлақо мумкин бўлмаган ҳолдир. 2) Бизга маълум бўлган «Девону луғот-ит турк» туркий халқлар оғзаки ижодининг энг қадимги намуналарини ўзида жамлаган ёдгорликдир. Унда шундай парчалар учрайдики, бу парчалар бармоқ талабларига қай даражада жавоб берса, аруз талабларига ҳам шу даражада жавоб бера олади. 3) Шунингдек, туркий халқлар оғзаки ижода намуналарида ҳам бу хил шеърлар кўплаб топилади:

2 2 2 2 2

Арпа эктим дари чиқти – шиннанай,

2 2 2 2 2

Бир қиз алдим, қари чиқти - шиннанай.

- у - - у у - у у у -

Ани субуг баралим

4 3

Ул суб қуди бардимиз

4 3

Тун қатдимиз, Булчуқа

Танг унтуру тагдимиз.

- - у - - у -

Мутақориб арузнинг кенг истеъмол қилинадиган баҳрларидан биридир. Анъанага кўра бу баҳрда қаҳрамонлик ва жангнома асарлари битилган.

Шарқнинг жаҳонга машҳур бўлган асарлари «Шоҳнома» (Фирдавсий), «Искандарнома» (Низомий), «Ойнаи Искандарий» (Амир Хислав Дехлавий), «Хирадномаи Искандарий» (А. Жомий), «Садди Искандарий» (А.Навоий) ҳам шу вазнда ёзилган.

Мутақорибнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат ва у «Қутадғу билиг»да қандай акс этган?

Мутақориб баҳрининг солим руқни бир қисқа ва ундан сўнг келган икки чўзиқ (у - - ) бўғиннинг такроридан ҳосил бўлади. Руқндаги баъзи бўғинларнинг тушиб қолиши ёки руқнинг такрорланиш миқдорига кўра мутақорибнинг бир неча шакли юзага кела олади. А.Рустамов унинг 12 турини кўрсатган Бобирда эса унинг 39 хилига мисоллар келтирилган.

Руқлар байт давомида 4, 6, 8 марта қўллаган бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ вазн номидан сўнг мураббаъ, мусаддас ёки мусамман каби сўзлардан бири қўшилади. «Қутадғу билиг»да руқн (у - -) саккиз марта такрорланган, шунинг учун у мутақориб мусамман дейилади. Асарда мутақорибнинг уч кўринишидан: солим, маҳфуз, мақсур турларидан фойдаланилган. Бу кўринишлардан кейинги иккитаси, кўпинча, бир байтнинг ўзида ҳам ёндош кела олади:

5200 Бу дин дуня бирла бирикмаки сарб,

у - - у - - у - - у -

Қавушмас экигун муни билса таб.

У - - у - - у - - у -

Бу дин дунё билан қарор топиб бирикади,  
Иккаласи қовушмайди, буни етарли билиш керак.

Шунингдек, мутақорибнинг солим кўриниши мусаббағ билан ҳам кела олиши мумкинлигини Юсуф тажрибасида кўзатамиз:

6360 Йўқ эрса аю берсу ўнгди тўру, қилик,

У - - у - - у - - у - -

Тузун тўрка кечсу, ўтунуғ сурайи

У - - у - - у - - у - -

Бўлмаса одат, қоида- қонун, феъл-атвор (қандай  
бўлишини) айтиб берсин(лар),

Яхшилар тўрга чиқсинлар, тубанларни суриб чиқарайин.

Кўринадики, зиҳофлардан айримлари ўзаро, айримлари эса солим вазнлар билан ёндош кела олади. Бу ҳол вазни «бузмайдими»? Умуман буни қандай изоҳлаш керак?

Солим рукн (фаувлун)да уч бўғин, унинг ҳазфида (Маҳфузда, яъни фаулда), 2 бўғин бор, демак, бир байтнинг ўзида биринчи мисрани солим, кейингисини маҳфуз (ёки аксинча)қилиш вазннинг бузилишига олиб келади. Шунга кўра улар ўзаро ёндош келтирилмайди. Мақсурда-чи? Мақсурда ҳам бўғин ўзгаради, яъни фаувлундан фаувл қолади, аммо бу маҳфуз рукндаги (фаъл) бўғинлар билан тенгдир. Мақсур рукннинг охириги бўғини нисбатан чўзиқ бўлади, лекин бу ўта чўзиқлик одатдаги ўзиқликдан бир озгина фарқ қилганлиги учун талаффузда сезилмас даражада бўлади. Шунинг учун ҳам у маҳзуф билан ёнма-ён қўлланаверади.

Солим вазни билан мусаббағнинг бир байт доирасида амал қила олиши ҳам худди шундай характерга эга. Бунда ҳам охириги битта бўғин ўта чўзиқлик касб этади, лекин бу чўзиқлик битта бўғиннинг қисқариши ҳисобига эмас, аксинча кейинги бўғинга бир сокиннинг қўшилиши билан

юзага келади. Демак, бкнда ҳам бўғинларнинг умумий сони ҳар икки мисраники тенг бўлгани ҳолда, фақат охириги бўғинларгина ўзаро фарқланади. Юқорида кўрганимиздек, бундай байт кўйидаги схемага эга бўлади:

у - - у - - у - - у - -  
у - - у - - у - - у - ~

ёки

у - - у - - у - - у - ~  
у - - у - - у - - у - -

Демак, бундай ҳолларда ритмда рўй берган ўзгариш деярли «қайд этилмайди». Ўз-ўзиданравшанки, вазн ҳам бузилмайди. Шунини қайд қилиш жоизки, аруздаги бундай истисноларни Юсуф дадиллик билан қўллай олди. Табиийки, бунда Юсуф Хос Ҳожибга араб ва форс-тожик адабиёти тажрибаси билан яхши танишлиги қўл келган, шунингдек, туркий тилнинг ўзига хос хусусиятлари уни шу йўлни тутишга бошлаган.

Асарда вазни бузиб кўрсатувчи айрим ҳолатлар борга ўхшаб туюлади. Мана шу ҳолатлар кўпгина тадқиқотчиларни чалкаштириб, уларнинг асар вазнида айрим камчиликлар, етишмовчиликлар бор, деган нотўғри фикрга келишига сабаб бўлган. Шундай ўринларни синчиклаб ўрганиш кўрсатадики, Юсуф бу ҳолатларда ҳам туркий тил хусусиятларига таянган ҳолда аруз талабларини юксак даражада адо этган. Айрим мисолларни кўрайлик:

6361. Қамуғ эзгу барди, тўру ўнгди элтти,  
Киши сўнги қалди, не эзгу булайи.

Ҳамма эзгу(лар) ўлди(лар), эзгу қоида-қонун,  
одатларни олиб кетди(лар).

Одам(лар)нинг энг пасти қолди, тубанларини суриб  
чиқарайин.

Мисолни кўздан кечирсак, рукнларнинг деярли барча ўринда пухталигини кўрамыз. Фақат «элтти» сўзидаги озроқ «нуқсон» сезилади. Чунки бу ерда биринчи «т» ортиқчалик қилади. Бу нуқсонми? Йўқ. Арузда агар учта ундош ёнма-ён келса улардан бири тақтиъдан соқит қилинади. Масалан: Алишер Навоий «т» \_\_\_\_\_ харфи ҳақида гапириб шундай ёзади:

«Ва агар байтнинг охирига тушса, ҳар ҳол била тақтиъда соқит бўлур, невчунки, аруз авзонида уч соқин ҳеч важҳ била жамъ бўлмас... Демак, юқоридаги сўзда («элтти»да) соқинларнинг учта («л»,»т», «т») эканлигини назарда тутсак, бу ерда ҳам нуқсон йўқлигини кўрамыз, чунки «т»лардан бири тақтиъдан «соқит қилинса» байт шундай ўкилади:

Қа-муғ эз-/гу бар-ди / тў-ру эз- / гу эл-ти

V \_ \_ V \_ \_ V \_ \_ V \_ \_

Ки-ши сў-/нги қал-ди / не эз-гу / бу-ла-йи.

V \_ \_ V \_ \_ V \_ \_ V \_ \_

Кўриниб турибдики, вазнда ҳеч бир сохталик ва нуқсонлар йўқ.

Ачин қўймас ҳаргиз қамуғ тинлиғиғ,  
Етирур, ичирур тузу санлиғиғ.

Барча нафас олучиларни ҳаргиз оч қўймайди,  
Жумла сонларини едиради, ичиради.

Агар бу мисолни шу кўриниш асосида тикдил қилинса, биринчи мисранинг иккинчи рукни (-мас ҳаргиз) да вазндан чекиниш борга ўхшайди. Чунки аруз талабларига биноан ёпиқ бўғинлар узун, очик бўғинлар қисқа ҳисобланади, аммо айрим ҳолларда очик бўғинлар ҳам чўзиқ ҳисобланиши мумкин, лекин чўзиқ бўғинлар ҳеч қачон қисқа ҳисобланмайди. Келтирилган мисолимизда «-мас ҳаргиз» иккинчи рукни ташкил этади. Юқорида мутақориб рукнлари бир қисқа бўғин билан бошланиб икки чўзиқ бўғин билан тугашини айтган эдик. Унда шоир нима учун рукн бошига ёпиқ (чўзиқ) бўғин «-мас»ни келтирган? Демак, Юсуф хатога йўл қўйдими?.

Агар Алишер Навоий «Яна «хо» ҳарфки, талаффузида кирмаски: \_\_\_\_\_ (важҳ ва хора ва ёра)дек, агар байт ўртасида воқи бўлса, тақтиъдин соқит бўлур ва агар байт охирига иушса, сокин ҳарф ҳисобига кирар» деган фикрларни ёдга келтирсак, бу рукнинг «-ма-сар-гиз» тарзида ўқилишини кўрамиз, шунда рукн қисқа (У) бўғин билан ўқилади.

Шунингдек, айна ҳодисани қуйидаги байтнинг кейинги мисрасида ҳам кузатиш мумкин.

145. Кўнгул берди ҳам ма йўритти тилиг,  
Увут берди қилқ ҳам қилинчи силиг.

Унга кўгил (яъни ақл) берди, тилини йўриқ (равон) қилди.

Андиша, ҳулқ ҳамда гўзил феъл ато қилди.

Бундаги «х» (-ди қилқ ҳам») ҳам байт ўртасида (аниқроғи мисра ўртасида келганлиги учун тақтиъдан тушириб қолдирилади:

Кў-нгул бер/-ди ҳам-ма/ ю-рит-ти/ ти-лиг

У-вут бер/-ди қил-қам/ қи-лин-чи/ си-лиг

«Қутадағу билиг»даги айрим парчаларда вазнда баъзи бўғинларнинг етишмагиндай ўринлари ҳам борга ўхшайди, Бирон. Вазни синчиклаб ўрганиш, асарнинг бундай камчиликдан ҳам ҳоли эканлигини кўрсатади.

1418. Ҳарамқа қатилма ема қилма куч,  
Киши қани тўкма, хасм қилма, ўч.

Харомга аралашма ва зўрваонлик қилма,  
Ўзгалар қонини тўкма, хусусат ва ўч қилма.

Байтнинг кейинги мисраларида бўғинларнинг кузатсак, учинчи рукнда бир қисқа ва бир чўзиқ бўғин ўрнига фақат битта чўзиқ бўғин келганлигини кўрамиз, унинг схемаси қўйидагича бўлади:

V - - (V - -) V - -) V - -

V - - (V - -) ~ -) V - -

Учинчи рукнда «хасм қил» бўлаги жойлашган. «Қил» рукнининг охирида келган ва ўз ўрнига жуда мосдир. Фақат «хасм» сўзида ўрнига «нумовофиклиу» бор. Бу сўзда икки ундаш: «с» ва «м» ёнма-ён келган. Арузийлар юундай ҳолда уларнинг бирини ё тактиъдан соқит қилишади ёки улардан бирини мутаҳарририкка айлантирадилар:

«Билгилки шеърнинг авзонининг асосида икки сокин ёндоша кеймайдур. Агар шеърда икки сокин жамъ бўлса, тактиъ қилурда бириси мутаҳарририкка маҳсуб бўлур...» деб ёзади Бобу рва шундай сал кейинроқ давом этади: «Агар икки сокин воқиб бўлса, бириси мутаҳарририкка маҳсуб бўур ё улким тактиъда соқит бўлур, муътабар эмас». демак, бу ўринда сокин «с» ҳарфи (товуши) мутаҳарририкка тарзида, яъни бир унлини ўзидан кейинги позицияда олгани ҳолда ўқилиши керак экан:

Ҳа-рам-қа/ қа-тил-ма/ йе/ма қил/ ма куч

V - - V - - V - - V - -

Ки-ши-қа / ни- тўк-ма/ ха-сим-қил/ ма-ўч

V - - V - - V - - V - -

Демак, бизнинг назаримизда график жиҳатдан ўта чўзиқ бўғиндан иборат бўлган сўз фонетик жиҳатдан бир қисқа ва бир чўзиқ бўғиндан иборат экан. Ундай қилиб, бу ерда ҳам классик аруз талабига тўлиқ риоя қилинган.

Қуйидаги байтдаги «сабр» сўзи ҳам бқоридаги принцип асосида тактаъ қилинса, вазн бенуқсон бўлади:

573. Эва кирма ишка, сабр қил, серин,

Эва қилмиш ишлар ўқунчи ярин.

Ишга шошилиб кирма, сабр қил, эҳтиёт бўл,

Шошилиб қилинган ишнинг охири ўикинчли бўлади.

Шунингдек, мана шу байт ҳам шу ходиса бор:

Шукр қил, энеъмат идиси, унир,

Шукр қилса неъмат байат арттурур.

Эй унуб-ўстур неъмат соҳиби, шукр қил,

Шукр қилсанг, худо неъматни зиёда қилади.

Тақтиъи

Шу-кур қил/ э неъ-мат/ и-ди-си/ у-нир

Шу-кир қил/ СА-неъ-мат/ ба-ят-ар/ ту-рур.

Юқоридаги айтилган фикрларни фикрлардан ва келтирилган фактлардан асар вазни нуқсонларидан томомила холи, унда ҳеч қандай камчилик йўқ деган хулоса чиқармаслик керак. Асар вазнида баъзи етишмовчиликлар ёки ортиқча ўринлар ҳам учрайди. Буни татар олими Хатиб Усмонов шундай изоҳлайди: «Боласоғуний 12-13 минг мисрали буюк асарни бир ярим йил ичидаёзиб чиққан, табиийки унга шеърни бошдан охиригача туп-тузуккина қилиб (қайта) кўриб чиқиш мумкин бўлмаган. Кўп ўринларда бўғинлар ёки рукнлар қоплаб келтилган, ёки рукнлар ўрни кўчган, икки бўғин қўшилиб кетган жойлар ҳам бўлган. Натижада унинг асари бир ўлчамли эмас, кўл ўлчамли бўлиб чиққан».

Бизнингча, ижодий жараёни шундай баҳолаш тўғри эмас. Классик шоирларимиз тажрибаси шуни кўрсатадики, улар ўз ижодлариг ҳеч қачон пассив муносабатда бўлмаган унинг устига Шарқда позицияга бўган юксак даражадаги талаб ҳам шоирдан ўта синчковликни, зукколик ва зийракликнинг талаб этган. Мана шундай шароитда шоирни «ўз асарини туп-тузуккина қилиб чиқмаган» дейиш тўғри бўлмайди. Ахир Алишер Навоий

истеъдоли шоир, ўзбек адабиётида салмоқли ўрин тутган Атойидек санъаткорни ҳам бир шеър қофиясидаги равий ҳарфларни мосламаганлиги учун «қофиясида айбғинаси бор» деб танқид қилган эди. Бундан чиқадики, асар вазнидаги жузъий етишмовчиқларни шоирнинг эътиборсизлигидан эмас, бошқа нуқтадан илаш керак. Айрим фактларни кузатайлик:

Учунчи хирад ул улуғлик билан  
Тўртунчи қанъат ва ғафият била.

Учинчиси – улуғлик билан ақлдир,  
Тўртинчиси – офият билан қаноатдир.

1555. Яна сақину алди, кўр Ўгдулмишиг  
Аюр мен унитмас-ма ушбу эшиг.

Ўгдулмиш ҳақида яна ўйлаб олди, кўр,  
Деди: Мен ушбу эшимни унутмайман.

Ўқуш кўрдум эрни Ява қилди Яш,  
Кўдазмади бўғуздан бўлур ҳам ангар ўт эмиш.

Бошини увол қилган кишиларни кўп кўрганман,  
(Увол) нафсини тиймасдан умрини бахтсиз қилганлар.

1068 Нелуг тилда кўрксуз юрир бу сўзунг,  
Нелуг кўнгли артатурсен ўзунг.

Нега тилида бунчалик хунук сўзлар юритасан,  
Нега сен ўз кўнглиунинг (бўлмағур фикралр билан бузасан)

Дастлабки мисолимизда вазн битта қисқа бўғин (ва)нинг кўплиги билан бузилган. Лекин байтнинг семантик алоқасига эътиборберадиган бўлсак, «ва»нинг ритмик жиҳатдагина эмас, семантик томондан ҳам

«ортиқча» эканлиги маълум бўлади, чунки байтда «ва» боғловчисининг вазифаси «канаат» ҳамда «ъафият» сўзларини ўзаро боғлашдан иборат, бироқ худди шу функцияни бажариш учун «била» ҳам бор. «Била»нинг олдинги мисрадаги худди шу сўз билан қофияланиши унинг байтда асосий таянчларидан бири эканлигини кўрсатади. Буни – мактаб грамматикасининг элементар қайдасини – Юсуф ҳам, сўзсиз, юксак даражада англаган. Демак, вазнга сиғмай қолган ортиқча «ва» котиблар томонидан қўшиб юборилган.

Иккинчи мисолимиздага «кўр» ҳам мисрага сиғмайди. «Кўр» сўзи асарда кўпинча, тингловчи диққатини тортишга, маълум фикрга жалб қилиш учун қўлланилади. Шу ўринда эса бу эҳтиёж сезилмайди.

Бунинг устига, асарда қўлланилган Ўгдулмиш, Ўзғурмиш исмлари ёпиқ бўғиндан бошлангани ва барча бўғирлари ҳам ёпиқ бўлганлиги учун уларнинг олдидан ҳам сўнгидан ҳам унли товушлар тақозо этилади. Бу қонуният бутун асар давомида бирор марта ҳам бузилган эмас. Демак, бу сўз ҳам Юсуф томонидан эмас, кейинги даврларда котиблар томонидан киритилгандир.

Энди кейинги мисолни кузатамиз. Байтнинг кейинги мисрасида бир эмас тўрт бўғин ортиқча, бу «кўдазмади» сўзидир. Бугина эмас, байтнинг семантикаси ҳам унга катта Наманган нусхасида (108<sup>a</sup> варақ) қуйидагича ёзилган:

Ўқуш кўрдим эрни ява қилди яш

Кўдазмади бўғуздин бўлур ҳам ангар ўт эми.

Бўғиздин кирар иш кишака кеми

Кўдазмади бўғзин қуви қлди яш.-

яъни икки байтнинг ортиқча сўзлар аралаштирилган. Бу байтлар Қ.Каримов кўрсатганидай, қуйидагича ёзилиши керак эди.

Ўқуш кўрдум эрни ява қилди яв,

Кўдазмади бўғзин қуви қилди яш.

Бўғуздин кирур иг кишики Кеми,

Бўғуздин бўлур ҳам ангар ўт эми.

Бошини увол қилган кишиларни кўп қурганман,  
(Улар) нафсини тиймасдан умрини бахтсиз қилганлар.  
Кишига бало кам-кам бўғиздан киради,  
Унинг дору-дармони ҳам бўғиздан бўлади.

Демак, бу етишмовчилик ҳам шоирнинг маҳорати билан эмас, котиблар диққат-эътибори билан алоқадор.

Охирги мисолимиз олдинги мисоллардан бир оз фарқ қилади. Олдинги мисолларда вазнда ортиқча бўғинлар ёки сўзлар учраса, бу мисолларимизда, аксинча, кейинги мисрада бир бўғин етишмайди. Байт мазмунига етарли эътибор бериб, ундаги синтактик муносабатни ўргансак, байтдаги «йўқолган ритмик бўлак» топилади. Кейинги мисрада синтактик бўлаклар қўйидагича жойлашган: холл (нелуг), эга (кўнгли), кесим (артатур сен), эга (ўзунг).

Аммо, битта гапда, агар улар уюшиб келмаган бўлса, эганинг иккита бўлиши мумкин эмас. Шунга кўра, чуқурроқ мулоҳаза қилинса, «кўнгли» эга эмас, тўлдирувчи бўлиб чиқади. «Кўнгил» II шахсга алоқадор бўлганлиги учун у эгалик қўшимчасининг шу шахсга мос қўшимчаси (-нг-и)ни ҳам қабул қила олади, шундай қилиб бу ерда ҳам вазннинг тўғри бўлган дастлабки ҳолати юзага келади:

Нелуг тилда кўрксуз юрир бу сўзинг,  
Нелуг кўнглингиз артатур сен ўзунг.

Демак, «кўнглингиз» сўзини «кўнгли» тарзида кўчиб ёзиш китоблар «ихтироси» бўлиб чиқади. Асардаги бундай ўринлар ҳақида гапириб, Қ. Каримов қуйидагича хулосага келган эди:

«Агарда асарнинг айрим ерларидаги арузга мос келмайдиган ўринлари ҳақида гапириладиган бўлса, бунинг сабаблари, албатта, уни кўчириб ёзувчилар деб қараш керак. Чунки асар, XI асрда кўчирилган нусхасига эгамиз.

Шундай экан, XI асрда яратилган асарнинг XV асрда кўчирилган нусхаси нуқсон ва камчиликсиз деб бўлмайди. Нусха кўчирувчилар

томонидан турли, таҳрирлар бўлиши мумкигки, бу айрим ўринларда бўлса ҳам, унинг вазнида акс этмасдан қолмайди ».

Юсуф Хос Ҳожиб арузда бенуқсон бўлган деб айта оламиз. Буни биргина синонимлардан фойдаланишни кузатиш орқали ҳам аниқлаш мумкин.

Шоир синонимлардан фойдаланар экан, уларнинг исталган ҳар бирини ишлатавермайди. Балки уларни ўз фикрига, ғоясига ва ҳатто шеър ритмикасига бўйсундириб танлайди, саралайди.

169 Угуш сўзда артуқ асиғ кўрмадим

Йана сўзламишда асиғ бўлмадим.

Кўп сўзда ортиқ фойда кўрмадим,

Яна (кўп) сўздашдан наф топмадим.

Бу ерда қўлланган синонимларнинг (ўгуш, артуқ) шеърий вазн билан чамбарчас боғланиб кетганини кўриш мумкин. Маълумки, мутақориб рукнлари қисқа бўғин билан бошланиб узун бўғинлар билан тугайди. Бордию, юқоридаги байтда келтирилган синонимларнинг ўрнини алмаштирсак, шеърнинг вазни, яъни шеърий мусиқа тамомила йўқолади. Чунки «артуқ»нинг биринчи бўғини ёпиқдир, ваҳоланки, мутақориб баҳрининг рукнлари қисқа бўғин билан боғланишини биламиз.

Бошқа бир байтда «ўгуш» сўзига «артуқ» эмас, балки «туман» сўзи синоним сифатида танланган:

169 Ўгуш сўзлама сўз бирар сўзла аз,

Туман сўз тугунин бу бир сўзда йаз.

Сўзни кўп сўзлама, бир оз озроқ сўзла,

Туман минг сўз тугунини (яъни жумбоғини) шу бир сўзда еч.

Бу ерда туман сўзи рукннинг бошида келаяпти, чунки унинг биринчи бўғини «ту»-очиқ (қисқа)дир. Унинг ўрнига «артуқ»ни қўйиб бўлмаслиги ўз-

Ўзидан кўриниб турибди. Шунингдек, шоир ўз асарида кўп қўллаган тэлим, кўп, артуқ, анча, чўқ сингари «ўқуш» сўзининг синонимик қаторига кирувчи сўзларни ҳам мазкур байтда қўлламаган. Буни нима билан изохлаш керак?

Бу синонимик қатордаги кўп, чўқ синонимлари «туман»нинг ўрнига даъвогарлик қилолмайди, чунки улар ўша сўз эгаллаб турган ритмик позицияни тўлиқ банд қилолмайди, аниқроғи улар «туман»дан бир бўғин кам. Зикр этилган синоним сўзлар шунинг учун ҳам туманнинг ўрнини босолмайди. «Атуқ» сўзи тўғрисида тўхталмаймиз, чунки бу сўзга юқорида изоҳ бериб ўтдик. «Анча» ҳам «артуқ» сўзи билан бир хил сифат хусусиятларига эга бўлганлигидан унга ҳам тухталишнинг ҳожати йўқ. Бирок «қалин», «тэлим» сўзлари «туман» билан бир хил фонетик хусусиятга эга, яъни улар ҳам қиска бўғин билан бошланиб, узун бўғинга уланувчи рукнга мос келади. Шундай бўлишига қарамай шоир нима учун уларни қўлламаган?

Буни тушуниш учун байтдаги аллетирацияга диққат қилиш керак. Қадимги туркий поэзияда жуда кучли ўрин олган бу ҳодиса (яъни аллетирация) «Қутадғу билиг»ка ҳам кучли таъсир қилганлиги маълум. Мана шу тарихий-адабий жараённи назарда тутсак, иккинчи мисрадаги «тугунин» сўзининг талаби билан «туман» сўзидан бошқа ҳар қандай шу синонимик қатордаги сўзларнинг ортиқчалиги маълум бўлади.

Бу ҳодиса Юсуф Хос Ҳожибнинг синонимларидан фойдаланишда жуда эҳтиёткорлик ва зукколик, синчковлик кўрсатганининг ёрқин далилидир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг вазн талаби билан синоним сўзлардан фойдаланиш санъати диққатга сазовардир. Буни «яхши» сўзининг синонимик қаторига яна бир марта олтита сўз бирлашган: «талу, каз, эдшу, тузун, силиг, нэку, йэг». Булар ўзларидаги маъно нозикликлари тишқари вазний эҳтиёж туфайли ҳам ўзига хосликларга ҳам эга. Булардан талу, тузун, силиг, нэку кўпроқ рукн бошида келса, қолганлари рукн ичида ёки унинг охирида жойлашади.

«Қутадғу билиг»даги синонимларнинг яна бир хусусияти, юқорида айтганимиздай шеър қофияси билан алоқадордир.

997 Кимнингдир эшитгу кэрак сўз чини,  
Сўзуг кимка айғу, мэнга ай кўни.

Сўзнинг чинини кимдан эшитиш керак,  
Сўзни кимга айтиш керак, менга тўғриси айт.

Бу мисолимизда «чини», «кўни» синонимлари ишлатилган. Асарни кўздан кечирадиган бўлсак, «Қутадғу билиг»да бу сўзнинг яна «бутун» синонимии ҳам бор. Келтирилган байтдаги синонимнинг қўлланиши мутақориб бахридаги вазн талаби билан изохланади. Чунки асар вазни мутақориб мусаммани маҳфуз (унда мақсур ва солим кўринишлари ҳам бор). – Ўн бир бўғиндан иборат бўлиб, қофиялардан ташқари сўзлар тўққиз бўғинни ташкил қилади. Демак, бу ўринда икки бўғиндан ташкил топган «чини» ва «кўни» сўзларининг қўлланиши мақсадга мувофиқдир, «бутун» эса ўзининг бош шаклида қофияга, шеърий оҳангдорлик талабига, яъни «чини» ёки «кўни»га жавоб Бера олмайди, унга эгалик қўшимчаси –и, қўшилганда эса вазнга «сифмай қолади». Шунинг учун ҳам Юсуф юқоридаги синонимларни танлаб тўғри қилган ва бу байт мазмунига ҳам, унинг оҳангига ҳам табиий равишда бирикиб кетиб яхлит бир поэтик фикрнинг кўзга ташланадиган бўёқ касб этишига сабаб бўлган.

Буларнинг ҳаммаси Юсуфнинг туркий тилнинг ички имкониятларини жуда атрофлича ҳисоблай олгани ва бу имкониятлардан усталик билан фойдалана олганини кўрсатади.

Умуман, асар вазни ҳақида шундай хулосага келиш мумкин:

1. «Қутадғу билиг»арузда битилган дастлабки туркий ёзма ёдгорликларнинг энг мукаммалидир. Юсуф Хос Ҳожиб аруз амалиётини ғоят юксак даражада ўзлаштириб, уни туркий тилнинг ички имкониятларини зўр маҳорат билан англагани ҳолда ўз асарида татбиқ ва намоён эта олади.
2. мутақориб Шарқ халқларида араб ва форс адабиётида қаҳрамонлик ва жангномалар вазни сифатида машҳур эди. Юсуф Хос Ҳожиб эса бу

улуғвор, тантанавор вазнда сиёсий дидактиканинг юксак намунасини яратди.

3. Асардаги вазнга доир айрим чекинишларнинг реал асослари, бизнингча қўйидагилардир:

а) вазн билан боғлиқчекинишларнинг асосий қисми котиблар билан алоқа дор бўлиб, бу чекланишларнинг муаллифга муносабатини «Қутадғу билиг»нинг автограф нусхаси асосидагина аниқлаш мумкин. Китоблар нусхаси ва айниқса, кейинроқ кўчирилган нусхалар асосида катъий хулосаларга келиш анча қийин ва улар асосида муаллифни вазн талабларини эътиборга олмасликда айблаш мутлоқа тўғри эмас;

б) вазндаги чекинишларнинг бир қисмитуркий тилнинг ўзига хос ички хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб Юсуф Хос Ҳожиб улардан дадиллик билан фойдалана олди ва кейинчалик Навоий ва Бобурлар томонидан қайд этилган туркий аруздаги айрим хусусиятларнинг муқимлашиб қолишида шоир сифатида алоҳида етакчи мавқега эгадир.

в) «Қутадғу билиг»нинг вазни ҳақида гапирганда унинг арузда битилган дастлабки намуналардан эканлигини ҳам назарда тутиш лозим. Мана шу ҳолат ҳам вазндаги айрим чекланишларнинг сабабини кўрсата оладики, дастлабки уриниш умумий қонуниятларга нечоғлик тўлиқ бўйсунушига ҳаракат қилмасин, жузъий чекинишларни истисно қилмайди вабу табиий ҳамдир.

4. Асарднинг вазн хусусиятлари ўзининг бутун мураккаблиги билан аруз талабларига туркий тил заминида туриб жавоб беради ва унинг вазнини бармоқ вазни дейишга реал асослар йўқ.

### **Ш БОБ**

### **Қ О Ф И Я**

«Қутадғу билиг» арузда ёзилган биринчи йирик туркий ёдгорлик бўлганлиги сабабли, унинг қофия тизимини араб-форс қофия назарияси нуктаи назаридан ўрганиш катта назарий-тарихий аҳамиятга эга.

Асарнинг қофия тизими ҳақида И.В.Стеблеванинг айрим тадқиқотларини ҳисобга олмаганда, деярли ҳеч қандай иш қилинмаган. И.В.Стеблева ўз тадқиқотларида араб-форс қофия назариясининг туркий тилли адабиётга тадбиқи масалаларининг баъзи томонларини тадқиқ этган. Шунингдек, «Қутадғу билиг» тадқиқотчиларидан Қ.Каримов ҳам бу масалага йўл-йўлакай тўхталиб ўтган (Зеро, тадқиқотчи бу соҳани ўз ўрганиш объекти ҳисобламаган).

Шунга кўра асар қофия тизимини ўрганиш поэтика тарихи учун муҳим материал вахулосалар беради. Асар қофия тизимини ўрганиш шунини кўрсатадики, унда классик назарияга кўра маълум кўплаб турларидан унумли фойдаланилган.

Қадимги туркий тилли адабиётдаги шеърят, гарчи уаллитерацияга асосланган бўлса-да, сўнг қофиялардан холи эмас эди, бироқ ундаги сўнг қофиялар элементар, эмбрионал тарзда мавжуд бўлган. Сўнг қофияларнинг кўпчилиги грамматик тузилмаларнинг параллеллиги сифатида, асосан бир хил сўзларнинг такрорига таянарди.

Ўзаро товуш уйғунлигини ҳосил қилувчи ана шу такрорлар туркий поэзияда кейинчалик сўнг қофияларнинг пайдо бўлишига олиб келди ва бу ходиса «Қутадғу билиг»да ўзининг етук камолига эришди. Шунини ҳам айтиш керакки, сўнг қофияли поэзия дастлаб, туркий халқларнинг оғзаки ижодида пайдо бўлган. Бунга Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғот ит-турк»идаги фактлар далил бўла олади, чунки «Девон» материаллари, кўп олимларнинг фикрига қараганда, VIII-X ва ҳатто V асрларга тааллуқлидир. Албатта, «Девони луғот ит-турк»даги айрим (хусусан, «шоир айтубдур» деб бошланадиган) парчаларнинг ёзма адабиётга алоқадорлигини ҳам назарда тутиш керак.

Классик назарияга кўра қофиянинг негизини равий ҳарфи ташкил қилади. Равийлари мос бўлмаган қофияли шеър айбли ҳисобланади. Асар қофия тизимини ўрганиш асосида унинг қуйидаги типларини ажратиш мумкин:

а) Араб-форс қофия назарияси талабларига тўла мос келадиган қофиялар.

б) Араб-форс поэтикасининг қатъийшаклий меъёрларига кўра ўрнатилган канонлар доирасидан чиқувчи, бироқ X-XI асрлар поэзияси учун меъёрий ҳисобланган қофиялар.

в) «Қутадғу билиг»нинг ўзи учун хос бўлган, яъни кейинги давр араб-форс қофия назарияси талаблари билан мос келмайдиган қофиялар.

Кўп асрлар мобайнида араб-форс поэтикаси ишлаб чиққан канонлашган талабларга жавоб берувчи қофиялар:

I. Оддий қофия \_\_\_\_\_ яъни фақат равийлари мос бўлиб, бошқа ҳарфларининг мослашиши шарт бўлмаган қофия:

899 Бу эзгу тилагли неку тер, эшит,  
Қамуғ эзгулук қил, ўзунгга иш эт.

Яхшилик тиловчи (киши) нима дейди эшит:

Фақат яхшилик қил, (яхшиликни) ўзингга касб қилиб ол.

II. Тўлиқ қофия \_\_\_\_\_, яъни равидан олдин бир ёки бир неча оҳонгдош товушлари такрорланган қофия. Булар муқайяд қофия \_\_\_\_\_ деб юритилади. Асарда бу қофияни кўплаб турлари бор: агар қофия равий ҳарфи билан тугаб, унга васл, хуруж, мазид ва нойира қўшилмаган бўлса, муқайяд қофия дейилади.

«Қутадғу билиг»да муқайяд қофиянинг қуйидаги турлари бор:

1. Муқайяди мужаррад:

4940 Кўнгулсуз қаю ерка мангса адак,  
Неча ер яқин эрса, бўлди йирак.

Кўнгил истамасдан каерга кадам ташланса,  
(У) ер қанча яқин бўлса ҳам, узок туюлади.  
к-равий

2. Таъсисли муқайяд қофия учрамайди.

3. Таъсис ва дахилли муқайяд қофия:

163 а

4401 Авуртаси эзгу киши тут, ориғ,  
Ўғул-қиз ариғ кўпға, турға фориғ.

Мураббийни яхши кишилардан олгин,  
Ўғил-қиз пок ўсади, (номатлуб ишлардан) фориғ туради.

4. Радфи аслийли муқайяд қофия:

191 а

5206 Эй элиг, бу нафсинг яғила қатиғ,  
Тилакини берма, етурма татиғ.

Эй элиг, бу нафсингга (қарши) шиддатли жанг қил,  
Тилагини берма, ҳаловат едирма.  
ғ-равий, и-радфи асл

5. Радфи муфратли муқайяд қофия:

191 а

5171 Эсизлар эсизликларини эсмаса,  
Сен эсма, қинин берка тутғил баса.

Ёмонлар ёмонликларини камайтирмаса(лар)

Сен (хам) азоб (бериш)ни камайтирма, яна қамчини тутгин.

а-равий, с-радфи муфрад

6. Радфи мураккабли муқайяд қофия:

129 б

3464 Эр эзгу керак, бўлса эзгу қилич,  
Қаюда тиласа булур минг севинч.

Киши эзгу (бўлиши), эзгу халқли бўлиши керак,

Қаерда истаса минг севинч (лар) топади.

ч-равий, н-радфи мураккаб.

7. Қайдли муқайяд қофия:

40 а

929 Улуғлуқ била бул ўқуш элка эрк,  
Бу эрк бирла юеглик ули бўлсу берк.

Улуғлик билан талай элларга эрк топ (яъни хукмрон бўл),

Бегликнинг пойдевори шу эрк билан мустаҳкамлансин,

к-равий, р-қайд.

Ш. Бой ёки бойитилган қофия - \_\_\_\_\_

Агар қофия таркибида равийдан сўнг васл, хуруж, мазид ёки нойира келтирилган бўлса, мутлақ қофия деб аталади. «Қутадғу билиг»да мутлақ қофияни қуйидаги турлари учрайди:

1. Мутлақи мужаррад:

112 а

2972 Ўрунг қуш қутитек бу эрдам қути,  
Юри, қуш атағил сен эрдам ати.

Санъат-хунарнинг шарофати оққуш шарофатидке,  
Кел, сен санъат-хунар отини қуш (деб) атагин.  
т-равий, и-васл.

2. Таъсисли мутлақ қофия.

189 б

5130 Баят берса ъиззин йўқ-ул ғояти,  
Ўқуш раҳмат ичра ўзунг роҳати.

Худо ато қилса (унинг) улуғлигининг чеки йўқ,  
Ўзингнинг роҳатинг беҳисоб раҳмат(лар) ичра (бўлади).  
т-равий, и-васл, о-таъсис.

3. Таъсис ва дахилли мутлақ қофия учрамайди.

4. Радфи аслийли мутлақ қофия:

43 б

1006 Тилиғ сўкса бўлмас, телим ўлгуси,  
Сўзуг ўлгуси бар, ема сўкгуси.

Тилни сўкса ярамайди, унинг мадҳи жуда кўп,  
Сўзнинг мақтовлиси бор (ва)яна сўкишлиги ҳам.  
к-г-равий, г-васл, у-хуруж, с-мазид, и-нойира, ў-радфи аслий.

5. Радфи муфратли мутлақ қофия:

218 б

5947 Неча куч тилаклиг юмитмишлариғ,  
Ўлум тутти, сачти, йиратти ариғ.

Қанча (дан-қанча) зўрға жамланганларни  
Ўлим тутди, сочди, пок-покиза пароканда қилди.

6. Радфи мураккабли мутлақ қофия учрамайди.

7. Қайдли мутлақ қофия:

101 а

2656 Неку тер, эшитгил, Ила сир тенги,

Энди эзгу янг бу битиг сўз янги.

Иланинг сирга яқин (?) нима дейди, эшитгин:

Ёзма нутқ усули жуда яхши усулдир.

г-равий, и-вавл, н-қайд.

8. Хуружли мутлақ қофия

178 а

4825 Бу дуня янги бу эдарса качар,

Қўду берса эвра сенга йўл ачар.

Бу дунёнинг тарзи шунақа, изидан борсанг қочади,

Ташлаб қўйсанг ўгирилиб, сенга йўл очади.

ч-равий, а-вавл, р-хуруж.

9. Таъсис ва хуружли мутлақ қофия учрамайди.

10. Таъсис, дахил ва хуружли мутлақ қофия учрамайди.

11. Радфи аслий ва хуружли мутлақ қофия.

23 б

457 Элигқа тўсулсун бу эрдамларим,

Ачилсун менинг кетсу эмгакларим.

Бу санъат-хунарларим элигга ярасин,

(Элиг)хурсандбўлсин, менинг ташвишларим кетсин.

р-равий, и-васл, м-хуруж, а-ридфи аслий.

12. Ридфи муфрад ва хуружи мутлақ қофмя

537. Бу қутқа қуванма, эй қут булғучи,

Келигли турур қут яна бағручи.

Эй бахтга эришувчи (киши), бу бахтга қувонма,

Бахт келиб яна кетувчи (бир нарса)дир.

у – равий, ч – хуруж, ғ – ридфи муфрад.

13. Ридфи мураккаб ва хуружли қофия учрамайди.

14. Қайд ва хуружли мутлақ қофия:

4053. Мен айдим, эшиттинг, ўргандинг,

Қандай хизмат қилиш кераклигини билдинг.

г – равий, у – васл, л – хуруж, н – қайд.

15. Мазидли мутлақ қофия

1809 Уқушдин келур, кўр, камуш эзгулуг,

Белигин бедур эр бўлур белгулиг.

Кўргин, турли яхшиликлар укув-идрокдан келади,

Киши билим туфайли улғаяди, машхур бўлади.

у – равий, л – васл, кейинги у – хуруж, г – мазид.

16. Таъсис ва мазидли мутлақ қофия учрамайди.

17. Таъсис, дахил ва мазидли мутлақ қофия учрамайдию

18. Ридфи аслий ва мазидли мутлақ қофия:

2914 Неча бег ҳақи эрса қуллар узра,

Ема қул ҳақи йўқму беглар уза.

Қулларда бег(нинг) ҳақи қанча бўлса,  
Шунингдек, бегларда қул(нинг) ҳақи йўқму?  
р – равий, у - васл, з – ҳуруж, а – мазид,  
Равийдан олдинги а – ридфи аслий.

19. Ридфи муфрад ва мазидни мутлақ қофия.

3559 Ажунтуғ неча терса ўз ўлгулуг,  
Эки бўз тегир-ул сенга белгулуг.

Дунёни қанча терсанг (ҳам) ўз (яъни жон) ўлади,  
Сенга мйаян икки (газ) бўз тегади.

У – равий, л – васл, охирги у – ҳуруж, охирги г – мазид олдинги г  
– ридфи муфрад.

20. Қайд ва мазидли мутлақ қофия:

495. Айтти бу ҳажиб сўзин еткурак,  
Тилаки не эрмиш тақи бутрурак.

Бу Ҳожиб унинг сўзларини яна тушунарлироқ қили,  
Тилаги нима эканини янада равшанроқ қилиб (сўраб олди).  
у–равий, р–васл, а–ҳуруж, к-мазид, равийдан олдинги р-қайд.

21. Радфи мураккаб ва мазидли мутлақ қофия учрамайди.

22. Нойирали мутлақ қофия:

1592 Ишим барча сендан йўқ-ул билдачи,  
Қани бир бағирсак Ишим қилдачи.

Барча ишларимни сен (Ойтулди)дан яхши биладиган киши йўқ,  
Менинг юмушларимни қиладиган бир меҳрибон киши қани?  
л-равий, д-васл, а-ҳуруж, ч-мазид, и-нойира.

23. Таъсис ва нойирали мутлақ қофия

3202 Бу самиш тануғ барча таъат турур,

Бу таъат била барча роҳат турур.

Бу саналган хизматлар барчаси тоат-ибодатдир,

Бу тоат-ибодат билан ҳамма (нарса) роҳатдир.

т-равий, т-васл, р-хуруж, у-мазид, р-нойира, а-таъсис.

24. Таъсис, дахил ва нойирали мутлақ қофия:

2093 Бу ҳиммат била ҳам сиясат керак,

Сиясатқа беклиг раясат керак.

Ҳиммат билан бирга (адолатли) сиёсат ҳам керак,

Сиёсат (юритиш) учун эса пишиқ-пухта раҳбарлик

керак.

т-равий, к-васл, р-хуруж, а-мазид, к-нойира, а-таъсис,

с-дахил.

25. Радфи аслий ва нойирали мутлақ қофия:

513 Яна ма айитти тилакинг не-ул,

Неку иш қилурсан, керакинг не-ул.

(у) Яна сўради, тилакларинг нималар?

Нима билан машғулсан, сенга нималар керак?

к-равий, и-васл, нг-хуруж, н-мазид, э, у, л-нойора, равийдан

олдинги, а-радфи аслий.

26. Радфи муфрад ва нойирали мутлақ қофия:

304 Билиг кимя тег ул нанг ирқлу турур,

Уқуш ўрдусиул нанг ўғлу турур.

Билим-кимё каби, у жам бўлиб туради,

У заковат ўрдасидир, доим уюлиб туради.

27. Радфи мураккаб ва нойирали мутлақ қофия:

2281 Тузи этмаки ҳам аши керак,

Ати, тўн, тўлуми ангар тенг керак.

Тузи, нони ҳамда оши мўл-кенг бўлишин керак,

Оти, кийимлари асласҳаси унга мос-тенг бўлиши керак.

г – раивий, к - васл, р – хуруж, а – мазид, к – нойира, н – радфи  
мураккаб.

28. Қайд ва ноирали мутлақ қофия:

5743 Севинчлик тегукта сақинч келдурур,

Сақинчлиг теса бу севинч кулдурур.

Шодлик (топдим) деганда, алам келтиради,

Аламли (бўлдим) деганда, бу севинч кулдиради.

ч – раивий, к - васл, у – хуруж, л – мазид, д,у,р,у,р – нойира,  
н – қайд,

Текширишлар шуни кўрсатадики, «Қутдағу билиг»да классик қофия типини 16 тури бошқаларга қараганда фаол қўлланган. «Қутдағу билиг»даги бу фактни Алишер Навоийнинг «Саббаи сайёр» достони ҳамда Ҳ.Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» дostonлари қофиялари билан солиштирсак, туркий адабиётда классик қофия типлардан 16 тасидан кенгрок фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Булардан бештаси, муқайяд қофия ва 11 таси мутлақ қофия турларидандир. (Муқайяд қофиядан: муқаяди мужаррад, даҳилли, радфи муфрадли, радфи мураккабли, қайдли муқайяд, мутлақ қофиядан мутлақи мужаллад, радфи муфратли қайдли хуружли, радфи мурад ва хуружли, қайд ва хуружли, мазидли, радфи муфрад ва мазидли нойирали, радфи муфрад ва ноирали, радфи аслий ва нойирали мутлақ қофия).

Шу ўринда радфи аслийли қофиянинг бошқаларга қараганда энг кўп қўлланганига сабаб нима деган ҳақли савол туғилиши табиийдир. Маълумки,

«Қутадғу билиг» аруз вазнинг мутақориби мусаммани мақсур (солим ва махзуф турлари ҳам бор) баҳрида ёзилган бўлиб унинг парадигмаси у--у--у--у- (фаувлун фаувлун фаувлун фаул)дир. Дамак, вазнинг ҳар бир рукни чўзик бўғин билан тугаши шарт, бу ўз-ўзидан (радибли ва мутлақ қофияларни ҳисобга олмаганда) муқайяд қофиянинг равийси олдида келган унли чўзик бўлиши тақозо қилади. Мана шу фонетик шароит асар қофия системаси таркибида радфи аслийли қофиялар салмоғини оширишга сабаб бўлган.

IV. Қофиянинг яна бир махсус тури борки, у ҳам шеърнинг товуш таркибига, эмоционал таъсирчанлигига катта куч бағишлайди. Шарқда уни қофияйи ҳожибдор \_\_\_\_\_ дейишади. Шу ўринда атамани тушунишга бир оз аниқлик киритишга тўғри келади. Туркий шеърят қонуниятларини ўрганган М.Ҳамроев ўзининг «Уйғур классик ва ҳозирги замон шеърятида қофия» деган асарида ҳожибни радиф билан шунингдек, ички қофия ва анафоралар билан қориштириб юборган. Буни филология фанлари кандидати В.Раҳмонов ўз вақтида кўрсатган эди.

Ваҳоланки, радиф қофиядан кейин такрорланиб келувчи, маълум мисра ёки бандлар доирасида қўлланувчи фигура. Ҳожиб ҳам шеър оҳангдорлиги ва эмоционал кувватини оширувчи элемент, аммо у қофиядан олдин келади. Атаманинглаувий маъноси ҳам шуни тақозо қилади: ҳожиб-парда демакдир, яъни қофия ва мисранинг бошқа сўзлари ўртасиги алоқани таъминловчи ўзига хос поэтик бўлакдир.

Достонда бундай қофиялар анча кенг ишлатилган. Ҳожибли қофияларни кўллашда алоҳида маҳорат кўрсатилган. Ҳожиб сифатида туб ва ясама, содда ва қўшма сўзлар, сўз бирикмаларидан ҳам кенг фойдаланилган, хатто кўмакчи, боғловчи ва ундовларнинг ҳам шу вазифасида келганлигини кўриш мумкин.

3339 Ўзунг сизғурурса ўғул-қиз тэгу,

Бу эмгаг билигли ўғул-қиз қайу.

Ўғил-қиз деб ўзингни кўйдирасан,

Бу меҳнатни билувчи ўғил-қиз қани?!

4317 Уларқа қатилғил, келиш ҳам бариш  
Нэку қулса бергил, алиш ҳам бериш.

Уларга аралашгин, келиш ҳам бориш,  
Нима сўраса бергил, олди-берди қилгин.

5125 Удима бу ғафлат била, эй элиг,  
Эсурма бу бэглиг била, эй силиг.

Бу ғафлат (ўйкуси) билан ухлама, эй элиг,  
Бу беглик билан маст бўлма, эй зариф.

Келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, юқоридаги воситалар билан шоир қофия коэффеценти энг охирги нуқтасигача оширишга эришган. У қанча юқорилашса, байтнинг ритмик оҳангдорлиги ва ундаги лиризм ҳам шунча кўтарилади. Бу эса асардаги дидактик руҳнинг китобхонга етказишда жуда катта таъсир кўчини келтиради.

Шарқда энг машхур турлардан бири қофиянинг радифли ҳолати бўлиб, уни қофияйи радифдор \_\_\_\_\_ дейишади. Радифли қофиялар «Қутадғу билиг»нинг маснавий қисмда ва тўртликларида бор. қасидаларнинг бирортасида ҳам радиф қўлланган эмас.

Радиф сифатида бир ёки ундан кўпроқ сўзлар келтирилиши мумкин. (битта сода сўз).

2992 Хазина керак кўп, эрот чўқ керак,  
Беги бай кераксиз будун тўқ керак.

Кўп хазина нега керак, кўп аскар керак,  
Беги бой (бўлиши) кераксиз, халқ тўқ (бўлиши) керак.

иккита (қўшма сўз ёки сўз бирикмаси):

3575 Неку тер, эшитгил, унданмиш кўр эр,  
Қамуғ булғанукдин сузулмиш кур эр.

Ҳушёр тортган ботир киши нима дейди, эшитгин,

Ҳар қандай нопокликдан тозаланган ботир киши.

Учта (қўшма сўз, сўз бирикмаси ёки гап):

1508 Билигли билурму, неку тер, неку,

Уқуғли уқарму, неку тер, неку.

Доно биладими? (Бу ҳақда) у нима дея олади?

Заковатли уқадими? (Бу ҳақда) у нима дея олади?

Радифларнингтажнисли ҳолда қўлланиши ҳам учрайди, аммо у бундай шароитда радифликдан чиқиб, тажнисли қофияга айланиб кетади:

5396 Эрат тэргу йиғгу ачинғу ачиғ,

Чиғайиғ байутғу тўдурғу ачиғ.

Аскар териш, йиғиш (ва) инъомлар бериш керак,

Камбағални бойитиш, очни тўйдириш керак.

Радифлар баъзи ўринларда равийнинг аффиксда келиши натижасида пасайган оҳангдорликни, қофия коэффициентини кўтариш-эвфоник функцияни бажаради:

600 Тэгимсиз тапуғ бирла тўрка тэбир,

Йарағсиз йаранса, кўп, илка тэбир.

601 Тапинғу қайиқсиз тапуғ қилғучи,

Тапуғ сингса ўтру тилакка тэгар.

(Ҳеч нарсага) эришмаган киши хизмат туфайли тўрга (юқори ўринга) эришади,

(ҳеч нарсага) ярамайдиган киши, бирор нарсига яраб қолса, (пойгада) ўзига муносиб ўринга чиқади.

Хизмат қилувчи оғишмай хизмат қилиши керак,

Хизматлари синнғач, киши сўнг тилакка етади.

Бу ерда қофияланган сўзлар тўрка-илка-тилакка бўлиб, тегир радифдир. Қофияланган сўзларнинг ўзаги «тўр», «ил» ва «тилак»дир. Кўриниб турибдики, равий ўзоқда жойлашган эмас, аммо ундан кейин келтирилган радиф буни деярли сезиларсиз ҳолатга олиб келган.

Радифли тўртликларнинг айримларида дастлабки икки мисрада радиф ўрнидаги сўзнинг охириги мисрадаги сўз талаби билан қофияга айланиб кетиши кузатилади.

3747 Қулуб бермагу нангни қулма кучун,

Тилаб бўлмағуни тилама кучун.

3748 Юриб тегма ерку ма борма ядағ,

Қали бардинг эрса тег эмгак учун.

Сўраб бермайдиган нарсани зўр билан сўрама,

Истаб топилмайдиган нарсани зўр билан истама.

Шунингдек, ҳар ерга юриб яёв бораверма,

Агар боргудек, бўлсанг, тушун, машаққат учундир.

Бу ердаги дастлабки икки мисрадаги «кулма» билан «тилама» қофия бўлиб, «кучун» радиф вазифасини адо этаяпти. Тўртликнинг охириги мисрасидаги «учун» эса «кулма» билан «тилама»га эмас, балки «кучунга» қофия бўлади. Шунга кўра «кучун» радифликдан чиқиб қофияга айланиб кетади. Назаримда, бу ҳодисани араб-форс поэтикаси талабларидан чекиниш деб эмас, аксинча уни амалий жиҳатдан бойитишга қаратилган уриниш деб баҳолаш ўринли бўлади. Асарда турли морфологик ҳамда синтактик элементлар радиф вазифасида қўлланган:

От:

3639 Неку тер, эшит бу бағирсақ киши,

Яқинлик улағли тапуғсақ киши.

Бу меҳрибон киши нима дейди, эшит,

Яқинлик боғловчи меҳнатсевар киши.

Сифат:

4312 Тарифчи кишилар бўлур алги кенг,  
Баят бермишиндан тутар кунгли кенг.

Дехқон кишилар кўли очик бўлади,  
Кўнглини худо берганидан ҳам кенг тутуди.

Олмош:

1991 Яғи бўйни енчак тилар эрса сен,  
Қулак қаз керак сақ қилиб турса сен.

/Агар/ сен ёв бўйнини янчмоқ истасанг,  
Сен қулоқни ғоят хушёр тутиб туришинг керак.

Феъл:

6232 Ажун қилқи барча андин бўлди, кўр,  
Киши кўнгли тилди ўнгин бўлди, кўр,

Оламнинг тарзи мутлақ бошқача бўлди, кўр,  
Одам/лар/ кўнгли тилдан бошқача бўлди, кўр.

Равиш:

6078 Тириглар фирақ бўлса тапшур яна,  
Тилаб эрташу яндрю қавшур яна.

Тириклар айриликқа учраса, яна топишади,  
Қидириб, излашиб яна қайта қовушишади.

Кўмакчи:

6236 Яқинлик неча бўлди ярмақ учун,  
Қани иш қилиғли кўни ҳақ учун.

Яқинлик фақат пул учун бўлиб қолди,

Ҳақ учу ниш қилувчи тўғри қани.

Ундов сўз:

1142 Явалиқта кечти тириклик, эсиз,  
Сура идтим ўд-кун, беглик, эсиз.

Эсиз, тириклигим беҳудага ўтиб кетди,

Эсиз, давру-даврон ва бу бекликни беҳудага ўтказиб юбордим,

Боғлама:

4883 Элиг ма эди эзгу султан турур,

Чиғай, йўқ, явузқа севук жан турур.

Элиг ҳам жуда яхши султондир,

Камбағал, йўқсил /ва/ ёмон/лар/га севик жон /яъни карамли/дир

VI. жиносли қофиялар

5564 Айур эй қадашим қали келдинг, ай,  
Сенга тушғали мен тақи кечмас ай.

Айтди, эй қариндошим, нечук келдинг, айт,

Сен билан мен учрашганимга ҳали /бир/ ой ўтганича йўқ.

4922 Қуруқлуқ турур бу замона яси  
Ара асғи тегрур арала яси.

Бу замонанинг ёйи /отишга/ ҳозирлангандир,

Гоҳо нафини етказди, гоҳо зарарини.

/бу ҳақда яна «қофия билан боғлиқ санъатлар» бўлимига қаранг/.

VII. Мурассаъ қофиялар

Кишанлиғ кўрамиз, керакча юрир,

Тишағлиғ йирамиз, тилакча барир.

Тузунлуг керак ҳам силиглиг керак,

Ўқушлуғ керакхам билиглиг керак.

/бу ҳақда яна «қофия билан боғлиқ санъатлар» бўлимига қаранг/

Араб-форс поэтикасининг қатъий меъёрий критерийларига кўра ўрнатилган канонлар доирасидан чиқувчи, бироқ X-XIасрлар поэзияси учун меъёрий ҳисобланган қофиялар.

Ўзбек билан қўшимча ўртасидаги /ёки аксинча/ қофиялар.

Дастлабки ёзма ёдгорликларга қараб ҳукм чиқарадиган бўлсак, туркий тилдаги поэзия қофиясида равийнинг ўзакда келиши ҳамма вақт ҳам шарт бўлавермаган ва бу ҳодиса гарчи жуда кенг миқёсда бўлмасада, ҳозирги туркий поэзия қофиясида равийнинг ўзакда келиши ҳамма вақт ҳам шарт бўлавермаган ва бу ҳодиса гарчи жуда кенг миқёсда бўлмасада, ҳозирги туркий поэзияда ҳам учраб туради. Шунга кўра «Қутадғу билиг» қофиялардаги равийнинг аффиксга кўчган ҳолати араб-форс қофия назариясини татбиқ қилишда Юсуф Хос Ҳожиб йўл қўйган камчилик эмас, балки қадимги туркий анъананинг кучли инерцияси натижасидир. Мана шу инерция таъсири билан баъзи пайтларда равий аффиксга кўчади. /27%/

«Қутадғу билиг» қофияларининг морфологик хусусиятлари тўғрисида гапирганда қўйидагиларни ҳам кўрсатганидай, «Қофия тараққиёти сўзларнинг мос келиши ва ноўхшаш грамматик қўшимчалар туфайли вужудга келган шу жиҳатдан туркий поэзиядаги қофиятакомили кўп даражада суффиксал қофияларни номукамал ҳисоблайдиган араб-форс шеър назариясини ўзлаштиришга мослаштирди»

Демак, Юсуф Хос Ҳожиб даврида, яъни туркий ёзма поэзиянинг илк босқичида қофияни ташкил этишдаги ўзгариш энг аввал грамматик йўсинда содир бўлди ва бу ҳодиса ҳам ўз навбатида қофия луғатини кенгайтиришга имкон яратади. Шунинг учун ҳам В.М.Жирмунский қўйидагича ёзади: «Қофия оҳангдошлигининг аффикслар гуруҳини қамраб олиши ҳамда қофиятаркибидаги ўзакка тегишли бўлган сўзларга алоқадор товушларни киритилишига кўра кенгайиши поэти тип ҳодисаси сифатида қофия

кўллашнинг жуда қадимги даврлардаёқ вужудга келган ва маълум маъноларда туркий назм учун анъанавийдир».

А.Е.Мартинцовнинг ҳисоблашича Маҳмуд Қошғарий «Девон»идаги поэтик текстларда аффиксал қофиялар 80%, турли грамматик кўшимчалар билан ўзакнинг қофияланиши эса 8%ни ташкил қилади. Мана шу кўрсаткичларни «Қутадғу билиг» фактлари билан солиштирайлик:

№	Асар номи	ўзак: ўзак	ўзак: аффикс	аффикс: аффикс
1.	«Девон»	2	8	90
2.	«Қутадғу билиг»	73	12	15

Достон қофияларини морфологик жиҳатдан ўрганиш унинг поэтик техникаси қофия жиҳатдан ўрта аср классик поэтикаси талаблари даражасига тўла мос келишини кўрсатади. Чунки ўрта аср классик туркий поэзиясидаги ўзак қофиялар 15%ни ташкил қилади.

Бундай ҳисоблашларни «Қутадғу билиг» жанрлари бўйича қўлласак, қўйидаги кўрсаткичларни кўриш мумкин (Фоизларда) :

№	Қофия типи жанр	ўзак: ўзак	ўзак: аффикс	аффикс: аффикс
1.	Маснавий	75	11	14
2.	Тўртлик	64	17	19
3.	Қасида	48	7	57

Кўриниб турибдики, «Қутадғу билиг»да ўзак билан ўзак қофиясидаги энг паст кўрсаткич ҳам (қасидада 43%), «Девон» кўрсаткичларидан яқин 22 марта катта ёки аффиксал қофия энг катта кўрсаткич билан солиштирадиган бўлсак (қасидада 57%) «Девон»дагидан икки марта кичикдир. Бу биринчидан, араб-форс қофия назариясининг халқ оғзаки ижодига қараганда ёзма адабиётга олдинроқ ва кучлироқ таъсир қилганлигини кўрсатса, иккинчидан, XI аср поэтик техникасининг ривожланиб ўрта аср классик

поэзияси ривожига туртки бўла оладиган даражага етганини кўрсатади. Бунда албатта Юсуфнинг шахсий қобилиятини ҳам назардан қочирмаслик керак.

Равийнинг ўзак таркибидаги ўрин олган ҳоллари асосий ўрин эгаллайди (73%), аффикслар иштироки эса ёрдамчи характерга эга бўлиб, дostonнинг ритмик оҳангдорлигини ошириш функциясини бажаради:

988 Сўз асғи била, кўр, йағиз йэрдаки,

Йашил кўкка йўқлар, бўлур тўрдаки.

Сўз фойдаси тўфайли, кўргин, қора ердаги

Яшил кўка юксалади, тўрга чиқади.

«Қутадғу билиг»да бир қатор қофиялар учрайдики, улар классик назария талабларига мос келмайди. Масалан, асарда, гарчи жуда кам бўлса-да, лексико-фонетик жиҳатдан тамомила бир хил сўзни қофияда келтириш ҳам учрайди. Классик назарияга кўра руҳсат этилмайдиган бу ҳодисанинг асосини, бизнингча, қадимги туркий ёдгорликлар қонуниятларидан излаш керак. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, гарчи қадимги туркий шеърят аллитерацияга асослансада, ундаги мисра охирида келтирилган қофияларни (улар тасодифий ёки грамматик тузилмалар паралеллиги оқибати бўлишига қарамай) ўрганиш юқоридаги ҳолга асос бўла олади. Шунга қарамай, «Қутадғу билиг» муаллифи бундай ўринларда қўшимча оҳангдорлик берувчи бошқа воситаларни қўллайди. Қуйидаги байтда бир хил сўзлар қофияланган: (келиб:келиб)

1750 Билигсизка давлат яранса кэлиб,

Билигликка артуқ йарашур кэлиб.

Юз уриб келган давлат нодонга ярашса,

Донога юз уриб келган давлат жуда муносиб бўлади.

Кўриниб турибдики, кўшимча оҳангдорликсифатида иштирок санъатидан (ўзакдош сўзларни келтириш усули) фойдаланилган.

\_\_\_\_\_ (биликсизка: билигликка) \_\_\_\_\_  
(йаранса-йарашур). Бироқ бу ерда кейинги мисранинг бошқа бир тўртлик таркибида қуйидаги тарзда қўллангани эътиборни тортади:

1678 Билигликка артуқ ярашур тегиб.

Бу ходиса Айни сўзнинг ўзаро қофияланиши алоҳида ҳолатларда муаллиф билан эмас, балки кўчириб ёзувчи котиблар билан алоқадорлигига ишора қилади. Шунингдек, бир хил сўзлар қофияланган байтлардан кейинги мисраларда зулқофиятайн ишлатилиши ҳам характерлидир:

452 Йигит эрди ўғлан, қилинчи амул,  
Уқушлуқ, билиглик ҳам ўгулуқ амул.

453 Йузи кўрклуғ эрди, кўриб кўз қамар,  
Сўзи йумшақ эрди, тили туз тамар.

Жавонмард йигит эди, феъли рафтори мулойим,  
Заковатли, билимли, ақлли, вазмин киши эди,  
Юзи (шу даражада) кўркли эди (ки), кўриб кўз қамашарди,  
Сўз(лар)и юмшоқ эди, тилидан ҳақиқат □ғарди.

4251 Буларда баса қач қату бар адин,  
Бақа кўрса билги билигда адин.

4252 Уларда бириси ўтачи турур,

Қамуғ иг, туғақа бу эмчи эрур.

Булардан ташқари бошқа қанча табақалар бордир,  
Назар солинса, билим(лар)и бир-бирининг билимидан ўзгача.

Улардан бири табиб(лар)дир,  
Ҳамма касаллик, руҳ оғирлигига улар эмлидирлар.

Шу ўрида бир мулоҳазани айтиш ўринлидир: юқоридаги мисоллар кофиянинг оддий такрори эмас, балки туркий ва форсий адабиётда кейинчалик жуда кенг қўлланган радифнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан алоқадор эволюцион жараённинг дастлабки кўриниши эмасми? Бу фикрни, назаримизда, такрорланаётган сўздан олдин жуда кучсиз «кофия»ли кўйидаги мисол ҳам тасдиқлаб туради:

4223 Қара қазғуси барча қарни учун,  
Будун тевшики барча бўғзи учун.

Қора (авом) қайғусининг барчаси қорни учундир,  
Халқнинг жон койитишининг барчаси томоғи учундир.

5805 Бу дуня иши, кўр, ўюн ул ўюн,  
Ўюнқа қатилма, керак бу ўюн.

Бу дунё ишини кўр, (у) найрангдир, найранг,  
Найрангга аралашма, бу найранг нега керак.

Албатта, буф икр пухта текширилмоғи, бошқа манбалар асосида махсус ва жиддий тадқиқ этилмоғи керак.

2. Шоир оҳангдошликка путур етмаслиги учун ўзаро равийдош бўлиши мумкин бўлган товушларнинг бир-бирларига энг кўп даражада яқинлаштира оладиган фонетик шароитларни ҳисобга олган ёки тўркий тили адабиёт амалиёти мана шу ҳолатни юзага чиқарган. Натижада шоир

а) ун иштирокига кўра:

алир: барир

байур: бўлур (жарангли)

б) артикуляция ўрнига кўра:

афсунчилар: эмчилар

бўлуб: туруб (бурун товушлари)

в) артикуляция усулига кўра:

башчиси: сўзчиси (сирғалувчилар)

яқин бўлган товушларни танлай олган ва улар шу ўринда ўзини тамомила оқлайди.

2. Туркий тилдаги равийнинг қўлланишидаги имкониятнинг баъзи бир турларини XV-XVI асрлар шеърини мисолида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар қайд қилишган эди. «Қутадғу билиг»да ўзаро равидош бўлиб келган қуйидаги ундошларни кўрсатиш мумкин: қ: ғ, к: г, с: з, ч: ж.

Туркий тилдаги бу имкониятнинг амалий жиҳатдан катта аҳамияти бор – у шоирнинг поэтик мазмун йўлида қофия танлашдаги имконият доирасини кенгайтиради, натижада шоир ўз олдидаги катта

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Каримов И. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёи кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 140-бет.
- Абдуллаев К. Қасоиди Ҳофиз. - // Чашнномаи Ҳофиз. – Душанбе, Дониш, 1971.
- Абдурахманов Г. А. Исследование по старотюркскому синтаксису XI века. - М.: Наука, 1967.
- Абдурахманов Г. А. К переводу "Кутадгу билиг" на русский язык. - Советская тюркология, 1970, № 4, с. 120-126.
- Абдурахмонов Г. Тарихий синтаксис. Тошкент: Фан, 1951.
- Абрамович Г. Введение в литературоведение. - М. : Просвещение, 1975.
- Азер А. Рифма персидского стиха.- В кн.: Проблемы восточного стихосложения. - М.: Наука, 1973.
- Алибек. "Сабъаи сайёр" тилининг бадий хусусиятлари.- ТашДУ илмий ишлари. 240-чиғиши. Тошкент, 1964.
- Алиев С.Х. Формы азербайджанской классической поэзии. АКД, Баку , 1966 .
- Арабско-русский словарь. Составитель Х. Баранов, издание четвертое, в двух книгах, кн. I. - М.: Советская энциклопедия, 1970.
- Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка. - Л.: Просвещение, 1973.
- Асланов В. И. О метафорических переносах в средневековой тюркоязычной поэзии. - Советская тюркология. 1970, № 6. Атоулло
- Ҳусайний. Бадоеъ ус-саное . - Душанбе: Ирфон, 1974.
- Багиров А. З. Туяғ вазнининг шаклланишига доир - Адабий мерос, 1982, № 2, 71-72 - бетлар.
- Баролина И.В. Поэма «Кутадгу билиг».- В кн.: Юсуф Хас Хаджиб. Наука быть счастливым. Пер. Н.Гребнева. Ташкент, 1969.

- Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. - Соч, т. II, ч.1-М.: Наука, 1963.
- Бартольд В. В. Богра-хан, упомянутый в "Кутадгу билиг" .- Соч., т. У. - М.: Наука 1968.
- Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. - М.: Висшая школа, 1962.
- Баскаков Н. А. Роль уйгуро-карлукского литературного языка Караханского государства в развитии литературных языков средневековья.- Советская тюркология. 1970, № 4, с. 13-19.
- Бертельс Е. Э. Изречение Ибрахим ибн Адхама в "Кутадгу билиг» - Суфизм и суфийская литература. - М. : Наука, 1965.
- Бертельс Е Э. История персидско-таджикской литературы. - М.: Наука, 1960.
- Бертельс Е. Э. К вопросу о традиции в героическом эпосе тюркских народов. - Советское востоковедение, IV. М.. 1947 с. 73-79.
- Бертельс Е. Э. Подготовка к изданию наманганской рукописи "Кутадгу билиг". - Литературная газета, 1945, 10 марта.
- Бертельс Е. Э. «Хибат аль-хакайик» Ахмада Югнаки. - Труды САГУ, новая серия, вып. 3. кн. I. Самарканд, 1945.
- Бертельс Е.Э. Юсуф Баласагунский. - Большая Советская Энциклопедия. 2-е изд. 9. М. : 1945. с. 425-426.
- Бобир З. М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С. Ҳасан. - Тошкент: Фан, 1971.
- Боровков А.К. Алишер Навоий как основоположник узбекского литературного языка. - Об.: Алишер Навои.- М.-Л.,1946, 92- 120.

- Брагинский И.С. Очерки из истории таджикской литературы.  
Сталинабад, 1965.
- Валиди А.З. Восточные рукописи в Ферганской области. -  
Записки Восточного Отделения Русского Археологического Общества, 1914, т. XXII СП., 1915, с. 312 - 331.
- Валитова А. А. К вопросу о классовой природе караханидского государства. - Труды Киргизского филиала АН СССР, вып. I. Фунзе, 1942. с. 127-136.
- Валитова А. А. К вопросу о мировоззрении Юсуфа Баласагунского (политические поучения среднеазиатского мыслителя XI века). - Краткие сообщения Института народов Азии, *вып.* 71. - М.: 1964, с. 99-125.
- Валитова А. А. к вопросу о фольклорных мотивах в поэме "Кутадгу билиг". - Советское востоковедение. М., 1958, № 5.
- Валитова А. А. К изданию критического текста и перевода Кутадгу билиг». - Краткие сообщения Института народов Азии, Т.: XVII. М., 1961 с. 77-88.
- Валитова А. А. О некоторых поэтических особенностях «Кутадгу билиг» - М. : Изд-во Восточной литературы, 1960.
- Валитова А.А. О некоторых терминах в "Кутадгу билиг".- Краткое сообщение Института народов Азии. вып. 63. М.: 1962, с. 111-123.
- Валитова А. А. Отражение легенды об Александре Македонском и нищем шах-заде в "Кутадгу билиг".- Краткие сообщения Института народов Азии вып. 65. М.: 1964.
- Валитова А.А. Этнонимы в тюркоязычном памятнике XI в. "Кутадгу билиг".- М.: Наука, 1964.
- Валитова А.А. Юсуф Баласагунский и его "Кутадгу билиг".- Краткие сообщения Института востоковедения АН СССР. 1952, № 4, с. 56-63.

- Валихўжаев Б. Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туюқ. -Адабий мерос, 3-том. - Тошкент: Фан, 1973.
- Габриэли Ф. Основные тенденции развития в литературах ислама. - В кн.: Арабская средневековая культура и литература. Сб. статей зарубежных ученых. - М.: Наука, 1978.
- Госман Х. Шигыр тозелеше. - Казан: Татарстан китаб нашрияси, 1975.
- Грюнебаум Г. Литература в контексте исламской цивилизации.- // Арабская средневековая культура и литература.-М. :Наука, 1978.
- Дехтяр А.А. Проблемы поэтики дастанов урду.- М.: Наука. 1979.
- Джобжинская Т. Делимитация литературного текста. – Реферативный журнал "Обществеюше науки за рубежом" , 1976, № 2, серия 7, Литературоведение.
- Древнетюркский словарь. - Л.: Наука, 1969.
- Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М.: ОГИЗ, 1947.
- Зайончковский А. К. К изучению средневековых памятников тюркской письменности (XI-XV1 вв.) - Вопросы языкознания, 1967,№ 6,с.80-89.
- Зехний Т. Н. Санъати сухан. - Душанбе: Ирфон 1967.
- Зехний Т. Н. Санъатҳои бадеи дар шеъри тоҷики .- Сталинобод: Нашриёти Давлатии Тоҷикистон, 1960.
- Ильминский Н. И. Вступительное чтение в курс турецко-татарского языка с приложениями. - Ученые записки Казанского университета за 1961 г. г. Казань, 1862.
- Исҳоқов Ё. Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар. Муқадди-ма. Маънавий санъатлар. Ихом. - Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. 1-сон, 84-90-бетлар.
- Исҳоқов Ё. Радд ул кофия.- Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 1-сон.

- Исҳоқов Ё. Тазод. - Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 5-сон, 80-83-б.
- Исҳоқов Ё. Таносиб. - Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 6-сон, 72-75.
- Исҳоқов Ё. Ташбеҳ. - Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 4-сон, 81-83.
- Исҳоқов Ё. Қайтариш. - Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 2-сон.
- Исҳоқов Ё. Қофия ва шеърӣ санъатлар. - Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, 1-сон.
- Каримов К. Илк бадиий достон. - Тошкент: Фан, 1976.
- Каримов К. Категория падежа в языке "Кутадгу билиг", АҚД, Ташкент, 1962.
- Каримов К. Некоторые вопросы композиции, метра и жанра "Кутадгу билиг". - Советская тюркология, 1973, № 2.
- Каримов К. Юсуф Хос Ҳожиб ва "Шоҳнома". - Обществение науки в Узбекистане, 1965, № 8.
- Каримов К. «Кутадгу балаг»нинг топилиши ва ўрганилиши тарихдан. - В кн.: Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2 - китоб. - Тошкент, УзФА нашриёти, 1961.
- Каримов К. «Кутадгу билиг»нинг тузилиши ва вазни. - В кн.: Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, 2 - китоб. - Тошкент: УзФА нашриёти, 1961.
- Каримов Ҷ. Узбек адабиёти тарихи, 3-китоб, 2-нашри. - Тошкент: Ўқитувчи, 1975.
- Кляшторный С.Г. Эпоха "Кутадгу билиг"-Советская тюркология, 1970, № 4, с. 82-86.
- Кононов А.Н. Слово о Юсуфе и его поэме "Кутадгу билиг".- Советская тюркология, 1970, № 4, с. 3-12.
- Корогли Х. Алп Эр Тонга и Афрасияб по Юсуф Баласагуни, Махмуду Кашгари и другими авторам. - Советская тюркология, 1970, № 4, с. 108-115.
- Корогли Х. Узбекская литература. - М. : Высшая школа, 1976.
- Корш Ф. Древнейший народный стих тюркских племен. СПб. ,

1909.

- Куделин В.Б. поэзия Юнуса Эмре . - М. : Наука, 1980.
- Лихачев Д. С. Поэтика древнерусской литературы. - М. : Наука, изд. а-в , 1979.
- Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. -Л.: Просвещение, 1972.
- Лутфий. Девон. Гул ва Навруз достон. Нашрга тайёрлоачи С. Эркинов. - "Тошкент" бадий адабиёт нашриёти, 1965.
- Маллаев Н. Узбек адабиёти тарихи. - Тошкент: 1976.
- Малов С. Е. "Кутадгу билиг". Факсимиле. - Советское востоковедение, V. 1948, с. 327-328.
- Малов С. Е. Мир Али шир Навои в истории тюрских литератур и языков Средней и Центральной Азии. - Изв. АН СССР. Отделе ние литературы и языка, 1947, вып. 6,№ 6. с. 475-480.
- Малов. С. Е. Образцы древнетюркской письменности с предисловием и словарем. Ташкент, 1926.
- Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М. - Л. , 1951.
- Мелиоранский П. М. О "Кутадгу билиг" Чингиз-хана. - Записки Восточного Отделения Русского Археологического Общества,1900, т. XIII с. 015-023.
- Мелиоранский П. М. Крымский А. Турецкие наречия и литературы.-Энциклопедический словарь Ф. А. Брокгауза и Ефрона. СПб., 1912, с. 159-169.
- Мирзоев А. Абу Абдулло Рудаки. - Сталинобод, Нашриёти Давлатии Точикистон, 1958.
- Мирзоев А. Камал ад-Дин Бинаи. - М.: Наука, 1976.
- Муқимий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Ҷ. Каримов. – Тошкент, УзФАН нашриёти, 1958.

- Муталлибов С. М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. Тошкент, 1959.
- Навоий А. Мажолис ун-нафоис. Асарлар. 13 Том. Нашрга тайёрловчи С. Ҷаниева. - Тошкент, бадиий адабиёт нашриёти, 1966.
- Навоий А. Мезон ул-авзон. Нашрга тайёрловчи И. Султон. Асарлар. 14 том. – Тошкент, бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
- Навоий А. Муҳокамат ул-лугатайн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Асарлар, 14 том. - Тошкент, бадиий адабиёт нашриёти. 1967.
- Навоий А. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. - Тошкент: УзФАН нашриёти. 1960.
- Насилов Д. М. Изучение памятников древне уйгурского языка в отечественном востоковедении. - Тюркологический сборник 1970 - М.: Наука, 1970.
- Насилов Д. М. В. В.Радлов и изучение древне уйгурских памятников. - Тюркологический сборник. 1971, Памяти В.В.Радлова. - М.: Наука, 1972.
- Насриддинов А. Тамоюлоти халқи дар назми асрҳои XI - XII Душанбе: Дониш , 1970 .
- Неъматов Х. Ўзгурмишинг ўлими. - Ўзбек тили ва адабиёти. 1973, № I.
- Никитина В. Б., Паевская Е. В. Поздева Л. Д., Редер Д. Т. Литература древнего Востока. Изд-во МГУ, 1962.
- Носиров О., Жамолов С. , Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърляри жанрлари. - Тошкент: Укитувчи, 1979.
- Османов М. Н.-О. Синтаксическая структура бейта (на примере «Дивана» Хафиза).- В кн.: Проблемы восточного стихосложения. - М.: Наука, 1973.
- Османов М. Н.- О. Стиль персидско-таджикской литературы

- 1X-X вв. - М.: Наука, 1974.
- Поляков М. Вопросы поэтики и художественной семантики. - М.: Советский писатель, 1978.
- Пригарина Н. И. "Восемь раев" Амира Хосрава Дехлави. (К вопросу о композиции поэмы). - В кн.: Литературы Индии. - М.: Наука, 1979.
- Пригарина Н. И. Поэтика творчества Муаммада Икбала. - М.: Наука, 1978.
- Радлов В. В. Кутадгу билиг. Факсимиле уйгурской рукописи императорской и королевской библиотеки в Вене. СПб., 1890.
- Рахмонов В. Шеър санъатлари. Ленинобод, 1972.
- Розенталь Д. Э., Теленкова М. А. Словарь-справочник лингвистических терминов, изд. 2-е. - М.: Просвещение, 1976.
- Рустамов Э. Узбекская поэзия первой половина XV века. - М.: Наука, 1963.
- Рудаки. Шеърҳо. Бо муқаддима, тартиб ва тавзеҳи У. Каримов ва Саъдиев. - Душанбе: Ирфон, 1974.
- Самойлович А. Дополнение к предложениым Радловым и Томсеном к переводам одного стиха "Кутадгу билиг". - Доклады Академии наук, серия В, 1928, №2, с. 23-25.
- Самойлович А. Из поправок к изданию и переводу «Кутадгу билиг». - Доклады Российской Академии Наук, серия В, 1924, Октябрь-декабрь, с. 148-151.
- Самойлович А. К истории среднеазиатско-турецкого языка. – Сб.: Мир Али Шир. Л., 1928.
- Самойлович А. О среднеазиатской надписи на глиняном кувшине из Сарайчика. - Записки Восточного Отделения Русского Археологического Общества. Т. XX1, 1912.
- Самойлович А. Четверостишия - Туйуги Неваи. – Мусульманский

мир. Вып. 1. Пг, 1917

- Саримсоков В. Тажнис. - Узбек тили ва адабиёти, 1971, № 5.
- Содиқов Қ. Туркий матннавислик тарихидан. -// А.Қаюмов, М.Исхофов, А.ОтахҲжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. “Авесто”, “Занд” китоблари. СуҒд фалсафий-ахлоғий ёзма ёдгорликлари. Туркий матннавислик тарихи. – Тошкент, Ёзувчи, 2000,117-204 б.
- Содиқов Қ. “ҚутадҒу билиг”нинг тил хусусиятлари. -// Ўлмас обидалар, Тошкент, Фан, 1989,229-306-бетлар.
- Содиқов Қ. «ҚутадҒу билиг»нинг уйҒур ёзувли ғҲлёмаси ва асар вариантлилиги масаласи. -// Адабий мерос. Ўзбек адабиёти тарихидан тадғигот ва материаллар. Илмий асарлар тҲплами. Тошкент, 1998, 1-2 (67-68) – сонлар, 29-34-бетлар.
- Словарь литературоведческих терминов /редакторы-составители Л. И. Тимофеев и С. Е. Тураев/. -М.: Просвещение, 1974.
- Стеблева И. В. Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязычная поэзия. - Тюркологический сборник. К 60-летию Н.А.Кононова. – М.: Наука, 1966. с. 246 -254.
- Стеблева И. В. Еще раз об орхоно-енисейских текстах как произведении поэзии. - Народы Азии и Африки, 1969, № 2.
- Стеблева И. В. К вопросу о происхождении жанра-туюг.- Тюркологический сборник 1970. - М.: Наука, 1970, с. 135-137
- Стеблева И. В. О проникновении арабо-персидских метров в тюркоязычную поэзии. - В кн.: Проблемы литературы и эстетики в странах Востока. - М. : Наука, 1964.
- Стеблева И. В. Поэзия орхоно-енисейских тюрков. - Народы Азии и Африки, 1963, № 1.
- Стеблева И. В. Поэзия тюрков V - VIII вв. - М.: Наука, 1965.
- Стеблева И. В. Поэтика древнетюркской литературы и ее транс-

- формация в раннеклассический период. - М.: Наука, 1976.
- Стеблева И. В. Поэтика "Кутадгу билиг". - Советская тюркология, 1970, № 4, с. 94-100.
- Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке, - М.: Наука. 1963.
- Стеблева И. В. Рифма в тюркоязычной поэзии XI века. – Советская тюркология, 1970, № 1, с. 93-99.
- Тимофеев Л. И. Основы теории литературы. - М.: Просвещение, 5-е изд., 1976.
- Турди. Танланган асарлар. Тупловчи Х. Ёкубов. - Тошкент: Ўздавнашр, 1958.
- Фазилов Э. И. Лексика "Кутадгу билиг" в Древнетюркском словаре. -// Советская тюркология, 1970, № 4, с. 48-56.
- Фарҳанги забони тоҷики. тт. 1-П. - М.: Советская энциклопедия, 1969.
- Фильштинский И. М. Арабская литература в средние века (VIII - IX вв.). - М.: Главная редакция восточно литературы, 1978.
- Фитрат. Фирдавсий. - Социалистическая наука и техника, 1934, № 10-11.
- Фуркат. Танланган асарлар. Икки томлик, I т. Нашрга тайёрловчи Х. Расулов. - Тошкент, Уздавнашр, 1959.
- Ханна аль-Фахури. История арабской литературы. т. 1. М.: 1959
- Храпченко Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. Изд. 4-е. - М.: Советский писатель. 1977.
- Храпченко М. Б. Художественное творчество, действительность, человек. - М.: Советский писатель, 1976.
- Шарифов Х. Функции и марифатии қасида дар адабиёти тоҷик. - В кн.: Ёдбуди устод Рудаки. - Душанбе: Дониш, 1978.
- Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической лите-

- ратура (VI - VII вв.).-М.: Наука, 1974.
- Щербак М. А. Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII вв. из Восточного Туркестана. - М. - Л., 1961.
- Щербак А. М. О фонетических обобщениях «Кутадгу билиг» и древне уйгурском консонантизме. - Советская тюркология, 1970, № 4, с. 20-23.
- Юдахин К. К. Боуз или бу уз? - Эпиграфика Востока, I. - Сб.ст. под ред.проф. В. А. Крачковской. М. Л., 1947
- Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадгу билиг (Саодатга йулловчи билим), транскрипция ва хозирги узбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи К. Каримов. - Тошкент: Фан, 1971.
- Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадгу билиг. Нашрга тайёрловчи ва таржимон Қ. Каримов. - Тошкент: ф.ф.улом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1971.
- Қаюмов А. Қадимият обидалари. - Тошкент: ф.ф.улом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1972.
- Кошғарий Махмуд. Девону луғат ит-турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Тошкент: Фан. тт. I - III 1960-1963.
- Ҳайитметов А. Шарк адабиётининг ижодий методи тарихидан. - Тошкент; Фан, 1970.
- Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. - Тошкент: ф. ф.улом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1974.
- Ҳодизода Р., Шукуров М., Абдужабборов Т. А. Фарханги истилоҳоти адабиётшуноси. - Душанбе: Ирфон, 1966.
- Arat R. R. Kutadgu Billg. 1.Metin. Istanbul. Turk Dil Kurumu yauini. 1947. II. Tercuma. Turk Tarih Kurumu yayini. 1959,III. Indeks.1979.
- Arat R. R. Kutadgu Bilig.- Islam ansiklopedisi. 6 cilt . Istamnbul. Maarif Bfaiimevi. 1955.

- Arat R. R. Kutadgu Bilig. Tupki basim, I. Viyena nushasi.  
Istambul. 1942. II. Fergana nushasi, Istanbul? 1943. III. Misir  
Nusbasi, Istanbul, 1943.
- Bombaci A. Kutadgu Bilig hakkında bazi mulahazalar. - Fuad  
Koprulu armagani, Istanbul, Osman yalcin matbaasi. 1953.
- Brokkelmann K. Jysyr Khass Hadjib aus Balasagun. -  
Enzyklopaedie des islam, Band, IV, Leden-Lejpszig, 1934.
- Dilacar A. Kutadgu Bilig incelemesi, Ankara, Turk Dil Kurumu  
yaylinlari, 1972.
- Radloff W. Das Kudatku Bilik das Jusuf-Chaas-Hadscib aus  
Balasagun. Theil I. St. - Peterburg, 1891, Theil II. 1910.
- Valitova A. A. On some poetical tranits of "Qutadu Bilig".-  
Oriental literature rublishind house Moskow, 1960.
- Vambery A. Uigurische Sprachmonumente und das Kudatku  
Bilik. Innsbruk, 1870.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	1-5
I боб. «Қутадғу билиг»да туркий поэзиядаги айрим жанрлар	
генезисига доир .....	6-12
Маснавий. ....	12-27
Тўртлик .....	28-49
Қасида .....	50-72
II боб «Қутадғу билиг»нинг вазни масалсига доир .....	73-97
III боб Қофия .....	98-149
IV боб Бадий тасвир принциплари .....	150-232
Х У Л О С А .....	233-236
Изоҳлар .....	237-257